



АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

САЙКАЛИ

БАХРОМ И ГУЛЬАНДОМ

ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ — 1960

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

САЙҚАЛИЙ

БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИ 

ТОШКЕНТ — 1960

«Ўзбек адабиёти тарихи ёдгорликлари»

**ЎзССР Фанлар академияси президиумининг
1958 йил 31 октябрь 22-сон қарорига
мувофиқ нашрга тайёрланди**

Таҳрир ҳайъати:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари:
М. Т. ОЙБЕК, Ғ. ҒУЛОМ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-
нинг корреспондент аъзоси В. И. ЗОҲИДОВ, филология фанлари
кандидатлари: Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, Ғ. ҚАРИМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙ-
МОНОВ, П. Ш. ШАМСИЕВ, А. П. ҚАЙУМОВ

Нашрга тайёрловчи
Р. Алиев

Масъул муҳаррир
С. Ғаниева

САЙҚАЛИЙ ҲАМДА УНИНГ «БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ» ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Сайқалий XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ўзбек шоирларидандир.

Шоирнинг асл исми Собир бўлиб, Сайқалий (гўзаллаштирилган, пардозланган каби маъноларни ифодаловчи сайқал сўздан олинган) унинг адабий тахаллуsidир. Шоир айрим ўринларда ўз исмини туғилган ватанига нисбат бериб, «ҳисорий» сўзини ҳам тахаллус ўрнида ишлатган:

Камина Собирий айғувчисиман,

Ўтди дунё, кетди умринг, эй ҳисорий Сайқалий
Маҳзани дарду балонинг аждаҳори Сайқалий.
Сайқалий мискин Ҳисорий ул хисори ғам аро,
Солмагил ҳеч бандаға, ё раб, манга солгон ғами.

Сайқалий ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган. Ўзбек классик шоирларини ўрганиш, мутолаа қилиш, даврнинг маданий ҳаёти билан ҳамнафас бўлиш Собир Сайқалийни ижод майдонига тортди. Сайқалий йирик эпик асарлар яратди, уларда ўз замонасининг актуал ижтимоий масалаларини кўтариб чиқди.

Ҳозирга қадар Сайқалийнинг ҳаёти, ижоди илмий жиҳатдан текшириб чиқилмаган, шоирнинг асарлари ҳам нашр этилмаган¹, шунингдек, Сайқалий ҳақида бизгача биронта ҳам муфассалроқ биографик маълумот етиб келмаган. Шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун бундан кейин қунт билан илмий тадқиқот олиб бориш талаб этилади.

¹ 1945 йили тузилган «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»нинг 2-томида биринчи марта ўлароқ шоир асарларидан намуна берилган.

Шоирнинг бизгача сақланиб қолган асарларида, ўша давр анъанасига кўра, хронологияга аҳамият берилмаган. Айрим асарларда берилган хронологиянинг асар ёзилган ёки кўчирилган йилга мансуб эканлигини аниқлаш ниҳоятда мушкул. Шунга кўра, Сайқалийнинг қайси йилдан эътиборан бадий ижод билан шугўллана бошлаганини (бу эса биз учун жуда муҳим масала) ҳозирча аниқлашга муваффақ бўла олмадик. Бундан қатъий назар, Сайқалий профессионал шоир бўлган, деб хулоса чиқарсак янглишмаймиз. Чунки, шоир «Равзатуш шуҳадо» асарида шундай дейди:

Кел эмди, Сайқалий, жонинг ила назм

айлагил ҳар дам.

Санга ваҳдоби олам дунёда муздор ҳунар берди.

Шоир Сайқалийнинг қайси йилда туғилгани ва вафот этгани ҳам бизга номаълум. Сайқалий дostonларида берилган тарихларга суяниб, шоир XVIII асрда яшаб ижод этган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, XVIII аср Ўрта Осиёда феодал хонлик тузумининг инқирозга юз тутган бир даври бўлиб, бу даврда идеология майдонида ҳам турли хил оқимлар мавжуд эди². Адабиётда икки оқим (бир томондан феодал-сарой ва диний-мистик адабиёт, иккинчи томондан илғор ғояларни тарғиб этаётган, аслида ҳунармандлар орасида пайдо бўлган³ халқчил адабиёт) ўз аро рақобатда эди.

Ўз платформасининг йўқолиб кетишидан ҳавфсираб талвасага тушган сарой адабиёти XVIII асрга келиб бор кучини юқори синф ҳокимиятини мустаҳкамлашга сарфлай бошлади. Мазкур оқим шоирлари юқори синфни мадҳ қилишга берилиб кетиб, халқ ҳаётидан тамоман ажралиб қолдилар, асарларининг ғоявий мазмуни пучайиб кетди. Сарой шоирлари орасида эпигонизм (назирагўйлик) каби турли формалистик услубларда ёзишнинг авж олганлиги, уларнинг ҳар қандай ижтимоий масалаларни талқин этишдан юз ўгирганликлари

² XVIII аср Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида бир қатор манбалар мавжуд бўлганлиги учун бу ҳақда батафсил сўзлашни лозим топмадик; мазкур давр бўйича қуйидаги асарга қаранг: П. П. Иванов, Очерки по истории Средней Азии, ИВЛ, М., 1958, I, IV боблар.

³ Е. Э. Бертельс, Низами, М., 1953.

бу адабий оқимнинг тамомила тушкунликка учраганлигини кўрсатиб турар эди. Сарой адабиётининг таркибий қисми бўлган клерикал адабиёт намояндлари халқчил адабиёт вакиллари учун идеология майдонида энг хавфли рақиб эдилар. Агар сарой адабиёти вакилларининг асарларида ғоявий пучлик, формализмнинг авж олганлигини кўрсак, ўша даврда яратилган диний-мистик асарларда исломни, феодаллар ҳокимиятини мустаҳкамлашга астойдил уринишни кўрамиз. Ислом реакцияси кучайган бир даврда бундай асарлар жуда тез тарқалар ва ижтимоий тафаккурни заҳарлар эди. Диний темаларда ижод этган шоирларнинг тарки дунёчилик ғоялари халқни итоатда тутиш учун ҳукмрон табақаларга энг қулай восита эди.

Мазкур оқим намояндлари ўз асарларида бадийликни иккинчи планга қўядилар, халқчиллик, гуманизм, эркпарварлик каби тушунчалар уларга батамом ёт эди.

Халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи илғор адабиёт ана шу разил мафкуравий рақиб билан курашда тобора чиниқиб, катта обрў қозониб борди. Бу адабиёт ўзбек классик поэзиясининг энг яхши анъаналарини давом эттирди; адабиёт санъатнинг энг нозик формаси эканини ва унинг ижтимоий ролини яхши тушунди; ўз полотноларида даврнинг муҳим масалаларини кўтариб чиқди; халқ учун қайғурди, адолатсизликни қоралади; риёкор шариат пешволаридан аччиқ кулди.

XVII—XVIII асрларда етишган Турди, Махмур, Гулханий каби ажойиб шоирларимиз ана шу илғор адабиётнинг вакиллари эдилар. Ҳисорда яшаб ижод этган шоир Собир Сайқалий ҳам булар орасидан ўзига муносиб ўрин олади.

Ижтимоий бойлик ҳоким синф қўлида бўлган, феодализм ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун энг сўнги кучини сарфлаётган бир пайтда халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи эркпарвар шоирларнинг ижод этиши ниҳоят оғир эди. Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган фожиали воқеаларнинг сабабини айтишни Сайқалий ўзининг ватанпарварлик бурчи деб биларди. Лекин у замонда ана шу фожиали воқеаларнинг сабабини билувчи кишиларнинг аҳволи ниҳоятда оғир, аянчли эди.

Шунинг учун ҳам Сайқалий қуйидаги каби мисраларни ёзишга мажбур бўлди:

Кел эмди, Сайқалий, дилдин чиқар оҳ,
Ки бу дунё эрур воқифлара чоҳ!

(Китоби Сайқалий, 22-варақ).

Ўзаро қиргин урушлар, Бухоро амирларининг Ҳисорда қилган ваҳшийликлари (1756—1757 йилларда Муҳаммад Раҳимхон Ҳисорни Бухоро хонлигига бўйсундирган. У Ҳисорга икки марта ҳужум қилган, урушда асир тушганлар қалласидан минора ясашни буюрган. Қаранг: П. П. Иванов, Очерки по истории Средней Азии, ИВЛ, М., 1958, 102-бет) халқни жуда мушкул аҳволга солиб қўйди. Шоир бу ваҳшатларга бепарқ қаролмайди, даврнинг ножўялигидан нола қилади. Шуниси диққатга сазоворки, Сайқалий даврдан нолир экан, мусулмонлар учун ҳам, ғайридинлар учун ҳам бирдек қайғуради:

Сайқалий, чуқлар фироқ ўгига куймиш дунёда,
Бу фалак авлоди одамга сунар жоми фироқ.

(Китоби Сайқалий, 18-варақ).

Фароғат жойи эрмасдур бу даврон.

На кофир тинди мунда, на мусулмон!

(Аҳтамнома).

Ана шундай бир даврда ижод этиш, илғор ғояларни тараннум этиш ғоят оғир эди:

Кел эмди, Сайқалий, шўр айлағил, шўр,
Ки йўқдир назм дердин кори пур шўр!

(Китоби Сайқалий, 50-варақ)

Шоир ўз умрида жуда кўп машаққат тортди, талай мусибатларни бошидан кечирди, шунга қарамай, у руҳини тетик тутиб, охир қувончли кунлар келишига ишонгани ҳолда ижодини давом эттираверди:

Кел эмди, Сайқалий, кўп бўлма дилтанг,
Раҳо, айла кўнгил кўзгусидан занг.
Кечасиз рўз бўлмас, шодсиз ғам,
Равеш илаҳ илан бу ҳола одам.

(Китоби Сайқалий, 56-варақ)

Гарчи шоирнинг тутган йўли порлоқ истиқболли йўл бўлса ҳам, давр, феодал аристократия бундай йўл тутганларга тиш-тирноғи билан қарши бўлиб, уларни ҳар қадамда таҳқирлар, бошига турли-туман мусибат-

ларни солар эди. Шу туфайли етим-есирликда ўсган, жисмонан ожиз бўлган шоир кексайган чоғида ҳам ўз турмушини яхшилаш олмади. У моддий қашшоқ, аммо маънан бой умр кечирди.

Қисқача олганимизда, Сайқалийнинг ҳаётий ва ижодий йўли ана шундан иборат.

* * *

Сайқалийнинг бизгача қуйидаги асарлари стиб келган:

1. «Қиссаи Иброҳим бинни Муҳаммад».
2. «Қиссаи Шаҳзода Баҳром ва Гуландом».
3. «Қиссаи Ҳамроҳ ва Ҳурлиқо».
4. «Равзатуш шуҳадо»⁴
5. «Аҳтамнома»
6. «Вайсул Қаран»
7. «Зайнул араб»⁵.

Булардан ташқари, шоирнинг бир неча майда шеърӣ ҳикоячалари ҳам мавжуд. Кўрсатилган асарларнинг барчаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фондида сақланиди.

Шарқшунослик институтида 102-инвентарь номери остида сақланаётган «Китоби Сайқалий» номли асарда шоирнинг биографиясига оид баъзи бир маълумотлар мавжуд бўлиб, шоир яшаган давр ҳам кўрсатиб ўтилди. Асар 1918 йили Қозон босмахонасида босилиб чиққан бўлиб, унда асарнинг ёзилш тарихи берилган:

Нечуқким, ёр эди кўнглумға ғусса,
Ки қилдим ғуссалик сўзларни қисса.
Саодат ахтари чун бўлди Миррих,
Бу қисса тарихи ҳам бўлди тарих.

Ражабдин бошлаб эрдим ибгидосин,
Муҳаррам ойда қилдим интихосин.
Дема ҳал бўлди етти ойда мушқил,
Ҳаял бирла арода ўтти уч йил⁶

⁴ Ҳусайн Возиул Кошифийнинг ҳам шу номли асари бор.

⁵ «Зайнул араб»ни Сайқалий ёзганлигини бизга академик Ғ. Ғулом айтди.

⁶ ЎзССР ФА ШИ, инв. № 102, 435а-варақ.

Келтирилган парчадаги иккинчи ва учинчи байтлардан тарих чиқариш мумкин. Иккинчи байтдаги «тарих» (تاریخ) сўзи абжад ҳисоби билан ҳижрий 1211 (милодий 1796) йилни ифодалайди. Шоирнинг айтишича, асар 3 йилда ёзилган. Демак, асар 1793 йилнинг ражаб ойида бошланган ва 1796 йилнинг муҳаррам ойида тугатилган.

Юзаки қараганда, бу асарда пайғамбарлар тарихи ва турли хил тарихий воқеалар баён этилади.

Лекин бундан Сайқалий диний-мистик адабиёт вакили деган хулоса чиқара оламизми? «Китоби Сайқалий» ҳажман анчагина катта бўлиб, унда пайғамбарлар тарихи баён этилишига қарамай, асарда бошдан-оёқ гуманистик ғоялар илгари сурилади. Китобнинг ҳар бир бобида Ватанга муҳаббат тараннум этилади, ўзаро қирғинлар, урушлар аёвсиз қораланади, адолат-парварлик баланд овоз билан куйланади, тинч, осойишта меҳнат улуғланади. Шоирнинг ўз давридан норози эканини асарнинг ҳар бир бетидан сезиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, Сайқалий ўз давридан нолир экан, ўтмишни асло қумсамайди, чунки ўтган даврларнинг ўзи ҳам ғам-аламда ва кулфатда кечгандир:

Паямбар зотиға кўп воқеа бор,
Қилурсан қай бирин назм ила изҳор!
Не воқеа бўлса анда кулфату ғам,
Баёни-ла равон бўл энди кам-кам!

(Китоби Сайқалий)

Сайқалийнинг ижоди бу жиҳатдан ўша даврда авжига чиққан тарки дунёчи-мистик шоирларнинг ижодидан тубдан фарқ қилади. Шоир мавжуд феодал тузум тартибларидан норози бўлади, лекин шу билан бирга, ўтмиш тарихини ҳам қоралайди. У қандайдир янги тартибларни қумсайди. Лекин бунга қандай эришиш кераклигини, шубҳасиз, тушунмайди.

Ўша даврда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган тарихий шароит Сайқалийни ўз ғояларини диний пардага ўраб беришга мажбур этган эди. Сайқалий зоҳиран диний темада асар ёзиб, унда ўзининг илғор фикрларини, дунёқарашини очиқ-ойдин гапира олди. Адолатсизлик, зулм, тенгсизлик тўғрисидаги ўзининг ҳаққоний, гуманистик фикрларини баён қила олди. Шоир эришган энг катта ижодий ютуқлардан бири ҳам ана шунда эди.

Лекин шуни эътироф қилиш керакки, гарчи Сайқалий илғор фикр юритган бўлса-да, ўша тарихий шароит ва ижтимоий тафаккур даражасига кўра, диний схоластикадан батамом қутулолмади.

Сайқалий адолатли ҳаётни орзу қилди, лекин бу орзулар ўрта аср қоқоқлиги шароитида яшаган идеалист шоирнинг утопияси бўлибгина қолди. Бу эса шоирнинг ижодий фожияси эди. Мавжуд жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучларини кўрмаслик, жамиятдаги аянч аҳволнинг сабабини тузумнинг ўзидан ахтармай, уни айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бир нарса деб билиш ва, ниҳоят, яхшилик ва ёмонликни худодан кўриш орқасида шоирнинг дунёқараши тор бўлиб қолган эди. Шу туфайли шоир ўз олдига қўйган бир қанча саволларга тўғри жавоб топа олмади, унинг ижодида пессимизм — умидсизлик кайфиятлари пайдо бўлди. Аммо Сайқалий ижодида оптимистик руҳ шу қадар кучлики, буларнинг олдида руҳий тушкунликни ифодаловчи парчалар ўз-ўзидан жузъий бир нарса бўлиб қолади.

Сайқалийнинг адабий меросида салмоқли ўрин тутувчи асар унинг «Баҳром ва Гуландом» дostonидир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида дostonнинг бир неча нусхалари бор. Булардан 3858-инвентарь Қозон матбаасида босилган. Қолган уч нусха, яъни 3430, 5030 ва 8705-инвентарлар қўлёзмадир.

3430-инвентарь XIX асрнинг охири ва XX аср бошида кўчирилган бўлса керак. Китоб эътиборсизлик билан кўчирилган, текстдаги изчиллик бузилган. Текстнинг охириги варақлари йўқолган⁷.

5030-қўлёзма XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган бўлиб, ҳижрий 1274 (милодий 1858) йил санаси қўйилган. Китобда «Баҳром ва Гуландом» дostonидан тащқари, яна, 3 та дoston бор. Уларнинг автори номаълум. Қўлёзмадаги «Баҳром ва Гуландом» дostonи текстининг тўлалиги билан ажралиб туради.

8705-қўлёзма дostonнинг 1201 йилда (1786—87) ёзилган асл нусхасидан 1305 (1887—88) йилда Наим хў-

⁷ Қаранг: Собрание восточных рукописей АН УзССР Т., 1954., II том, 233-бет.

жа Бухорий исмли котиб томонидан кўчирилган. Қўл-
ёзма ўз текстининг тўлалигидан ташқари, Сайқалий
биографиясига оид айрим фактларнинг борлиги билан
ҳам диққатга сазовордир⁸.

Асарнинг асосий темаси Рум шаҳзодаси Баҳром ва
Хитой (Чип) маликаси Гуландомнинг бир-бирига бўл-
ган самимий муҳаббатини тасвирлашга бағишланган.

Маълумки, Баҳром образи жуда кўп санъаткор-
лар ижодида учрайди. Адабиёт тарихимизда Баҳром
образини талқин этишда зўр муваффақият қозонган
шоирлар Фирдавсий, Низомий, ва Навоийлар бўлди.
Булардан сўнг бадий адабиётда Баҳром образини акс
эттиришга уринган ва бу йўлда анчагина муваффақи-
ятга эришган шоир Собир Сайқалийдир.

Сайқалий дostonининг муҳим хусусияти унинг ори-
гиналлигида бўлиб, сюжет линияси эътибори билан
мазкур асар шу номдаги бошқа дostonлардан тубдан
фарқ қилади⁹.

Шоир ўз асарини яратишда халқ оғзаки ижодидан
яхши фойдаланган. Халқ орасида мавжуд бўлган Баҳ-
ром ва Гуландом ҳақидаги афсоналар дostonга асосий
тема қилиб олинган. Бунини шоирнинг қуйидаги сўзлари-
дан билиш мумкин:

Кел, эй руҳи равоним тавсани сан,
Ки бир афсона айғил, бошлайин ман.
Кел, эй тўти, эшитгил қиссаларни.
Ажаб афсонаи пур ғуссаларни.

Асар ҳамд ва наътдан бошланади. Шуниси харак-
терлики, шоир ўша давр анъаналаридан қутилолмай,
асарнинг кириш қисмида ҳамд ва наът беришга маж-
бур бўлган. Лекин асар ҳажмига қараганда бу қисм-
лар шу қалар кичикки, бунини ўша давр шоирларининг
ижодида жуда ҳам камдан-кам учратиш мумкин. Бу
қўлёзма асар 122 varaқдан иборат бўлиб, ҳамд ва
наът учун тахминан 26 қатор ажратилган (одатда «ҳамд
ва наът» асарнинг лоақал учдан бирига ёки ундан сал
камроғига тенг бўлади), бу тасодифий бир ҳол эмас,
албатта.

⁸ Бу қўлёзма тавсифини бизга филология фанлари кандидати
А. П. Қаюмов тақдим этди.

⁹ Бу ҳақда биринчи марта проф. Семёнов гапирган. Қаранг:
Собрание восточных рукописей АН УзССР, Т., 1954, II том, 233-бет.

Достонда воқеа Баҳромнинг туғилиши билан бошланади. Ўқувчи достоннинг бошланишиданоқ уни шу номдаги бошқа достонлардан фарқлаб олади. Негаки шу номдаги бошқа асарларда Баҳром аввал бошданоқ етук давлат арбоби, моҳир овчи, адолатли шоҳ сифатида талқин этилади. Сайқалий эса ўз қаҳрамонини бошқачароқ планда тасвирлайди. Сайқалий достонида Баҳром эркин шаҳзода сифатида талқин этилади. Отаси Баҳромга давлат идорасини топширмоқчи бўлганида у бу таклифни рад этади.

Баҳромнинг шаҳзода сифатида тасвирланиши ҳам ёзувчининг ўз олдига қўйган мақсадларидан келиб чиққан бўлса керак. Чунончи, достонни ўқиб чиққандан кейин кишида Баҳром—ҳар қандай ёмон хислатлардан халос идеал қаҳрамон, деган таассурот қолади. Баҳромнинг характерида адолатпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, дўстга, муҳаббатга содиқлик, босқинчиларга шафқатсизлик, қатъий иродалик, ҳаётни севишлик хислатлари мужассамланган бўлиб, шоир ўз қаҳрамонининг бу хислатларини муваффақиятли суратда очиб бера олган. Эҳтимол, шоир худди шунинг учун ҳам Баҳромни шаҳзода сифатида талқин этишни лозим топгандир.

Баҳром образи асарда маълум динамикага эга, яъни воқеалар ривожланиши билан бир қаторда Баҳромнинг характери ҳам ўса боради. Ёзувчининг Баҳром образини тасвирлашда эришган катта муваффақияти шундан иборатки, Баҳромнинг бутун фаолияти, ажойиб хислатлари унинг характеридан келиб чиқади. Бу нарса, ўз навбатида, асарнинг реалистик кучини оширган. Мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий кризисга учраган, ислом фанатизми кучайган бир даврда Сайқалий ўз қаҳрамони орқали оғир ва машаққатли ҳаёт оғушида эзилиб ётган миллионларча халқнинг кўнглида жўш урган энг муқаддас орзу-умидларини баён этиб бера олди.

Достонда бир қанча аёл образлари ҳам муваффақият билан талқин этилган. Буларнинг орасида ҳар тарафлама тўла очиб берилган образ Чин ҳоқонининг қизи Гуландом образидир. Сарвосо, Руҳафзо, Давлат каби персонажлар йўл-йўлакай тасвирлаб кетилган. Шунга қарамай, шоир Гуландом, Сарвосо, Руҳафзо об-

разлари орқали ўша даврдаги хотин-қизларнинг аянч-ли аҳволини тасвирлай олган, хотин-қизларга хос бўлган инсонпарварлик, самимий севги, вафо каби хислатларни мадҳ эта билган.

Асарда Бехзод ва Нўшод каби персонажлар ҳоким синф вакиллари, босқинчи золимлар типи сифатида тасвирланади.

Баҳромнинг Бехзод ва Нўшод қўшнилари билан уруши тасвирланар экан, Баҳромнинг бу курашда якка эмаслиги, Сайфур каби содиқ ҳамроҳи борлиги, адолат кучларининг ғалабаси муқаррар эканлиги реаллаштирилади. Бу нарса Баҳром образини илоҳийлаштиришдан сақлаб қолган. Баҳром доимо: жангда ҳам, ёр ишқида куйиб кезиб юрган чоғида ҳам реал инсон бўлиб гавдаланади. Баҳромнинг қўйидаги сўзлари уни айнан шундай инсон сифатида характерлайди:

Кел, эй тан, манга ул жононасиз жонинг керакмасдур,
Ки ул сарви равонсиз бўстонинг ҳам керакмасдур.
Худоё, андин ўзга ҳуру филмонинг керакмасдур.
Жамолин кўрмасам фирдавс, ризвонинг керакмасдур.
Нигорим бўлмаса ҳосил, урай бошимга жаннагн!

Лекин шуни эътироф этиш керакки, асарда кескин конфликтнинг йўқлиги, драматизмнинг кучсизлиги дostonнинг бадий жиҳатдан юксак бўлишига путур етказган. Асардаги асосий конфликт Баҳром билан Бехзоднинг дунёга турлича қарашларидир. Баҳром билан Бехзоднинг тўқнашуви эса асосий воқеа баён этилгандан кейин берилади ва осонгина ҳал қилинади. Шундан кейин Баҳром ўз мақсадига эриштирилади. Бунда асар композицияси, воқеаларнинг муваффақиятсизроқ жойлаштирилиши ҳам маълум роль ўйнаган.

Ниҳоят, шуни айтиб ўтиш керакки, шоирнинг дунёқараши тор бўлганлигидан гоҳо ҳоким синф вакиллари идеаллаштириб юборади. Баъзан шоҳларни тасвирлар экан, шоир бу персонаж феодал ҳоким эканлигини ёдидан чиқариб қўяди.

Сайқалий яратган «Баҳром ва Гуландом» достонининг баъзи бир тавсифи қисқача ана шундан иборат. Лекин Сайқалий ҳақида гапирганимизда унинг XVIII аср кишиси эканини, у фожиаи даврда яшаб ижод этганлигини унутмаслигимиз лозим. Шунга кўра, бу дoston юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларидан

қатъий назар, адабиётимиз тарихида яратилган гўзал ёдгорликларнинг бири саналади. Сайқалий ижодини ўрганиш ўша даврдаги адабиётимиз тарихини ёрқинроқ тасаввур этишга, ўша давр ижтимоий тафаккур даражасини янада аниқлашга ва, ниҳоят, Сайқалийдек ватанпарвар шоир асарларининг библиографиясини тўлдиришга, унинг илмий биографиясини яратишга имкон бергусидир.

Ўзининг сермаҳсул ижодини халқ манфаатлари йўлига бахш этган шоир ўз даврида фароғат кўра олмади. У зўр ўкинч билан:

Бу даврон нечаларга ком берди,
Ки ман ком истадим дашном берди. —

деб зорланди. Лекин у ўз давридан қанчалик ўкинч билан нолиган бўлса, хизматларининг зойе кетмаслигига шунчалик қаттиқ ишонарди:

Сайқалий дилхастадан бир неча сўзлардур нишон.
Демангиз дунёда беному нишон ўтди букун

Дарҳақиқат, Сайқалий дунёдан беному нишон ўтмади. Унинг хизматлари ҳозирги замон илғор адабиётшунослиги—совет адабиётшунослиги томонидан тақдирланмоқда.

Биз асарни нашрга тайёрлашда 8705-қўлёзмага асосландик. Асарнинг фақат айрим ўринларигина 5030-қўлёзмага солиштириб берилди. Асарнинг транслитерациясида мумкин қадар оригиналнинг аслини сақлашга тиришдик. Асарда учраган айрим сарлавҳаларни оригиналдагидек қолдира бердик. Айрим сўзларни вазн талабига мувофиқ икки хил: масалан, шаҳзода ва шоҳзода каби ёзишга тўғри келди. Достон охирида тушинилиши қийин бўлган сўзларга қисқача луғат бердик.

Мазкур асарни нашрга тайёрлашда ўзларининг қимматли фикрлари билан бизга ёрдамлашган институтимизнинг илмий ходимларига, хусусан, филология фанлари кандидати А. Қаюмовга, Ш. Шарафиддинов (Хуршид)га самимий ташаккур изҳор этамиз.

Раҳим Алиев

БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ

16 Ки бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб,
Худони ёд этойин, ё Карим, деб.

Анга монанд эмас оламда ҳеч шай,
Яна монанд эмас ҳеч шайда ул ҳай.

Муқаддамдур тамоми мавжудота,
Ҳама муҳтож эрур ул покизота.

Тузотти бестун кўкларни борин,
Бериб хут устина ернинг мадорин.

Жаҳона қудратини айлаб изҳор,
Ани кўп қудрату санъатлари бор.

Биҳишти саккизу, дўзохни етти
Мусулмон бирла кофирга яратти.

Чу туфроқдин тана одам яратти.
Танига руҳни ҳамдам яратти.

Башар наслини пайдо қилди андин,
Бақудрат тўрт ота, тўққуз онодин,

— Тамизу фаҳм берди, ақлу идрок,
Яна гўё шинаво қилди ул пок.

а Юборди бандаларға кўп китоб ул,
«Билинглар»,—деб яна қилди хитоб ул.

Қилиб қулларда кўп лутфу иноят,
Пайамбарлар юборди бо ҳидоят.

Керак андоқ худога банда бўлмоқ,
Ҳамиша толибу жўянда бўлмоқ.

Дуруд ул ким набилар сарварига¹,
Шафеъи дину дунё раҳбарига.

Муҳаммад Мустафо машҳурдур оти,
Худонинг нуридиндур покизоти.

Туфайл шаҳсувори қоба қовсайн
Яротилди чу лутфи бирла кавнайн

Биной мавжудот аввалдин охир,
Анингдек тоза ғавҳар туғмоди бир.

Салом ул сарфарози анбиёга,
Анингдек шофеъи рўзи жазога.

Суюклик уммати ул тўрт валидур:
Абубакир, Умар, Усмон, Алидур.

Ул икки шоҳким, оройи кавнайн,
Ҳасан бирла Ҳусайн ул нур айнайн.

Аларнинг ҳурмати руҳидин. эй ҳай,
Мани лаб ташнага бер косайи май.

Илоҳи, ғунчайи табъимни во қил,
Дилим ойинайи оламнамо қил.

26 Адо бўлмас ато қилғил манга ганж,
Қилай сув ўрнига дурдоналар санж.

Шароби шавқидин мастона қилғил,
Муҳаббат баҳрини ғаввоси қилғил.

Гул ишқини иси этгай муағгар,
Муқаддар хотирим бўлғай мунаввар.

Чу лола яшнаса бағримни доғи,
Худо берса қави дил бо димоғи.

Десам бир достони ошиқона,
Жаҳонда қолса мандин бир нишона.

¹ 8705 нусхада «Наби сарварларига» дейилган ибора 5030 нусхага мувофиқ «набилар сарварига» деб тузатилди.

Кел, эй соқи, олиб жоми азалдин,
Лабо-лаб бер шароби ламязалдин.

Бўлай бир нўш айлаб масти сероб,
Дилим бедор ўлуб, элтгай кўзум хоб.

Хаёлим олами этгай саёҳат,
Кўнгил гулзори топқай хуш ҳаловат.

Ғараз бир ўзга ҳолат рўйи бергай,
Гули боғи муҳаббат бўйи бергай.

Кўнгил андуҳи кетгай ҳар қаёна,
Аламдин қолмағай ному нишона.

Қи андак ёр бўлғай чарх азрақ,
Кўнгил кўзгуси топқай нур равнақ.

Бор эрди подшоҳи кишвари Рум,
Ажаб оқилу доно, хуш такаллум.

Кўп эрди мол ашёси жаҳонда,
Хазиналар қўйиб эрди ниҳонда.

За Бериб эрди анга эзид худованд,
Қи иззу, жоҳу нусрат ғайри фарзанд.

Агарчи дунёлиғдин эрди бе ғам,
✓ Тилоди тангридин фарзанд дамо-дам.

Фақирларға қилурди ҳайру эҳсон,
Қилиб фарзанд учун жонини қурбон.

Бу орзу бирла ёши қирқда етти,
Билохир, тангрим анга раҳм қилди.

Ато қилди анга бир олий фарзанд,
Кўруб фарзандини кўб бўлди хурсанд.

Суюнгандин қилиб тўю тамошо,
Тасарруф айлабон кўп мол—ашё.

Қилиб аркони давлатларга инъом,
Отоди ўғлини отини—Баҳром.

Қилурди жону дилдин парваришлар,
Нисор айлаб тамом олтун-кумушлар.

Мунундек ўғли то олтига кирди,
Ўқуголи ани муллога берди.

Ўқур эрди бориб мактабга ул ёш,
Ўзи ёш эрди, аммо ақлдор бош.

Ўқубон олти йил то бўлди мулло,
Хати хуш, табъи аъло қилди пайдо.

Ўн икки ёшаған сўнг ул суханрез,
Сипоҳилик равешин қилди ангез.

Чиқорди сайри саҳро гоҳ-гоҳи,
Олиб орқосидин неча сипоҳи.

36 Ўтуруб ул тирандозлик қилурди,
Яна ўйнаб қиличбозлик қилурди.

Гоҳи тева миниб ҳарсў чопарди,
Уچار қуш ўтгуси санчиб олурди.

Бу кайфиятда ўн саккиз яшоди,
Алам кўрмай бағайраз рўйи шоди.

Ажаб эр чиқти ул нодири даврон,
Забардасти замон бўлди багугён.

Мубориз марду майдони диловар,
Жамоли шамс-анвордин мунаввар.

Кўрур кўзга ажаб бир нозаниндур,
Ки бир озодайи рўйи заминдур.

Ки хулқу хўйи монанди малакдур,
Масиҳо сўзлари зери фалакдур.

Дер эрди кўрса ким ул хуш жамоли:
— Бу юзга тушмасун каттиғ шамоли.

Авингдек ўғлини ул шоҳ кишвар,
Қилурди ҳар замон жонини афсар.

Ҳамиша жону дил бирла суюрди,
Юзин бо иштаҳо кўрса тўюрди.

Қилурди шукри беҳад ул худоға,
Худо еткурди деб бул муддаоға.

Юрурди шоду хуррам фориг аз ғам.
У қайдин ғам есун, ҳақ берди фарзанд.

Ки давлат бирла бир кун шоҳи кишвар,
Умароларни борин йиғди яксар.

4а Дедиким: «Барчангиз мажлис қурунгла,
Тутуб суҳбат бу фурсат ўлтурунгла!»

Қуриб суҳбат ўтурдилар амирлар,
Ҳама соҳиб суҳан равшан замирлар.

Ўтуруб тахти давлат узра кишвар,
Сочиб ўғлин бошиға дурру гавҳар.

Миёни дўст-душман хос ила ом
Қилур бўлди барин ўғлига инъом.

Турурди шоҳнинг олдида Баҳром.
Одобдин қўлларин боғлаб алиф-лом.

Тафарружда эдилар мардуми шаҳр,
Олурдилар руҳи Баҳромдин баҳр.

Шоҳи кишвар қувониб анда бисёр,
Сочиб ўғлин бошиға дурри шаҳвор.

Қўюб бошиға бир тожи мурассаъ,
Зумурадлар билан дурдоналар маъ,

Ки ўн беш минг бекка қилди сардор.
Аларнинг барчаси жангжўйи жаррор.

Аларға ҳам қилиб инъоми хушлар,
Бериб ҳаддин фузун олтун-кумушлар.

Азизлаб ўғлини шоҳи хирадманд,
Мулойим сўз билан берди неча панд.

Деди: «Эй нур айни, тож бар сар,
Ва ё жондин зиёда пок гавҳар.

Худо қилса сани мансабда лойиқ
Ошиб мандин равешни подшолиқ.

46 Адолатлик, раиятпарвар ўлғил,
Ки то халқи жаҳонга сарвар ўлғил.

Ки мискиларни арзин англағил боз,
Асирларни яна қилғил сарафроз.

Тараҳҳум қил етимлар ҳолига сан,
Амал қил яхшилар аъмолига сан.

Мурувват бирла бахшишни шиор эт,
Ҳамиша яхшиликни ихтиёр эт.

Ки ақл тadbир бирлан айлағил кор.
Буларни бил, бўлур ҳар вақтда даркор!»

Қабул айлаб борин ул шаҳзода,
Тавозеълар қилиб ҳаддин зиёда.

Ки хизмат шартини бар жо кетуруб,
Отосиға ибо бирлан гапуруб

Деди: «Эй шаҳрери номдори,
Азиз жоним қадам хокинг нисори.

46 Ҳаётинг борича сан шоҳ бўлғил.
Улу рутба Фаридун жоҳ бўлғил.

Ки гул гашти чаман фасли баҳори
Бўлубтур рўйи саҳро лозазори.

Ки акнун давлатингдин бўлса рухсат,
Чиқиб сайри шикор этсам бу фурсат».

Келиб шаҳ завқи шаҳзода сўзига
Муҳаббатлар билан боқиб юзига

Дейди: «Эй рўзгоримни чироғи,
Сипоҳ-анжом этиб олғил яроғи.

Ба Ҳавас қилсанг, бориб қилғил шикори,
Муборак хотиринг кетгай ғубори».

Бўлиб хуррам бу сўздин анда Баҳром,
Йиғибон лашкарин айлаб саранжом.

Равон бўлди чиқибон сўйи саҳро.
Бериб мажмуиъ навкарларни оро.

Қўйиб созандалар кўб созларни,
Илига талпатиб шаҳбозларни.

Асоси салтанат устида шаҳзод
Шикор айлаб юрарди сарву озод.

Солиб лочин, югуртуб този хандон,
Шикорилар шикор айларди ҳар ён.

Ҳар алвон жону жанвордин тушуруб,
Ҳама лашкар шикор айларди юруб.

Юрурди анда Баҳром ила кўп эр,
Йўлуқти ул биёбон узра бир шер.

Баногоҳ олдилар ўртода они,
Тамошо қилдилар чун бир замони.

Қўрурларким, ажаб шери башиддат,
Сиёсатлик, салобатлик, баҳайбат.

Деди шаҳзодаким: «Эй паҳлавонлар,
Ўзини «ман баҳодирман» дегонлар!

Бориб олсун бу шерни эмди якка,
Чу кетгай эрлиги тахти фалакка!»

Эшитиб барча лашкар бўлди хомуш,
Қилиб бир нечалар ақлин фаромуш.

56 Бўлуб ҳайрат, боқиб турдилар улдам,
Борурга чиқмади ул шерга одам.

Ки ул ҳолатда Баҳром шоҳзода,
Пиёда бўлди ул майдон арода.

Қи Рустам эрлигин ангез қилди,
Анингдек шерга танҳо хез қилди.

Кўруб шаҳзодани хез этти ул шер,
Қочарин билмади ул шердин ул эр.

Қўториб шер ул дам икки илкин,
Ўзин шаҳ устига ташлади ул ҳин.

Қи шаҳ хам бўлди ерга рад берибон,
Ўтуб кетга анда шерни гуррон.

Югуруб кейинидин шаҳзода ул дам
Солиб қўл қўйругидин тутти маҳкам.

Қўториб бошига ердин ким они...
Ана Рустамлигу соҳиб қирони.

Ўгуруб бошидин бир неча навбат,
Қи чулғаб ерга урди бо сиёсат.

Қи синди зарбидин шер устухони.
Бўлубон майда-майда, чиқти жони.

Бу зўрлуқни кўруб мажмуъи лашкар
Дедилар: «Офарин, оллоҳу акбар.

Мунундек эрни ҳеч ким ёд билмас.
Агар Рустам бўлса, бу ишни қилмас.

Илоҳи сан ўзунг айла саломат.
Ёмон кўздин муни қилгин саломат».

ба Дуо қилдилар улдам барча лашкар.
Баси отланиб ул Баҳром сарвар,

Буюрдиким: «Бу шерни ортингизлар,
Бориб отамга пешкаш тортингизлар!

Ўшал дам анда неча паҳлавони
У шерни ортибон бўлди равони.

Қи шаҳнинг олдига элттилар ал он,
Кўрубон шоҳ кишвар бўлди ҳайрон.

Яна ҳар ким кўруб ул шер суёғин
Дедилар: «Офарин, бул ишга таҳсин.

Мунундек шерни тапхо шаҳзода,
Нечук йиқмишки ул майдон орода.

Бу ишга шоҳ кишвар кўп суянди,
Инониб ўглига ким кўнгли тинди.

Кел, эй ровий, ривоят айла акпун,
Ҳасуд этти бу хуррамликда гардун.

Отасига юборди шерни шаҳзод,
Юрур эрди шикор айлаб бўлуб шод.

Қизиқ бирла суруб отин ба ҳар сў,
Қириб ҳар сайдни ҳар сў қилиб рў.

Ов устида юрурди шаҳзода,
Йўлукти бир кийик ул чўл орода.

Кўрар шаҳзодаким, бир турфа оҳу
Паридин ишвали кўзлари жоду.

66 Ани кўруб унутти ўзга овни,
«Тирик ушлай», — дебон ким қувди они.

Кийик қочти, биёбон сори кўзлаб,
Қуварди кетидин шаҳзода кўзлаб.

Бориб бир ерга тушди шаҳзода,
Адошиб қолди лашкар чўл орода.

Ушал манзилда ким ул шоҳ яктан
Адо қилди намози шому ҳуфтан.

Дуо айлаб ўтурди шаҳ барно
Худони ёд этиб ул ерда танҳо.

Қи ҳар дам фикр этарди шаҳ у ерди
Нечук манзил эконин билмас эрди.

Таажжуб жой эдиким, ваҳми бисёр,
Қи одам наслидин ўзга ҳама бор.

Эди бир ёни дарёи муаззам.
Яна бир ёни бир кўҳ баланд хам

Ғалоғуллар келурди ҳар саридин,
Хуфилу, бабру, карку, дев, паридин.

Эшитиб шоҳким таҳсин этарди,
Кўзидин уйқуси кўчуб кетарди.

Туруб андешалар айларди лекин,
Дер эрди: «бу нечук овоз эркин?»

Омон берса бу тун халлоқи бечун,
Этай ҳосил тинган сўнгра мазмун»,—

Дебон ётти у ерда ул дилафруз.
Тонг отти Бўлди ойдин ул қулотуз.

7а Йўқолди кечаги ул кўп ғалоғул,
Таажжуб айлабон ул пок кўнгул

Яна отландию бўлди равона,
Ушал оҳу изини сўрди ёна.

Юрурди эртадин, то чошт бўлди.
Пайи оҳу биёбонда йўқолди.

Бўлуб ҳайрон юрур эрди саросар
Боқибон ҳар сари у шоҳ сарвар.

Бўлуб ҳайрону сарсон шоҳзода,
Ки юрди етти кун тинмай арода.

Ки саккизинчи кун эрди ким, ул шоҳ,
Ки бир тоққа етишиб борди ногоҳ.

Кўрурким, бир ажаб тоғ—улуғдур,
Чиқиб хар сў тамошо қилгулқдур.

Отини сачратиб ул дамда шаҳзод,
Ки ул тоғ узра чиқти ул паризод.

Гулистони эрамдек хуш намодур.
Ғаройиб манзари хуш дилкушодур.

Анингдек тоғ аро кўп боғу бўстон,
Ки ҳар сў ранг-баранг турлук гулистон.

Ададсиз жону жонворлар ҳам анда,
Юруб сайрар эди булбул чаманда.

Турубтур мевалар ҳар сў пишибон.
Турурди ерлар узра тушубон.

Ки хурмои, сафаржал, тину бодом,
Ангадур чаҳор мағзу, писта гулфом.

76 Сафидвору, чинору боз ар-ар,
Турур эрди бўлуб гулга баробар.

Кетар сарчашмаларким ҳар қаёна,
Оқиб себаргалар узра равона.

Тамошолар қилурди шоҳ Баҳром.
Борур эрди оролаб ул неку ном.

Йўлуқти олдиндин бир гунбази хуб,
Мунаққаш ранг-баранг турфа дилошуб.

Ки ул гунбазга бориб шоҳзода
Тушуб отдин бўлуб кирди пиёда.

Кўрар ким, бир ажаб ҳиргоҳи олий
Саропо қир — қизил гулдек мисоли.

Турурким ўртасинда тахт урулгон,
Кигизи гулни баркидин босилгон...

Турур шаҳ суфаи олий мунаққаш,
Фирошлар тўшалган кимҳову атлас.

Ки ул тахт устига бир қизни кўрди.
Юзи гул лаблари қирмизни кўрди.

Қайилгон қошлари, кўзлар чу бодом,
Анга боқти ва ҳайрон бўлди Баҳром.

Яқинлаб борди анга сўз қотай деб,
Агар уйқуда бўлса уйғотай деб.

Кўрарким, жони йўқ сурат эрур ул.
Агарчи сурат ул, олдирди кўнгул.

Мухаббат оташин жонига ёқиб,
Уқурди бу ғазални анга боқиб:

8а — Эй, начук жонсен мани ақлимни ҳайрон айлаган,
Сўзламай жоним олиб, ич-бағримни қон айлаган?

Ман сани рухлуғ мужассам деб хаёлим бор эди,
Сан начук тансен ҳаёт руҳини пинҳон айлаган?

Истарам жисмим борича сан каби жононани,
Комсиз ўлсун ишқга ялғон аҳду паймон айлаган.

Дилбаримни сурати, айғил саволимга жавоб!
Ким эурсан дилрабони мунда меҳмон айлаган?

Ким эрур ишқингда хонумони барбод айлаган.
Ким бу тоғу чўл аро бул боғу бўстон айлаган.

Учрашиб сўрсам сўроғингни ман ул саргаштадин,
Девмукин ёким башар бул коҳ айвон айлаган.

Сайқалий, чўқтурма даҳрий фония маскан тутуб,
Не тамошоларни кўрмиш сайру сайрон айлаган.

Уқубон бу ғазални шоҳ у фурсат,
Турур эрди боқибон сўйи сурат.

Деди: «Эй сурати покиза дилкаш,
Ёкилди жонима боққанда оташ.

Санингдек ёрни кўргоймүкинмен,
Ки андин розидил сўргаймүкинмен?

Деди сурат: забони ҳол бирлан.
Бу сўзга шоҳ бўлуб минвол бирлан.

Ки ҳар суратга кўнгил берма, эй ёр,
Топарсан, сан манга бўлсанг талабкор.

Бу сўздин шахни ишки зўр қилди,
Кетиб ўздин дилн пур шўр қилди.

86 Турур эрди унга андеша қилмай,
Бўлуб ҳайрон қаён борурни билмай,

Ушнал ҳолатда келди бир куҳан сол
Дедиким: «Эй йигит, санга начук ҳол?»

Боқиб шаҳзод анга берди саломи
Жавобин берди ул ҳам ботамоми.

Навозишлар бирла улдам кўрушди,
Утуруб бир-биридин сўз сўрушти.

Деди: «Қайдин келурсан, эй баҳодир,
Бу ерға келганинг боис надиндур?»

Деди шаҳзод: «Авал сен сўзла, эй пир!
Бу сурат ким эрур сан айла тақрир».

У пир айдики: «Мен юз ўн яшабмен,
Мусофирликда умрум ўткарибмен,

Деди пир.— англағил, эй ёр, бо дард
Маннинг отим эрур пир Жаҳонгард.

Бор эрди манга мол-мулк бисёр,
Амири қофла эдим бил, эй ёр!

Юруб таҳти фалакни сайр этардим,
Шаҳарлардин шаҳарларга борурдим.

Борур эрдим насиб эткан заминда,
Гузорим тушти ногаҳ шаҳри Чинда.

Бор экан бир қизи фағфур Чинни,
Тутон овозаси рўйи заминни.

Жаҳонда хўбу зеболикда анга
Само шамсч етолмас гул чаманга.

Этолмай таърифин юз мингидин бир,
Бўлур юз тил энинг васфинда қосир.

Қади гул хумчадур сен Гуландом,
Ани кўрган қилолмас сабру ором.

9а Ки ул симин бадан нозук димоғи,
Қилиб ўз турига бир чаҳор боғи.

Қилиб анда неча қасру иморат
Ясаб бир кўшк олий аз ҳад бағоят.

Ани ҳар ким кўрай деб борса анда,
Юзун кўрса, бўлур, албатта, банда.

Чиқиб гоҳ кўшига ул моҳ танноз
Тамошолар қилур ҳар ён сарафроз.

Ки ман бордим ўшал Чин шаҳрига чун,
Гуландомнинг жамолин кўрдим ул кун.

Муҳаббат чақмоғи анда чоқилди,
Юракда оташи ишқи ёқилди».

Деб ул ғурбат зада пири Жаҳонгард,
Уқуди бу мухаммас йиғлаб ул мард:

— Эй бегим, жоним, эшит айтай ажойиб достон.
Ман ғарибу бағри куйган. кўзи намли кўкси қон.
Бир ажаб савдони солғондур бошимга бул жаҳон,
Қайқубоду вақтдурман кишварим бу гулситон.
Тож сар оҳим, қулоҳим қайғу, иқболим фиғон.

Ўз диёримда мани, жоним, маконим бор эди,
Ақрабо, қавму қабойил, меҳрубоним бор эди,
Бир неча фарзандлар — ширин забоним бор эди,
Ўз қўлимда ҳам инон ихтиёрим бор эди,
Давр жаври бирла кўрким, кетти қўлумдин инон.

96 Бир неча муддат тижорат ихтиёри айладим,
Ким фалак тахтига сайри кўб диёри айладим,
То қазодин шаҳри Чин сори гузори айладим,
Хуш қилиб баҳри неча кунлар қарори айладим.
Бир пари жон офати тушти кўзумга ногаҳон.

Сўрдим элдин: «Бу паридур, кўзлара манзур

эрур,
Ёки жаннатдин адошиб мунда тушган ҳвр эрур?»
Дедилар: «Хуру пари йўқ, духтари фағфур эрур,

Кун чиқардин кун ботишқа ҳусн аро машҳур
эрур.

Ҳасратидин ёқа вайрондур тамоми беку хон».

Ким бу сўзларни эшитгач анда хомуш айладим,
Бордим ўздин ўзгани ул дам фаромуш айладим.
Жом ишқидин ани бир жураъи нўш айладим,
Пои то сар ғарқ шавқ ўлдим ажаб жўш айладим,
Маст ўлуб ёттим ани кўйида бўлдим посбон.

Ман анга хайрон бўлуб, ул билди ёхуд билмади,
Эй ғариб, ҳолинг надур, деб илтифоти қилмади,
Бир йўли юз кўрсатиб, қайтиб қиё қайрилмади,
Риштан жоним илинди зулфига айрилмади,
Гўйиё бир қушки сунбулзора тутти ошён.

Вой! Савдосиға туштум донаи холин кўруб,
Қон бағирға доғлар тушти, рухи олин кўруб,
Ақли-ҳуши кетти, бу шайдони аҳволин кўруб,
Боқмади ул гул, бу янглиғ зору помолин кўруб,
Неча ким ялбордим анга оҳу фарёд айлабон.

Оҳким, ул моҳ тобоним муяссар ўлмади.
Офати жон ўлди, жононим муяссар ўлмади,
Шоми ғам шамъи шабистоним, муяссар ўлмади,
10а Хизматин қилмоққа тан-жоним муяссар ўлмади,
Кўб маломатлар кўтардим элдин, эй соҳибқирон.

Ўз-ўза айдим: «Бу на қилғон хаёл ўлди санга?
Тахт-бахтинг узра эй саргашта ҳол ўлди санга?
Ҳар киши кўрса дидоринг, бу на ҳол ўлди санга?
Ҳеч ён борманг бу ердин, моҳ сол ўлди санга?
Айла бир фикри дигар, кўп ётма мунда, эй фалон.

Бул таманно гулшанидин қўлга гул бермас
биров,
Жону дил қилдинг гарав бер, жоми мўл бермас
биров,
Бу сани шаклингни кўрганда кўнгул бермас
биров,
Ҳеч бозор ичра қари қулга пул бермас биров,
Етар оҳинг ҳеч ерда етмасдур, эй қади камон.

Ўз-ўза мақбул этиб чун анда бул кенгошни,
Ҳарна борим сарф этиб йиғдим неча наққошни,
Суратин чекдурдум ул пайваста қетил қошни.
Ул эрур бул кўрганинг ман хаста ҳам йўлдошни,
Ҳуру таннозим будур, боғим биҳиштим жовидон.

106 Қим мани девона қилғон нозаниним бул эрур,
Ул париваш духтари-фағфури Чиним бул эрур,
Ғам барорим ҳамдамимдур, ҳамнишиним бул эрур,
Эй баҳодир, жаннати рўйи заминим бул эрур,
Бул сабабдин тарк қилдим молу мулку, хонумон.

Эмди бил ман телбаға парвойи мулку жоҳ эмас,
Қим бу бўстонлар етар, жаннат манга дилхоҳ
эмас.

Кўҳлар кўзларға олтун бўлса қадри коҳ эмас,
Дунёдин ҳар кимки ўтмас қобили даргоҳ эмас,
Кезмайин роҳи маломат топмағай доруламон.

Маснуотидин бу басдур, ўзгаси даркори йўқ,
Ёр булдур, хилват ичра ўзга бир агёри йўқ,
Дор хилват бу керакдур гирдида дайёри йўқ,
Эй тўрам, ҳар булҳаваски лойиқи дидори йўқ,
Кечмайин ному нишондин, топмағай ному нишон.

Тан бу қофи ғурбат ичра бе нишон анқосидур,
Жон бу жодунинг фидои наргиси шаҳлосидур,
Мунча мустағни этан бу бутни истигнәсидур,
Сайқалий дунёда одам ўғлини расвосидур,
Қим ёмонлардин ёмонроқ бўлса андин ул ёмон.

Уқуб ул мард бобо бул мухаммас
Деди шаҳзодаға: «Сан сўзла, эй кас!»

Деди Баҳром: «Эшиткил, эй куҳан сол,
Баён айлай санга ман рози аҳвол.

11а Отим Баҳром эрур оламда маълум,
Отамнинг оти шоҳи кишвари Рум.

Юрур эрдим этиб азми шикори,
Алошиб мунда келдим англа бори.

Бу суратга ман ҳам бўлдум гирифтор,
Муни йўлини манга айла изҳор.

Гуландом, деб сўроғ айлаб кетойин,
Худо еткурса ман анга етойин»,

Дебон шаҳзодан шайдо кўнгул бас
Ўқурди мисли булбул бу мухаммас:

Ман тақи бу йўлда туштум, эй бобо, кенгош бер.
Тарк этиб шаҳзодалиғ бўлдум гадо, кенгош бер.
Ақл ҳушни олдиким бу дилрабо, кенгош бер,
Тушти бошимға балойи мубтало, кенгош бер.
Иқтидо қилдим санга, эй муқтадо, кенгош бер.

Сўзла, эй ноқил, бу сўзлар ихтироъи бўлмасун,
Бу ҳикоятларки сан айдинг самоъи бўлмасун,
Кўз кўрубтур бу суваёкун(?) шиоъи бўлмасун,
Еки бир моҳ пораларни шиоъи бўлмасун.
Ман на сурат ахтариб борсам, бобо, кенгош бер.

Бу начук ошуби даврон эрди кўрдум ногаҳон,
Қомати сарвин кўруб, йўлиға жон бўлди равон.
16 Чин макони чини макон ул дилбари нозук миён,
Қим хаёлим сарсон ўлди чеколмайдур фиғон,
Чиндин Сайқал эшитган сан худо кенгош бер.

Нақш агар булдур тасаддуқ жон ани
наққошидин,
Кўрсам ул шамъи юзин, парвона бўлсам
бошидин,
Енамс эрдим бошима ёғар қиличлар қошидин,
Эй қари, булдур насибанг ул пари ўхшошидин,
Ман бориб топсам ўзун айлаб дуо кенгош бер.

Юз агар булдур, фидо юз мулки тан рухсорига,
Кўз агар бул кўргузур рези жафо беморига,
Зулф агар бул ёрашур жонлар талошур торига,
Лаб будур лаъли бадаҳшон бандадур гуфторига,
Қайси сўдур бу мусаввар, эй бобо, кенгош бер.

Чин агар ул моҳ Чиндур сан анга ўргангон
бўсанг.

Суратин олиб келиб, ёнингда ўтқузгон бўсанг,
Орази бирла бу манзилларга келтургон бўсанг,
Олсанг кўнглумни гўё каъбани бузгон бўсанг,
Ман кетай, эй раҳнамо, сен бўл, ризо кенгош бер.

Кўзларимдин сув бўлуб кетса жигар қоним
менинг,

Қолмас эрди кўрсам ул маҳвашни армоним
менинг,

Ким сўроғ айлаб танимда бўлса дармоним менинг,
Ҳар қачон кўзумга тушган дамда дармоним

менинг,

12а Ошиқи абтармукин ё жон фидо кенгош бер.

Май ичиб жоми муҳаббат ўргулан масти хароб,
Оташи ишқ ила бағри ўртаниб бўлғай кабоб,
Демагил ота онангдин англаюб бергил жавоб,
Бул тариқатдин бу кун кўрсат манга роҳи савоб,
Кўп тафаккур қилма бул дам бе ибо кенгош бер.

Оташи ишқ ичра солгон жони ширин удини,
Ўртанур билмас дигар суд зиён бўлгонини,
Лунёда сурмоқ керакдур ҳар ким ўз беҳбудини.
Тангри бергай, Сайқалий, ҳар бандани мақсудини,
Найласун шаҳзодаким, бўлсанг расо кенгош бер.

Бу сўзларнинг сўнгинин шоҳзода
У пирга илтижо қилди зиёда.

Деди шаҳзодаға пирри Жаҳонгард:
— Ки, бул савдонин сан тарк айла, эй мард.

Бу йўллар сарбасар жавру жафодур,
Замона хўблариким бевафодур.

Гуландом ишқидин ул Чин арода
Ҳисоби йўқ санингдек шоҳзода.

Юрур сарсон висолиға етолмай,
Узуб кўнгул диёриға кетолмай.

Йигито, қайт! Ҳавас қилма бу — ғурбат.
Йигитлик мавсуми — даврон ғанимат.

126 Умид этма вафосиздун вафолар.
Будур мандин насиҳат, эй биродар.

Деди шаҳзода:— Эй пир дилафкор,
Бу йўлдин қайтарим йўқ, бўл хабардор.

Гуландом йўлиға кечтим бу жондин,
Асоси салтанат ҳам хонумондин.

Муродимға худо еткургай акнун.
Сурай ҳиммат бироқин сўйи гардун.

Эшитиб шаҳ сўзин пири ба дарди
Чиқориб кўксидин бир оҳ сарди,

Ёшартиб кўзларини сўйи шаҳзод,
Ки қилди бу ғазалии анда бунёд:

Эй амиро, ҳўб ярошур подшоҳлик кисватинг,
Бермагай бир боди гардун бул асоси шавкатинг.

Шаҳри Рум шоҳини севган бир азиз ўгли бўсанг.
Бу мусофирликлара оё, оён бўлгай ғурбатинг.

Бу фалак саргашталиқ чархини ангез айлади,
Румни мотамхона қилди, эй шаҳо, бу ҳимматинг.

Ишқ жомидин майи нўш айладинг гўё бу дам
Ким, паришон ўлди акнун хотири жамъиятинг.

Шунча жон бердим сани ким бу хаёла тушганинг
Этмасанг мақсуд ҳосил тору қор кайфиятинг.

Чунки бул майдона кирдинг, эй шаҳо, мардона
бўли

Шояд ул хизри худо эткай санинг тарбиятинг.

13а Ори-ори, бу жамолу бу камоли эътидол,
Ул Гуландома муносибдур бу раъно суратинг.

Кўрса фағфур суратингни қиз тугул жондин
кечар,

Юз хирожни мамлакат туби эрур холи хатинг.

Собирий сан ҳам фалак урғонлара ҳамсоя бўл,
Дар на равнақ бермас эрди бу мукаддар
хотиринг

Бу сўзларни ўқубон ул қуҳансол
Деди:— Эй шоҳзода, бўл ба иқбол.

Муродинг бергай ул изид таоло,
Ўзи солди санинг бошингга савдо.

Қамина манзилига бу кеча бўл.
Тонг отгон сўнг санга ман кўргузай йўл.

Билохир, бўлди шаҳ ул кеча анда,
Ки пир хизматида эрди мисли банда.

Кетурди олдига кўп нозу немъат:
Гуногун шаҳду шакар, қанду шарбат.

Ўтурди завқ этиб ул пиру Баҳром,
Қилиб Баҳрома пир шарҳи Гуландом.

Тонг отти, субҳдам урди баногоҳ,
Намоз тонг ўқуди пир билан шоҳ.

Дуо айлаб у пирга анда Баҳром,
Жўнар бўлди талабкори Гуландом.

Кишини бошига тушса бу савдо,
Кўринмасдур кўзига чўлу дарё.

136 Кел эмди, Собирий, азми сафар қил,
Неча кун сайру тоғу, баҳру бар қил.

Ватаннинг кулфатин токай чекарсан,
Ютарсан табакай хуни жигар сан.

Раҳи ишқга кириб мардона бўлсанг.
На бўлғай мунда бир афсона бўлсанг.

Ки бўлғай хўша чини хирмани ишқ,
Илингдин қўйма туткил домани ишқ.

Қаландар бўл, чу Баҳром шоҳзода
Ки, шояд тангри еткургай мурода.

Кўрунг ул шоҳзода тушти йўлга,
Учи йўқ, қуйруғи йўқ тушти чўлга.

Борур эрди худоға зор айлаб,
Кўзидин ашкини чун жори айлаб.

Қулотузлар кезар эрди суруб от,
Ўқур эрди ўзидин неча абёт.

Дер эрди:— Водийи хунхора туштум,
Тани зору дили афгора туштум.

На тун ором, на кундүздур қарорим.
Нишонсиз йўллара тушти гузорим.

Шароби шавқидин бир айладим нўш,
Отам бирлан онам бўлди фаромуш.

Кечиб айши жаҳондин мисли мажнун,
Кезарман тоғ-саҳроларға куну тун.

14а Ажаб мустғарқи мастона бўлдум,
Диёру шаҳрдин бегона бўлдум.

Била олмам бу йўлда на бўлур ҳол,
Илоҳи, сан мани туз йўллара сол.

Муяссар қил манга васли Гуландом,
Ани ишқи ичурди манга бул жом.

Бу сўзларни дебон шаҳ бир худоға
Деди рози дилин боди сабоға:

Эй сабо, андак эшитгил ҳасби ҳолимдин манинг,
Ўтма бошимдин сақинким, оҳ болимдин манинг.

Ногаҳон мундин ўтуб, тушса гузоринг Рум аро.
Айта ўт Рум шоҳина бу арз ҳолимдан манинг.

Эй сабо, арз эт отамға ҳоли зорим, марҳабо,
Ўлди маҳрум неъматн нозук жамолимдин манинг.

Эй шамоло, айта ўтғил ул қабоилға салом,
Баҳра олғайлар хабар элтган шамолимдин
манинг.

Бир санамнинг ишқидин туштум қулотузларға
ман,
Бул фалак тоқ айлади жоҳ жалолимдин манинг.

Жом гурбатдин ичиб, шаҳзодалик тарк айладим,
Ком ҳосил ўлса хубтур бул хаёлимдин манинг.

Сайқалий, дил мазраина экдим бу тухми вафо,
Ҳеч ҳосил ўлмағай қолу мақолимдин манинг.

146 Салом айтиб сабоға шоҳзода,
Борур эрдик ул майдон орода.

Қи ҳар кун икки йўл отдин тушарди,
Ўтуруб сабзаларға ўтлатурди.

Қулотузда қулонларни отарди,
Қабоб айлаб ани таъма этарди.

Бу суратда юрубон токи бир ой,
Қи бир манзилға етти ул некурой.

Қўрарким, бир ажойиб чаҳор боғи
Фалаксо ранг-баранг кўшки равоғи.

Қи ул чаҳорбоғ бир қасри зебо,
Саросар ранг берилган оби тилло.

Анинг олдида бир ҳавз мураббаъ,
Икки ёнда икки суфа мурассаъ.

Тўшалган атласу, кимхобу заррин,
Келурди ҳар тарафдин бўйи мушкин.

Қи ҳар алвон дарахтдин эрди бисёр,
Қи ҳар мева есанг ул боғ аро бор.

Хиёбонлар, чаманлар, мурғзорлар,
Раёҳин, босуманлар, сабзорлар.

Очилган ранг-баранг оқу қизил гул,
Ки ҳар гул шоҳида сайрарди булбул.

Келур эрди навоий дил фриблар,
Ҳисоби йўқ ажойиб жонуварлар.

Кўруб ул барчасин шаҳзода ул ҳол,
Келибон завқи тушти анда филҳол.

15а Лижомин олди, отин ўтқа қўйди,
Ўзи ул ҳавзнинг олдиға келди.

Чиқиб ўлтурди суфа узра шаҳзод,
Басе ул орази гул, қади шамшод.

Қараб ҳарён тамошолар этарди,
Кўзини гоҳ хумор олиб кетарди.

У ерда уйқуси зўр этти бисёр.
Неча кунлар эликим, эрди белдор.

Олиб белдин қилич бирлан садоғин,
Кўюб қалқонини бошиға болин,

Етиб бир соати чун топги ором.
Яна уйғониб анда шоҳ Баҳром

Муборак хотириға ўткарурди
Бу манзиллар нечук манзил дер эрди.

Тузук озода эрлар жойи ўхшор
Мунингдек зебү зийнатларга бисёр.

Начук жонлар экан бу соҳиби боғ,
Буларға учрамай кетсам, ажаб доғ.

Қа бу андеша бирла эрди шаҳзод,
Қи чиқти қаср ичидин бир паризод.

Этиб таъзим, салом айлаб саросар,
Келиб шоҳ олдиға ул моҳи пайкар.

Олибон бошига қўйди лаганди,
Ки ул зулфи суман боло баланди.

Ениб турди лаганд устини очиб,
Ки ул ой юзига зулфини сочиб.

156 Қўрар шаҳзода турлук нозу неъмат,
Қиёфатга муносибдур зиёфат.

Лазиз монрезалар мурғон бир ён,
Латиф кўп мевалар эрди фаровон.

Басе завқи билан ер эрди шаҳзод,
Турур эрди қошида ул паризод.

Ебон ул нозу неъмат анда Баҳром
Дуо айлаб анга ул чашм бодом:

— Аё, эй сарв, кад лутфингга раҳмат,
Таомингга худо бергай барокат.

Муни деб фотиҳани айлаб итмом,
Ки андин сўнг савол айлади Баҳром.

Деди:— Эй нозанин, сан сўзла бори
Ки, сан кимсан, бу ер кимни диёри.

Юборди ким манга бул нозу неъмат,
Ки сан манга баён айла бу фурсат.

Деди ул нозанинким:— Эй баҳодир,
Бу манзилнинг эгаси оти Сайфур.

Яна бордур анингким беш иниси,
Мубориз бо шижоатдур бориси.

Бу кун ул барчаси эй моҳпора,
Кетибдур жониби саҳро шикора.

Аларнинг мундаким бир синглиси бор,
Отидур Сарвосо соҳиби дор.

Мани бечора анга доядурман,
Ки ҳар хизмат буюрса қиладурман.

16а Бу неъматларни ул гулфом юборди,
Мани бирлан санга пайғом юборди.

Деди:—Олгил бориб ул маҳжабинга,
Ки тахир этмасун ушбу заминга.

Оғоларим келур вақти бўлубтур,
Алар келмай булар кетгони хўбтур.

Мабодо келсалар ул олти аждар,
Ки хеза этмасун бу шамъи анвар.

Ки зеро одами бирлан паризод,
Билурмиз кам-кам улфат бўлганин ёд.

Деди шаҳзодаким:—Эй дояйи хуш,
Бу сўзни сенга дей, қилма фаромуш.

Ки мандин Сарвосоға салом айт,
Ки андин сўнгра анга бу паём айт.

Анинг оғолари бирлан ишим йўқ,
Қилиб маскан бу ерга турмушим йўқ.

Вале бир соат осойиш этойин,
Отим тўйсун ким, андин сўнг кетойин.

Деди доя шаҳи заррин камарға:
— Агарчи сиз ишингиз йўқ аларға,

Ки ул Сайфур эрур бад феълу бадхў,
Зарар еткурмагайлар, эй неку рў.

Келиб қаҳри бу сўзга анда Баҳром,
Деди:—Сўзни кўтоҳ қил, дояйи хом!

Манам андоғ неку одам эмасман,
Агар минг бўлса Сайфур ғам эмасман.

16б Ки ман сўнгок эмом ҳар ит кемурса,
Ки ман онойи йўқман, ҳар ким урса,

Ки сан бор Сарвосо олдида тур,
Кўройин, Сайфуринг қандоқ кишидур.

Тамошо қил, алар келган сўнг мунда,
На ишлар кўргузур майдонда банда.

Эшитиб кетти доя қаср сори,
Кириб дарвозасин беркитти бори.

Утурур эрди танҳо шоҳ барно,
Кўрар бир гард аъзам бўлди пайдо.

Ки чиқти гард ичидин олти арслон,
Эрур ҳар қайсиси бабри биёбон.

Алардин илгариким бир баҳодир,
От устида миоридек келодур.

Гумон этти, кўруб соҳибқирон шоҳ,
Ки ул Сайфур келур овдин баногоҳ.

Туруб бул ҳам ўзин тайёр қилди,
Йўлуқмай кетмоғини ор қилди.

Ушал дам етти ул олти биродар,
Бўлуб ҳар қайсиси қадди чу арар.

Аларким кўрдилар шаҳзолани чун,
Тушубдур боғаро хуршеди гардун.

Кўруб таҳсин этибон анда Сайфур,
Деди Шаммосга ким:--Бор они келтур!

Нечук одам экан сан они кўргил,
Бориб тезроқ они боғлаб кетургил,

17a Дебон ўз қалъасига кетти Сайфур.
Жўнади шоҳ сари Шаммос баҳодир.

Яқинлаб борди ул боғни оралаб,
Отини тўхтатиб турди қоралаб.

Кўрарким бир шоҳи олий жаноби,
Шиоъийи талъати чун офтоби.

Ки тарзу таркиби соҳибқирондур,
Жаҳон айвонила бир паҳлавондур.

Ўтурур якка бе парвойи, бе ғам,
Назар солиб баҳар сў мисли Рустам-

Қўруб Шаммос Баҳром қоматини,
Ўзини ларза тутти, ҳам отини.

На дерин билмади ақлин унутти,
Магар боғи жаҳондин дил совутти.

Энгоки қалтираб бир наъра урди,
Иситма тутган одамдек гапурди.

Деликим:—Эй начук жонсан, ўтурган,
Бу дам ман-мансираб мардона турган?

Начук андеша қилмай келдинг, эй ёш,
Оғирлик қилди ўхшар санга бул бош?!

Бу ерларга келолмас шери ғаррон,
Агар келса, бўлур ер бирла яксон.

Наҳанглар бул гузардин ўта билмас,
Паланглар келса мундин кета билмас.

Бу ерларга келолмас шеру қофлон,
Агар келса, бўлур ер бирла яксон.

176 Сан, эй ёлғиз, начук туштунг бу ерга,
Биз элни билмас эрдинг мундоқ жога.

Ки бул қўрғонда бизлар олти эрмиз,
Паризодлар аро бизлар амирмиз.

Улуғимизни оти шоҳ Сайфур,
Пари авлодина эрликда машҳур.

Сан, эй раъно, дегил, кимга ишинг бор,
Ўзинг танҳомусан ёким кишинг бор?

Туро кел. юргил энди, эй баҳодир!
Сани олиб борай мен назд Сайфур.

Деди шаҳзода:—Эй жинни, на дерсан,
Ки сандин ким сўради мунча дерсан?

Сизлар бирлан мани ҳеч йўқту корим.
Жўнарман андаки, тўйсун суворим.

Қелиб қаҳри бу сўзга габр Шаммос,
Суруб отин суғуруб тиғи олмос,

Ҳавола айлади шаҳ сори ул дам,
Туруб Баҳром еридин мисли Рустам,

Ҳавода ушлади илкидин они,
Суғуруб олди ва отти равони.

Яна қайтиб гирибонидин ушлаб,
Қўтариб урди отдин ерға тўлғоб.

Ки қўлу бўйнини боғлаб ўшал дам,
Ҳўраб-чирмаб дарахтга қўйди маҳкам,

18а Яна ул суфаға чиқти, ўтурди.
Дарахтни тебратиб Шаммос турурди.

Бориб Сайфур тушуб ўлтурди ул дам,
Қуруб мажлис биродарлар билан ҳам.

Боқиб ўлтурдилар келмоди Шаммос.
Деди Сайфурки:—Сан бор эмди, Қаммос.

Бориб кўрки, анинг бирлан на қилди,
Йиқита билмади ёхуд йиқилди.

Равон турдию, келди кўрди Қаммос,
Дарахтга осилиб турурди Шаммос.

Ағосини кўриб аччиқланиб сак,
Деди бир неча сўзни анда чакчак.

Дедиким:—Эй қўноқ, сендин ажабдур,
Буларни боғламоғинг не сабабдур?

Ҳазилингу, чинингу, манга айғил,
Ҳазил қилгон бўсанг оғамни ешгил.

Чининг бўлса тuroкел мани бирлан,
Олишиб кўрайин мен сани бирлан.

Деди Баҳром:—Бери кел сўзга чечан,
Оғонгни ёнига боғлаб қўйай ман.

Эшитиб шоҳ сўзин қаҳри келиб ул,
Олишсанг хўб бўлур, деб қилди кўнгул.

Яқинлаб келди шаҳни олди сори,
Бўлубон қомати мисли минори.

Тутуб шаҳзод ани ҳам тутти, бости,
Ағосини ёнига элтиб ости.

186 Яна чиқти суфа устига Баҳром
Пешин вақти эдиким, бўлди итмом.

Бу икидин сўғун Ҳартос келди,
Қўлида ханжари—олмос келди.

Кўруб Шаммосу Қаммос ҳолини ул,
Дедиким:—Эй йигит, сандин ажаб бул.

Начук йиқтинг бу икки паҳлавонни,
Санга туттурдиларму бу жаҳонни?

Добон хез этти гурзисин кўториб,
Кўзининг оқлари ўтдек қизориб.

Туриб Баҳром анинг сори этиб даб,
Ки урди кўксига бир мушт бозарб.

Дер эрди кўксин ушлаб:—Вой юрогим,
Добон,—кўб урмоғил, эй юртга ҳоким.

Ки биз бир-бир келурмиз сан йиқорсан,
Кеса Сайфур начук уҳда чиқорсан.

Мунундек сўзлатиб шаҳзода они,
Қўлини ортига боғлаб равони.

Они ҳам элтиб ости назд Қаммос.
Магар тегди буларга дарди ос-ос.

Билохир келди бир-бир беш иниси,
Оғоларин кўрубон кетти эси.

Турур эрди ёнида синглиси ҳам,
Анга Сайфур ишорат қилди ул дам.

Деди:—Сан борғил анда Сарвосо,
Аларни ишларин айла тамошо.

19а На бўлдики, алар ҳеч келмадилар,
Бир одамни кетура билмадилар.

Чиқибон кўрди ул дам Сарвосо,
Оғолари осилибдур дарахтго.

Яна қайтиб бориб Сайфурга айди.
Эшитиб Сайфур анда қаҳри келди.

Ғазаб бирлан туруб отланди ёна,
Шаҳи Баҳром сари бўлди равона.

Кўрар Баҳром келур Сайфур ғазабнок,
Бу ҳам отига минди чусту чолок.

Иниларин кўруб Сайфур у фурсат,
Юқори осилиб туруб баиззат.

Ғазаб бирлан боқибон сўйи Баҳром,
Добон:—Қандоқ баҳодирсан, дегил ном.

Начук даъво қилиб бу ерга келдинг,
На боисдин бу ишларники қилдинг?

Керакдур ҳар ким ўз ҳолини билса,
Ўзидин пеш қадамни кўзга илса.

Бу эрларники сан боғлаб қўюбсан,
Буларни ҳолини санга солай ман.

Юр эмди, ўтру кел майдона киргил,
Диловарлик ишичи мунда кўргил.

Бу сўзларни дер эди Сайфур у ердо,
Тамошолар этарди Сарвосо.

Сиёсат бирла Баҳром ул замона,
Боқиб Сайфур сориға Рустамона,

196 Деди:— Эй мардаки, беҳуда гуфтор,
Абас сўзларни айтурмоқ на даркор.

Талабкори уруш сан илгари кел,
Йироқдин дабдаба қилмай бери кел.

Бу сўз Сайфурга тегди, дард қилди.
Бурунғидин зиёда мард қилди.

Бериб отиға аччиғ тозиёна,
Ғазаб бирланки ул габри ягона.

Уруб даврон саропо гирд майдон,
Добон:—Ҳай-ҳай ана майдон, ана жон.

Ўнгидин сўлға ўтуб мисли жамҳур,
Етурди найзасини шаҳга Сайфур.

Қилич бирлан бир урди найзасин шоҳ,
Тўзуб кетти қўлидин чун пару қоҳ.

Олибон Сайфур андин сўнг қиличин,
Яна шоҳга ҳавола қилди ул ҳин.

Ки шаҳзод бошқа қалқонин тутубон,
Сўёна турди Сайфур урди ал он.

Ўтиб кетти қиличи рад бўлуб чун,
Басе навбат бу шоҳга етти акнун.

Деди шаҳзода:—Эй Сайфур, баҳодир,
Ки ҳозир бўл, бу навбат бизникидир.

Агар шамшир ила урсам ўларсан,
Бу ерда беҳуда нобуд бўларсан.

Мунн деб тигини солди ғилофа,
Яношти ул тани чун кўҳ қофа.

20а Уруб илким белига тутти мазбут,
Деди Сайфургаким:—Сан ҳам мани тут!

У ҳам шоҳнинг белидин тутти маҳкам,
Тутуш қилди магар Суҳробу Рустам.

От устида талошти иккиси кўб,
Қилиб ул боғ аросини талотуб.

Йиқита билмади бир-бирни асло,
Тамошо айлар эрди Сарвосо.

Дер эрди:—Бу икки арслона таҳсин,
Хусусан, бул йигит меҳмона таҳсин.

Ки Сайфур эр билан мунча талошур,
Киши билмас чиқарким қайсиси зўр.

Буларни деб турарди Сарвосо,
Талошурди булар майдон ародо.

Иккиси бир-бирин ҳар ён сурушти,
Тушуб от устидин ерга тутушти.

Тушуб ерга сулойиб ётти отлар,
Иккиси устидин ҳарёна хотлар.

Ки Сайфур этти шаҳга бир неча зўр,
Йиқитмай анда Сайфурдек баҳодир.

Чу қайнаб ғайрати шоҳ зўр қилди,
Дебон бу сак мани кўп хўр қилди.

Урай деб ерга они кўрди чоқлаб,
Қулочи етмас ул олса қучоқлаб.

Узатса гарданиға бўйи етмас,
Ки шаҳзод эрди андин етти газ паст.

206 Ки охир энқайиб лангидин олиб,
Ҳаво берди юқори шоҳ ғолиб.

Кўториб бошидин уч чарх ўгурди,
Миноридек қилибон ерга урди.

Ки аччиғдин соқолидин ушлаб,
Энгокин таҳтиға бир неча муштлаб,

Қўлу бўйвини боғлаб анда маҳкам,
Дарахтга келтуруб ости ани ҳам.

Яна ул суфа узра чиқти шаҳзод,
Ўтурди андаки, ғамдин бўлуб шод.

Қилурди машварат ул олти арслон,
Дер эрдилар:—Бу иш на бўлди қилғон.

Қолиб ҳайрон дер эрди анда Сайфур:
— Бу ёлғиз бизлара келган балодур.

Қутулмас эрди одам бўлса мандин,
Мунунгдек зўрлуғ оламда қайдин.

Дер эрди барча анда:—Ори-ори,
Бу ўғлон эрди марди раҳгузори.

Ўзумиздин даҳил бўлди баякбор,
Ки бўлдук бу балоларға гирифтор.

Добон боғлу турурди барча ҳайрат,
Дарахтга тортилиб чун олти сурат.

У дам Баҳром туруб тотиб қиличин,
Аларнинг токи кескай эрди хилқин,

Чу келди кегиндин бир яхши овоз.
Қаради ўргулуб шоҳ сарафроз.

21a Қўрарким, бир ажаб соҳиб жамоли,
Юзи гул, қади чун гулни ниҳоли.

Қалам тортган қоши сер машқи устод,
Терилган кифрики, пайкони фўлод.

Паришон ики ёвдин зулфи сунбул,
Тили оғзинда сўзлар мисли булбул.

Даҳони ғунчадек бир-бир очилур,
Сўзидин шаҳду шакарлар сочилур.

Деюр:—Эй шоҳни ўғли, шоҳзода,
Йигитсан тангри екургай мурода.

Ки эрлик айладинг эрларни туттунг,
На бўлди панд отангни унуттунг?

Қилурди ул кеча отанг насиҳат,
Ки ман том устида эрдим у ҳолат.

Дер эрдиким:— Аё фарзанд жони,
Худо еткурса бўлсанг комрони.

Ўзунгдин пастлара айла тараҳҳум,
Қарам қил, учраса ҳар қайси мазлум.

Қўлингда бўлса ҳар душман гирифтор,
Анга дўстлукни изҳор айла зинҳор.

Ки шояд санга ул ҳам дўст бўлғай,
Ки ҳар сў иштиёр этсанг қўшулғай.

Деб эрди санга отанг анда ул тун,
На бўлди, хотирингдин чиқти бул кун?

Ки бул олти диловарни тутубсан,
Буларни ўлдурурға қасд этибсан.

216 Ки бу эрлар мани оғом эрур бил,
Ҳалок этма, буларга марҳамат қил.

Булар чандонки қилса беадаблик,
Менинг туз ҳаққими илгори тут лек.

Бу сўзларни дебон ул Сарвосо,
Бўюн эгди этиб шаҳга тавалло.

Қўруб ул сарв қадни анда Баҳром,
Хаёлиға келиб шаҳти Гуландом.

Дер эрдиким чиқариб кўксидин оҳ:
Қачон тушгай назарга ҳамда ул шоҳ.

Яна ул Сарвосоға қотиб сўз
Деди:—Қўп куйма, эй шамъи дилафрўз.

Ағоларингга ман теккан йўқ эрдим,
Йўл ўткучи эдим, ўтиб кетардим.

Булар ўзи манга тегди якбор,
Ғаразлари манга бермак озор.

Вале манга худо қилди иноят,
Булардин алғараз бўлдум саломат.

Бу ерларга булар то бўлса зинда,
Юрур доим ямонлиғнинг пайинда.

Бу боисдин буларни ўлдурурман,
Кел, эй маҳваш, арода тушмагил сан,

Деди йиғлаб яна ул Сарвосо:
Бу арзимни эшит, эй шоҳ барно.

Оғоларим санго аҳд айласунлар,
Санинг олдингда тавба айласунлар.

22а Ки мундин сўнгра ўлса ҳар мусулмон,
Булар еткурмагай бир зарра нуқсон.

Қабул айлаб бу сўзни анда Баҳром.
Борисиға бериб тавба у ҳангом,

Ешибон қўлларин озод қилди,
Паризод хотирини шод қилди.

Аларга арза қилди анда имон,
Алар ҳам сидқ ила бўлди мусулмон.

Бариси шаҳ оёғига йиқилди.
Дилу жони билан ихлос қилди.

Деди шаҳзода:—Эй Сайфур — машҳур,
Бурун юрганларинг барча абасдур.

Тилингда бир худонинг зикри бўлсун,
Дилингда охиратни фикри бўлсун.

Ки эмди тангрини жўёнида бўл,
Мусулмонлиқ йўлин поёнида бўл.

Иши қил, туфринг тегсун кишига,
Кўнгулни қўймагин шайтон ишига.

Деди Сайфурки:—Миннатдорман шоҳ,
Ки биз гумроҳлара кўргуздингиз роҳ.

Ки ҳар амр этсангиз маҳкам тутармиз,
Ки ҳар сў этсангиз андоғ етормиз.

Турунг бир неча кун меҳмон этайлик,
Бу жонларни сиза қурбон этайлик.

Бу боғдин ўзга ҳам жойларимиз бор,
Тамошо қилгулуқ, эй шоҳи мухтор.

226 Шоҳ айди:— Яхшидур бормоқ муносиб,
Ки ҳар ер яхшидур, кўрмоқ муносиб.

Суюнгандин бўлуб Сайфур сарафроз,
Тўшаб қиммат баҳолардин пойёндоз.

Олиб шаҳзодани бўлди равона,
Ўзига хос қилғон ошёна.

Туруб барчаси ул дам пиёда,
Борурдилар рикоби шоҳзода.

Отини ўйнатиб борурди шаҳзод,
Жиловида югуруб кўп паризод.

Ки бул боғдин яна бир боға кирди,
Гулистони эрамдек жоға кирди.

Ажаб боғу ажаб жойларни кўрди,
Мусаффо турфа маъволарни кўрди.

Очилғон ранг-баранг гулларни кўрди,
Сочилғон тор сунбулларни кўрди.

Мунунгдек сайр этиб борурди шаҳзод,
Олиб атрофини сонсиз паризод.

Ки бир манзилға етти анда ногоҳ,
Ана кўшку, ана айвон, ана жоҳ.

Ҳама кўргонидин бу хўбу зебо,
Саросар ранг берилган оби тилло.

Улуғ сангпоралардин эрди хишти,
Магар бир манзили неки биҳишти.

Пари товус каби гулдастаси бор,
Такинда суфани орастаси бор.

23а На жондорики бор рўйи заминда,
Тамомин сурати тортилган анда.

Оқиб оғзи билан кўзлардин сув,
Сочилур суфалар узра баҳар су.

Фўлод дарвоза занжири тилло,
Кетурдилар шаҳи Баҳромни анда.

Қилиб эрди анинг Сайфур ўзига,
Анингдек қалъа бўлмас ер юзига.

Қилибон шону шавкат ранго-ранго
Кетурдилар шаҳи Баҳромни андо

Ўзи югуруб пиёда анда Сайфур,
Улуғ қоидалар бирлан бадастур.

Ўзини тахтига элтиб тушурди,
Асоси шоҳлиғ бар жо кетурди.

Чиқиб тахтга ўтурди шоҳзода,
Магар хуршид ўлуб кўклин фитода.

Кўрар шаҳзодаким, бир турфа тахти,
Ки ҳар бурчида ёқутдин дарахти.

Дарахтлар шоҳида тўти ва бўлбул,
Зумуррад нақш айлаб лолаву гул.

Эрурким олдида ҳавзи зўлоли,
Кўрунур анда хубларни жамоли.

Ки бир ёни эрур ойнабандлик,
Ғаройибларни акси анда дурлик.

Анингдек тахт уза шаҳзода Баҳром,
Ўтурур эрди бо эъзозу икром.

23б Уноб Сайфурни олди ёнига боз,
Ўтурур эрдилар барча сарафроз.

Ки андин ўзгаси хизматда эрди,
Иковлари булар суҳбатда эрди.

Паризодлар билан ул Сарвосо,
Этибон нозу неъматлар муҳайё.

Кетирур эрдилар шоҳ олдиға тез,
Ҳама қанду, наботу шакарomez.

Басе Баҳрому Сайфур нўш этарди,
Париларни юроғи жўш этарди.

Буюрди анда Сайфур бир парини,
Хабар бер деб париларни бирини.

Юруб берди хабар бир лаҳзада ул,
Йиғилиб келди ул дам боғланиб қўл.

Тавоф айлаб бариси шоҳни анда,
Келиб хизматда турди мисли банда.

Аларға арз қилди анда имон,
Алар ҳам сидқ ила бўлди мусулмон.

Паризодлар бўлуб чун офтоби,
Кетурдилар шароб ила кабоби.

Сунуб май соқиён сим соқилар,
Ки бо навбат хама туртум тароқлар.

Сурохилар ичинда косадорлар,
Юруб мажлис арода май берурлар.

Ичиб май ичра гулгун дилраболар,
Ки фатҳу нозила қоши қаролар.

24а Кулуб шаҳзодаға ҳар дам боқарлар,
Имойи тарз ила қошлар қоқарлар.

Туро келиб тузарлар созу раққос,
Эгилно қўлларин айлаб шароққос.

Туруб хишт устига бози қилурлар,
Ранго-ранг ишвау нозни қилурлар.

Вале шаҳзодага хўб ёқмас эрди,
Аларга кўб тикилиб боқмас эрди.

Хаёли Чин йўлини айлабон тай,
Аларнинг суҳбатин бузуб кетолмай.

Хаёли фикрида эрди нигори.
Йўқ эрди турғоли сабру қарори.

Ўтурур эрди парилар бирла шаҳзод,
Қадаҳ қўлда қилиб ул дилбарин ёд.

Эгиб ул нашъайи майни баҳона
Қилурди бу мухаммасни тарона:

Кел, эй соқий, манга кўп қистама бу жом
Ки мандин ўтқариб тутғил қуруқ лабларга **шарбатни,**
Ажаб мастона бўлдум май ичиб жоми муҳаббатни,
Бу турфа майки ман ичтим, унуттим ўзга **навбатни.**
Бўлиб савдозада мажнун каби қилдим бу **лаззатни,**
ҳимматни.

Кечиб жону жаҳондин толиби жанона **бўлганман,**
Қилиб тарки иморат бир назар девона **бўлганман,**
246 Қўруб бир яхши сурат дунядин бегона **бўлганман,**
Хуморимен агарчи шавқидин мастона **бўлганман,**
Май ичра кўрмагунча акси рўйи моҳ талъатни.

Нафас тут, эй муғанний, ноладин савти рубобим **бор,**
Сиришкимдин шаробу пораи дилдин кабобим **бор.**
Ҳисоб эрмас бу ишратлар, манинг ўзга ҳисобим **бор,**
Дабистони жунундин ёд эткон бир китобим **бор,**
Қани Мажнун баён этсам, ўқусам бу иборатни.

Мани расво қиланким турфа бир шакли **шамоилдур,**
Қиличдай қошлари суратда бир хунрези **қотилдур,**

Каманди зулфидин буйнумга чирмашгон
салосилдур,
Анингчун телба кунглум азмгоҳи Чинға моилдур,
Бадал қилдим бу савдоға асоси шону шавкатни.

Қачон бўлғайки, севган ул нигорим васлиға
етсам,
Ениға руссалик дил қиссасин бир-бир баён этсам.
На мушкулдир жамолин кўрмасам жондин гузар
қилсам,
Билолмам на тадбир айласамким, найлайин
кетсам,
Қарорим йўқту юрмоқда, олибдур тобу тоқатни.

Фироқида гадо бўлдум, унуттум подшоҳлиғни,
Кўрубман яхши давлат подшоҳлиғдин гадолиғни,
Муяссар бўлса куйи, анда қилсам бенаволиғни,
Илоҳи солмағил ҳеч бандаға, ё раб, жудолиғни,
25а Жаҳон боғида найлай бўлмаса ул гул бу ишратни.

Кел, эй тан, манга ул жононасиз жонинг
керакмасдур,
Ки ул сарви равонсиз бўстониғ ҳам
керакмасдур.
Худоё, андин ўзга ҳуру гилмониғ керакмасдур,
Жамолин кўрмасам, Фирдавс ризвониғ
керакмасдур,
Нигорим бўлмаса ҳосил урай бошимға жаннатни.
Ки ақли ҳушим олғон санам мавжуд бўлғойму,
Нишонсиз йўлларидин манга ҳеч беҳбуд
бўлғойму,
Бу савдодин манга нуқсон олуб суд бўлғойму,
Етиб васлиға ё чўлларға ман нобуд бўлғойму,
Кўрубман ҳар на рў берса — қазодин онча
қисматни.

Бу йўлга тушганим, дўстлар, эмас ўз
ниҳтиёримдин,
Қўюб мулку вилоятни, кечиб хешу таборимдин,
Сўроғ айлаб етарман деб висол гулузоримдин,

Хабар йўқ ота-онамға мани аҳволи зоримдин,
Фалак озгурди мажнундин манга бор маломатни.

Қачон бўлғайки топсам ул париваш нозанинимни,
Хаёлим хотамига нақш ўлан муҳри нигунимни,
Десам чин роз дилини, кўрсам ул хуршид

жабинимни.

На ёзмишдир азалда руқъани мавҳи навиштимни,
Қалам хубтур савод ҳолидин ёзмоқ керак

хатимни (?)

- 256 Фалак бедодгарлик қилма кўп. бедод айларман,
Қаманди чархинги бир оҳ ила барбод айларман,
Бу савдони кўрарсан, фитналар барбод айларман,
Жаҳонда то тирикман ул парини ёд айларман,
Муяссар бўлмаса бузсам керак тангла қиёматни.

Бу ерда турмоғимдин манга ғам бисёр ўлур

кам-кам,

Сурурим хайли озгошиб. балолар ёр ўлур кам-кам.
Масалдур ишқи осондур вале душвор эрур

кам-кам,

Улотиб кулфати дардим кўнгила афгор эрур

кам-кам,

Жафо новаклари ҳардам жадид айлар жароҳатни.

Муолиждин илож ўлмас мани рози ниҳонимға,
Ерутмас шоми ҳажрим ўлтуруб хуршид ёнимға,
Налар қилгон фалак эрмас мани бечора

жонимға,

Мани кўп куйдуруб оташни солди хонумонимға,
Кезарман оҳ ила ўртаб, юруб неча вилоятни.

Фалак, айғил, манингдек хотири вайрон ўлан

кимдур,

Тушуб бошиға савдо бе сару сомон ўлан кимдур,
Кўруб бир сурати жононани ҳайрон ўлан кимдур,
Аро йўлларда қолиб, мундаким меҳмон ўлан

кимдур,

Манингдек солмағил ҳеч бандаға, ё раб, бу

ғурбатни.

Юрогимға тушуб дарди, ажаб бемор бўлганман,
Талабкори висоли ул пари рухсор бўлганман,

- 26а Кезарман даври давронда букун бекор бўлганман,
 Ичиб сар маст ўлур эл, бул ажаб ҳушёр
 бўлганман,
 Муяссар бўлмаса ул гул. нетай бу базм суҳбатни.
 Манингдек бормукин булбул қўнон бу даҳр
 боғинда,
 Ҳавойи нахати бир гул тушуб нозук димоғинда,
 Бу савдо манғадурким, ўзга ҳар ким ўз
 фароғинда,
 Манингдек лола доғ ўлғай латофат боғи
 чоғинда,
 Қўюб тузларға туштум истаб ул кони малохатни.
 Ҳалоли пок ила, ё раб, бу мушқулларни ҳал
 қилғил.
 Карам айлаб бу ғамларни фароғатга бадал
 қилғил,
 26б Худоё, бу тилогимни муяссар дар маҳал қилғил,
 Бу йўлда, боракаллоҳ, Сайқалний туштунг жадал
 қилғил,
 Ҳадиси мустафодур билсонг аттоҳиру офатни.

Шаҳзода бу мухаммасни ўқиғон сўнг. Сайфур сабаб шаҳзодаи чиқмоғини сўрадикдин сўнгра
 Шаҳзода Румдин чиқдигиндин ва гунбазда кируб ва суратда ошиқ ўлдуғундин ва жамъи можаройи бошдин оёғча айдиқлин сўнгра. Сайфур бечора бир оҳ пур шўр жонудоз гортиб. Бу ҳам ўз ёрини деб, олиб қочдиқини деюб шаҳзодадин истионат тиладик вақтларинда шаҳзодаи сийнасиға мурувват ва ҳамият жўш уруб, басамъи ижобат эшитуб, дев Афруъ ила ҳарб эдуб, девнинг ўлдуруб. Сайфур ёрини халос этуб ва жамиъи паризодлар хотирини жамъ эткони бу турур:

Ўқиб ўз ҳасби ҳолин шоҳзода,
 Утирур эрди ул суҳбат арода.

Шароби шавқи дилдорин этиб нўш,
 Қўнгилда оташи ишқи уруб жўш.

Ҳаво тортиб қанот топмай учарға,
На **ройи кўп** ўтуруб май ичарға.

Ўёлурди талаб қилғоли рухсат,
Ўтурурди кўруб икрому иззат.

Ки ул суҳбатда Баҳром дилафрўз,
Ўтурди ети кеча, ети кундуз.

27а Парилар бирла жинлар маст бўлди,
Басе кам-кам у суҳбат паст бўлди.

Ки андин сўнгра Сайфур берди рухсат,
Парилар тарқашиб кетти у фурсат.

Ўтуруб анда Сайфур бирла шаҳзод,
Қилиб бир-бирига роз дилларин ёд.

Деди Сайфур:—Санга йўл бўлсун, эй шоҳ,
Шарафли қай жиҳатдин чиқтинг, эй моҳ.

Начук давлатлини чашми тарисан,
Қаю бир гулни севган булбулисан?

Начук тушти бу ерларга гузоринг,
Дегилким, қайси бўлса ихтиёринг?

Деди Сайфурга боқиб шоҳзода:
— На айларсан савол, эй хуш ниҳода.

Отим Баҳром эрур—оламда маълум,
Отамнинг оти шоҳи кишвари Рум.

Мани солди бу ғурбатларға оллоҳ,
Деюн воқиасин сенким бўлгил огоҳ:

Ки бир кун айладим азми шикори,
Олиб рухсат отамдин, англа бори.

Ки ўн беш минг йигит бор эрди ҳамроҳ,
Ажаб санъатлари кўрсатти оллоҳ.

Аларнинг барчаси мандин адашти,
Гузорим, ногаҳон бир боқға тушти.

Кўруб ул боғ аро бир сурати пок,
Кириб ишқи юрак-бағрим қилиб чок.

Грифтори анинг савдоси бўлдум,
Муҳаббат баҳрининг ғаввоси бўлдум.

Гузор айлаб ото бирлан онодин,
Асоси шон-шавкат олий жойдин.

276 Бўлиб Лайли Сўроғида чу Мажнун,
Бу ерларга уруниб келдим акнун.

Гуландом отидур ул нозаниннинг,
Қизи эрмиш ки ул фағфур Чиннинг.

Мани бе дил анинг саргаштасиман,
Тағофил тигининг ним куштасиман.

Буларни деб уруб ул дамда бир оҳ,
Уқурди бу ғазални шоҳ дилхоҳ.

**Шаҳзода Баҳром Сайфур биродарина бошдан
аёғ кечон қисса аҳволини шарҳ айдикдин сўнг-
ра, маҳваши тугён эдуб хазрат оллоҳ таоллоя
ялбориб, бир илтижо этдики, можароси бу
турур:**

Ким қачон бўлгайки ул сарвим хиромон
айлағай.

Қўл тутуб ман хаста бирлан сайри бўстон
айлағай.

Зулф очиб бир-бир босиб, гаҳ-гаҳ такаллум
айлаюб,

Сунбулу шамшод наргисларни яксон айлағай.

Тўттий табъим шигуфт эткой чу гул-гул ҳар
замон,

Ул сихи қадлик пари лаб шаккар афшон
айлағай.

Подшоҳлиғдин манга афруз эрур юз минг туман,
Итлари бирла сарикўйида меҳмон айлағай.

Қўз ёшимдин су сепиб, бошимни гўй этсам эди,
Ул санам ҳар қайси майдон ичра жавлон айлағай.

Зулмати ҳажрида ҳар соат таманно айласам,
Еткурум васлин юзин шамъи шабистон айлағай.

Мардуми кўз донан холинда еткой мўрдек,
Билқису вақтим мани рашки Сулаймон айлағай.

Меҳроби каъбаи бутға қачон еткай бошим,
Айдим:—Ул кундурки бир боқмоққа фармон
айлағай.

28а Лом-алиф қилсам қўлимни хизматиға субҳи шом,
Мунтазири амр бўлсамким, не фармон айлағай.

Лаъл ёдидин оқон кўздин жигар парколаси,
Остонин тошларин лаъли бадахшон айлағай.

Эй ёронлар, бир дуо айлангки сидқи дил ила,
Сайқалий покома ҳақ мушкулни осон айлағай.

**Шаҳзода матлаб Сайфури ижобат эйдуб ва ёри-
ни дев илиндин халос этмок учун Сайфур бир-
лан ул деб маконина кетуб ва дев ила мухори-
ба идуб ва девнинг қатл идуб халос эттики.
Рухафзойи бечора яна Сайфур била мақсадина
еттики, анинг можароси бу турур:**

Бу тарза нола айлаб шоҳзода,
Деди: Сайфур ки бас ул базм арода.

Эшитинг матлаби дилни, аё ёр,
Мани сан мунда маъжал қилма зинҳор.

Буюргил ким бу дам, эй дурри макнун,
Кетурсунлар мани отимни акнун.

Тушойин йўлиға ул дилрабони,
Кўройин ҳар на тақдири худонн.

Бу сўзларни эшитиб анда Сайфур.
Ниҳодидин чиқарди бир оҳ пур зўр.

Деди:—Арзим будур айтай, эй шоҳ,
Ки бу аснода борду бир улуг чоҳ.

Эрур ул дев Афруъни макони,
Етар кўп элга ул девнинг зиёни.

Қи холо муддати бўлди, эй шоҳ,
Манинг ёрим олиб кетти у гумроҳ.

286 Анинг доғи эрур кўнглумда бисёр,
Давомо сийна бир ёнмаи мани зор.

Йиғиб лашкар нечалар бордим анда,
Бўлолмай рўбарў келдимки мунда.

Вале уг дев келиб ҳар йилда бир иўл,
Манинг шаҳрим хароб айлаб кетар ул.

На бўлгай лутф айлаб, шоҳ мухтор,
Етурсангиз муродимга мани зор.

У девга борсангизким бизни бирлан,
Йиғиб лашкар боролик сизни бирлан.

Ажаб йўқ давлатингдин шоҳзода,
Мани дилхаста ҳам етсам мурода.

Деди шаҳзода:—Сайфур бўлма маъюс,
Агар авн айласа суббуҳ қуддус,

Йўлуқтур ул девни сен манга танҳо.
На хожат ўзга лашкар йиғмогингго.

Манинг ҳам орзум бул эрди, эй ёр,
Тутуш қилсам, агар дев бўлса дучор.

Тур эмди бетавақуф бошла йўлни,
Ки бир душманга сонсиз йиғма қулни.

Биродарлар билан Сайфур ўшал ҳол,
У дам отлантуруб шаҳни бо иқбол.

Равон бўлдилар ул дам жониби чоҳ,
Яна ул Сарвосо бўлди ҳамроҳ.

Ичи қайнаб борурди анда шаҳзод,
Худони пок зотини қилиб ёд.

Кўрунмай гардиши даврон кўзига,
Борур эрди боқиб ул чаҳ юзига.

Кўрурким ёйилиб бир дуд чиқодур,
Етиб авжи фалакка печ уродур.

29а Деди шаҳзода кўп:— Йиғилишмангизлар,
Турунг мунда худо ёдина бизлар.

Ки ман маллох олдида боройин,
Начук офат экан ойинг кўройин,

Добон чиқтики маллох олдида шоҳ,
Кўрурким бир наҳанг келур баногоҳ.

Мисоли ғордек оғзини очиб,
Сув олиб ҳар ёндин, ҳар ёна сочиб,

Кўруб шаҳзод ўзин анда яроғлаб,
Ўқин ёнға солиб кўзини чоқлаб.

Наҳанг гашти сари етти яношиб,
Кўзидин урди чоқлаб шоҳ голиб.

Тегиб шаҳни ўқи мағзи саридин,
Чиқиб кетти наҳангни дум саридин.

Наҳанг ул дам бошини сувға тикти,
Замондин сўнг яна юқори чиқти.

Яна бир ўқни урди чап кўзиға,
Наҳанг бир оғдорилди сув юзиға.

Кўрубон савдогарлар бўлди ҳайрон,
Дер эрди барчаси ул дамда:—Субхон.

Наҳангни кўзлари чун кўр бўлди,
У дарё ичра турфа шўр бўлди.

Ярим белдин бошини сувға солиб,
Дами бирлан сочарди сувни олиб.

Бўлак-бўлак бўлиб сувлар чу гумбаз,
Чиқар эрди ҳавоға икки юз газ.

29б Тамошо айларди шаҳзода ул ҳин,
Тушар сув киштига рўйи ҳаводин.

Деди маллоҳга шаҳзода ул дам:
— Манга келтургил бир заврақча бул дам.

Ётурди шаҳга заврақча саросар,
Миниб заврақчани шоҳ диловар,

Ёнидин суғуруб олди киличин.
Наҳангга яндошиб борди ўшал ҳин.

Худони ёд этиб чопти наҳангни,
Ки ул тоғдек наҳанг бе дарангни.

Кесибон ики бўлди, тиғи шаҳзод,
Ҳама кўргон дедилар:—Офарин бод.

Наҳанг ики бўлунди сув юзига,
Кўринди ул халойиқни кўзига.

Қилиб ҳар бўлоги сувни талотўб,
Юрурди ўргулуб ул киштидин кўп.

Суруб заврақчани ул шоҳзода,
Уруб наъраки ул дарё арода.

Қилиб андоқ наҳангни пора-пора,
Ўқуб ҳамду сано парвардигора.

Ёниб келдию, чиқти киштига боз,
Ажаб ишлар қилибон ул сарафроз.

Тегишмай анда навбат савдогарлар,
Келиб шаҳни зиёрат айладилар.

Дедилар:—Эй диловар, офарин бод,
Бу эрликни киши билгаймүкин ёд.

30а Мунунгдек баҳраро тоғдек наҳангни,
Бу шаҳбозлик била ўлдурдинг они.

Эшитса ҳар диёру ҳар диловар,
Инониб қилмағай бу ишга бовар.

Агар чандики биз ҳозир кўрубмиз,
Сифотингни билолмай ҳам түрубмиз.

Башар наслимусан, дев ё паризод,
Мунунгдек зўр бўлурму одамизод?

Деб айтурмиз сани бул баҳр арода,
Начук озодасан, эй покизода.

Сув ичра эрлигинг изҳор қилдинг,
Ажойиб Рустамона кор қилдинг.

Деди шаҳзодаким:— Баҳромдур отим,
Ки Рум шаҳзодаси, булдур сифотим.

Фалак солди манинг бошимға савдо,
Анинг учун кезарман чўлу дарё.

Сипоҳимдур қилич бирлан садоғим,
Худо ёрим рафиқим арғумоғим.

Йўлуқса ҳар ера олдимда душман,
Қилурман юз наҳанг бўлса тутуш ман.

Бу сўзларни дер эрди ул батугён.
Қолурди аҳли кишти барча ҳайрон,

Дер эрдилар:—Иноят этти бори,
Кўторилди кўнгилларни ғубори.

Йигито, ҳар муродинг тангри бергай,
На мақсад истасанг онга етургай.

306 Неча кунлар яна дарёға юрди,
Худо ёри муродиға етурди.

Билохир чиқтилар ул баҳр ародин,
Холос ўлди бори ул можародин.

Қилиб шаҳни бори икрому иззат,
Дедилар, эй амири олий ҳиммат.

Бу моллардин олинг олгонингизча,
Ки бизлар бандадурмиз сизға барча.

Деди шаҳ:— Манга мол даркор эмастур,
Ки дунё бирла кўнглим ёр эмастур.

Муни дебким дуо айлаб аларға,
Равон бўлдики сўйи шаҳр Чинға-

Улониб шавқи завқи қайта-қайта,
Жўноди бу ғазални айта-айта:

Ичиб жоми муҳаббатни, букун мастонадур
кўнгил.

Яна лаъли лабидин толиби паймонадур кўнгил,

Онинг шамъи жамолини жаҳонда орзу айлаб,
Борур куйдургани акнун, ки бир парвонадур
кўнгил.

Қилай деб мақсадин ҳосил, бўлай деб васлиға
восил,
Агар ўлдурса ул қотил, букун мардонадур кўнгил.

Муҳаббат риштасин ушлаб, мани бу йўллара
ташлаб,
Асоси шаҳлиғим ташлаб, ажаб девонадур кўнгил.

Тўлуб хуноба лахтидин, кўруб қисматни
бахтидин,
Кечибон тож-тахтдин бўлон бегонадур кўнгил.

31а Бўлуб завқ уйла Мажнуни, кезибон дашт.
ҳомуни,
Қиши билмас бу мазмуни, қалай афсонадур
кўнгил.

Бу дам беҳбуд ироғин қил, тузуклук бош яроғин
қил,
Қуярсан Сайқалий билгилки, оташ порадур
кўнгил.

Бу сўзларни дебон ул моҳ жабинким,
Талаб бирла жўнарди сўйи Чинким.

Кел эмди, Собирий, овоз қилгин,
Гуно-гун навҳаларни соз қилгин.

Чаманда андалиб гуфтор бўлғил,
Навода мисли мусиқор бўлғил.

Қуруқ зоҳид каби бекор турма,
Дам ишқ унга дамдин ҳеч дам урма.

Бошинг буркуб муҳаббат бўлма чун бум,
Чунон тўти такаллум қил такаллум.

Шижоат бобида Баҳром бўлғил,
Наингки чун Наримон, Сом бўлғил.

Эрур ишқ мисли дарёи амиқи,
Ҳама ишқи дақиқини дақиқи.

Киrolмасдур анга ҳар қайси ғаввос,
Керак ҳиммат таваккал бирла ихлос.

Эрур ошиқлара мисли худо ишқ,
Гадони шаҳ қилур, шаҳни гадо ишқ.

Кўрунг шаҳзода кирмиш роҳ ишқға,
Гадо бўлмиш дари хиргоҳ ишқға.

316 Неча кунлар юруб чўлларға сарсон,
Босиб ойдек юзин гарди биёбон.

Етишти шаҳри Чинға анда Баҳром,
Басе анда эди моҳ Гуландом.

Кириб дарвозадин ул шаҳр ароға,
Борибон тушти бир карвон сароға.

Сарсёбонинг чоқириб олди дарҳол,
Сўроди ул шаҳрдин неча аҳвол.

Саройбон айди ул дам:— Олиюлқадр,
Санга арз айлайин аҳвол бу шаҳр.

Ки шаҳримизни шоҳи шоҳ Фағфур,
Анинг бор бир қизи хўблуқда машҳур.

Эрур кўплар у дилбар мубталоси,
Сенингдек шоҳлар онинг гадоси.

Ки холо неча кундир, эй баҳодур,
Ки бир Беҳзод деган занги келондур.

Эшитиб таърифин англаб ироқдин,
Йиғиб лашкар бўлубтур дохили Чин.

Қабул этмас ани бул шоҳ Фағфур,
Чиқиб ҳар кун анинг бирлан урушур.

Эшитсанг шаҳримизда шунча гап бор,
На хожат ўзга гапни қилмоқ изҳор.

Бу сўзларни эшитиб шоҳзода,
Борин ўз кўнглига айлаб ниҳода.

Ҳамият оташи дилда уруб печ,
Бўлуб йилдин узун анга ўшал кеч.

32а Билохир бўлди ул тун ул сароға,
Ўзин айлаб ҳавола бир худоға.

Танготгон сўнг билинг ул Фағфури Чин,
Уруш таблин қоқиб чиқти шаҳрдин.

Туруб отланди Баҳром диловар,
Бу ҳам чиқти шаҳрдин сўйи лашкар.

Икки лашкар тутиб сафни баробар,
Баҳодирлар урушни бошладилар.

Уруша-уруша эрлар қизиқиб,
Қизил қонларки от бағриндин оқиб.

Урушлар қилдилар ҳаддин зиёда,
Тамошалар қилурди шоҳзода.

Қўрарким паҳлавонлар бо шижоат
Қиарлар бир-бирин аз ҳад багоят.

Урушой деб бу ҳам бир пеша қилди,
Яна фикр айлади, андеша қилди.

Деди:— Кирсам бу жанг ичра баякбор,
Баногаҳ бўлмағаймен юртга изҳор.

Ки то оқшом бу кунча сабр этойин,
Ки Сайфур лашкаримни келтуройин.

Иноят айласа халлоқ бечун,
Урой Беҳзод қўшуниға шабохун,

Дебон қилди таҳаммул анда Баҳром,
Ародин ул уруш то тобти ором.

Ики лашкар жудо бўлди икки сў,
Ки андин сўнгра ул шоҳ некурў,

326 Қўшундин айрилиб қолди кейинга,
Бор эрди чунки Шаммос мўйи анда,

Видо айларда ул Шаммос оқил,
Бериб эрди сочидин бир неча қил,

Деб эрди:— Эй шаҳо, зинҳор-зинҳор,
Ки биз ҳам ҳар вақтки бўлсоқ сизга даркор,

Олиб бир тора мўни ўтқа солинг.
Ушал дам биз сиза етиб боролинг.

Бул эрди шаҳ бу дам чақмоқни чоқти,
Олиб бир тора мўйни ўтқа ёқти.

Салом айлаб вафойи аҳд этибон.
Ушал дам келди ул Шаммос етибон,

Зиёрат айлабон шаҳни у фурсат,
Деди:— Хизмат недур, эй хуш назокат?

Деди:— Сайфурға бориб дегил акнун,
Олиб лашкар бу дам олдимға келсун.

Қабул айлабки улдам қайтти Шаммос,
Бориб Сайфурға сўзни айтти ул пос.

Эшитиб анда Сайфур йиғди лашкар,
Етиб шаҳ олдиға келди саросар.

Келиб ул ҳам қилиб шаҳни зиёрат,
Деди: — Хизмат надур, эй хуш назокат?

Деди Сайфурға Баҳром:—Эй диловар,
Етибдур мунда бир анбуҳ лашкар.

Эрур сардори лашкар оти Беҳзод,
Худо берса, келинг, айлоли барбод.

33а Деди Сайфур:— шаҳо, бошим йўлунгга,
Инону ихтиёримдур қўлунгга.

Ғанимаг вақт эрур тохер қилманг,
Солинг Беҳзод ила бизларни дар жанг.

Олиб Сайфурни жамъи бирла шаҳзод,
Равон бўлдики ул дам сўйи Беҳзод.

Икки сафлаб тикиб урди шабохун,
На бўлди деб туруб отланди қўшун.

Кушо-куш тушти ул майдон аро чун,
Бу ғавғоға таажжуб қолди гардун.

Утирур эрди чатринда Беҳзод,
Неча беклар билан ул хурраму шод,

Бу ғавғони эшитиб деди:—Акнун
Магар Фағфур келиб урди шабохун.

Туруб беклар билан отланди Беҳзод
Тўқушти олдин Сайфур ва шаҳзод.

Ки шаҳзод ила Беҳзод этти ангез,
Ки Сайфур қилди ул бешлар сари хез.

Қўториб тигни шаҳзоду Беҳзод,
Ки ул ики уруш бобинда устод.

Яшиндек яшнатиб чандон урарди
Бериб рад бир-бирини ўткорарди.

Солурди бир-бирин андеша қилмай.
Қаро тунда қулоқ бўйнини билмай.

Урарди бир-бирини наъра тортиб,
Қиличлар ўти кўзларни яшортиб.

33б Қўрар Баҳромки зангги мард бобо,
Бу ургонларни дарк этмастур асло.

Ғазабдин пайкарини тутти ғайрат,
Тўниға сигмади аз рўйи ғайрат.

Қиличини кўториб қаҳри бирлан,
Ёқиб жисми шижоат заҳри бирлан.

Зангини тосу тўбосин ола чопти,
Бўлуб оти билан тиг ерни қобти.

Ушал ҳолатда ул шаҳзода Баҳром,
Қилиб Беҳзод баҳодирни саранжом.

Тегишти бир худо деб лашкариға,
Бирини қўшмади эмди бириға.

Бўлак-бўлак қилиб ҳар ёна шаҳзод,
Берурди зангилар умрини барбод.

Дамиға тортар эрди аждаҳодек,
Туоқсундин дорилғон бир балодек.

Яна ҳар сў қирон айларди Сайфур,
Зангилар бошиға солиб туман шўр.

Қуюлуб тўб-тўбиға мисли шунқор,
Қилурди зангилар қавмини афгор.

Яна ҳар су қирарди беш иниси,
Туторди тўб-тўбиға бир-бириси.

Қирон айлардилар ҳаддин зиёда,
Бўрилар қўлға тушгандек шикора.

Қирар эрди париларни пари ҳам,
Солибен зангилар бошиға мотам.

34а Қилурди лашкари Беҳзод фиғонлар,
Кетарди ҳар тараф дарёи қонлар.

Саросима бўлуб айтурдилар чун:
— Бу офат бизда қайдин етти бул тун.

Чу биздин кетти давлат, ўлди Беҳзод.
Саранжом бу лашкар бўлди барбод.

Муни деб қочмоқин кўзлади ул эл,
Булар бости аларни ҳам чунон сел.

Қирилди анда Беҳзодни чирики,
Қутулмоди жароҳатсиз тирики.

Ўлуклар тепа-тепа бўлди қолди,
Қизил қон бирла ул саҳро бўёлди.

Чунон иқбол давлат топти шаҳзод,
Қирилиб соф бўлди қавми Беҳзод.

Ки андин сўнгра ул Сайфуру Баҳром,
Тамоми лашкарин айлаб саранжом.

Ўлуклар ичидин чиқти яқоға.
Қолиб таҳсин бу умри бе бақоға.

Тушуб Сайфур билан анда ўтуруб,
Битиди ўз тилидин номаи хўб.

Деди:— Кимдин қирон топти бу Беҳзод?
Бу ишни қилди Баҳром отли шаҳзод.

Чаро Беҳзод хаёли эрди ботил,
Гуландома бўлай деб эрди восил.

Анга лозим эмас бердим сазосин,
Адаб сақломади топти жазосин.

346 Басе ул ким ва Гуландом ким эрди,
Гуландом толиби Баҳром ким эрди.

Кечиб юрту ото бирлан онодин,
Асоси шон-шавкат олий жодин.

Гуландом ишқидин ичкон шароби,
Бўлуб зору, гирифтору хароби.

Қишиким келса Беҳзодни сўроғлаб,
Йиғиб лашкар ўзин мунда яроғлаб.

Тилоса мандин ул Беҳзод хунини,
Солойин бошиға онинг кунини.

Дебон нома битилди ушбу мазмун,
Ки бир найза учида боғлади чун.

Деди Шаммосга:— Бу найзани элтиб,
Қўюб дарвозаға кел, токи қайтиб.

Туруб Шаммос олиб борди ўшал дам,
Қўюб дарвозанинг олдиға маҳкам,

Ўзи келди яна шоҳ олдиға боз,
Басе андин сўнг ул шоҳ сарафроз.

Оту тўни билан жумла яроғин,
Тамомин тобшуруб Сайфурға ул ҳин.

Деди:— Элтиб ўзунгга мун мазбут,
Яна ҳар вақт талаб қилсам кетур зуд.

Билохир берди шаҳ Сайфурға рухсат,
Жўнаб Сайфур равон кетти у фурсат.

Ки танҳо қолди ул манзилда шаҳзод,
Гуландомнинг висолини қилиб ёд.

35а Топиб бир кипонг кийди танига,
Тўшаб ул ярмини ётти тагига.

Юрогига уруб ишқ оташин печ,
Бўлуб йилдин узун анга ўшал кеч.

Дамодам оҳ оташнок у тортиб,
Асалдин бодаи тарёк тортиб.

Тилаб ҳақдин висоли ул гўзални
Хаёли-ла ўқурди бу ғазални:

Ераб, ул жонимни олғон жонажон ўлғай насиб,
Бўстон умрима сарви равон ўлғай насиб,

Етар ишқидин йиғладим ним бисмил сайдидек,
Қотили бе марҳабо абру камон ўлғай насиб.

Нолишим булбулдан афзун ул гулимни ишқидин,
Орази гулбарг ўлон ғунча даҳон ўлғай насиб,

Риштаи жоним узулди чини зулфин ёдина,
Зулфи чин гарди суроқи мўрмиён ўлғай насиб.

Қолмади тоқат чиқарда танда жоним, Сайқалий,
Оҳ! Билмам ул пари қайси замон ўлғай насиб.

Бу нолишлар билан шаҳзода Баҳром,
Ушал тун ётти анда топмай ором.

Кел, эй ровий, ўзунгни хор тутғил,
Ҳаво бирлан табаррони унутғил.

356 Ҳамиша хок рўйи пеша айла,
Фалакни гардишин андеша айла.

Гадо қилмас фалак шаҳзодаларни,
Хусусан, ишқ ўти озодаларни.

Начукким оташи ишқ айлади нўш,
Анингдек шоҳким ўлди намадпўш

Ажаб ҳангомалар айлаб ўшал тун,
Билинтирмай ўзини дурри макнун.

Олиб бир гўшаини ётти танҳо,
Тонг отти бўлди ойдин чўл-саҳро.

Билинг эрта билан ул мардуми Чин,
Қароштилар чиқиб дарвозалардин.

Кўрарларким, тамоми қавми Бехзод.
Тегиб офат бўлубтур барча барбод.

Бўлуб дарё оқиб майдон аро қон,
Улуклардин бўлубтур неча хирмон,

Кўриб қолиб бу сирға барча таҳсин,
Борибон айдилар Фағфурға ул ҳин.

Чиқиб дарвозани ортиға у шоҳ,
Кўзи ул найзаға тушти баногоҳ.

Эшитиб турди, отланди Фағфур.
Тамоми лашкари бирлан бадастур.

Кўрар ул найзанинг бошинда бир бош
Улуғлуғи мисоли хумга ўхшош.

36а Яна бир хат турур анда битилгон,
Ўқуб кўруб халойиқ қолди ҳайрон.

Басе фағфур ўшал дам бўлди дар фикр,
Қилурди ҳар ким ўз олдида зикр.

Дер эрдилар:— Бу ишга турфа таҳсин,
Қириб бир кечада Беҳзод чирикин,

Барисин ер бирлан яксон этибдур,
Киши билмас, ўзи қай сў кетибдур.

Начук Баҳром экан бу ишни қилгон,
Отин маълум этиб ўзи йўқолгон.

Урорди ҳар киши ўз олдиға гап.
Тобистонда қизиқ бозорға ўхшаб.

Бор эрди шоҳнингким бир вазири
Расоликда эдиким бе назири.

Деди ул шаҳраким:— Шоҳ Фағфур,
Гуландом хўблиғи оламға машҳур.

Кетибдур таърифи маҳдин бамоҳи,
Анга ошиқ эрур кўп подшоҳи.

Ироқ эрмаски Баҳром фалак ҳам,
Олиб тушса букун хайли малак ҳам.

Гуландома у ҳам олдурса кўнгул,
Ки Беҳзод беадабликкин кўруб ул.

Урушуб бу кеча берса жазосин,
Адаб сақломади, топти сазосин.

Ки андин ўзга эрни иши бўлмас.
Бу ишларким онинг шониндадур бас.

36б Бу сўзга барча айди ори-ори,
Чаро бу иш эмас ҳар эрни кори.

Ки алқисса буюрди анда Фағфур,
— Хазинаға қилинг бу хатни мастур.

Яна майдондаги кўп мурдаларни.
Кўмунглар жарлара солиб аларни.

Яна ул молу амлокни кетурунг,
Ки андин сўнг кўнгул тинсун ўтурунг.

Тутуб шоҳ амрини фаррошлар бас,
Дегонидек қилибон келдилар бас.

Ўлукларни кўмиб чаҳга солибон,
Басе ул молу амлокни олибон.

Бори шаҳ олдиға келди равона,
Суюнуб қўйдилар кўп шодиёна.

Не карнай, сурнай тортурубон,
Етиб шаҳриға кирди шод-хандон.

Қилиб қисмат черикка мол берди,
Бўлуб хушнуд маншатда ўтурди.

Эшитинг эмди сиз шаҳзодадин сўз,
Ўшал тун анда ётти ул дилафрўз.

Тонг отқон сўнг туруб ётқон еридин,
Жўнади сўйи шаҳр ул манзилидин.

Олиб бир кийгизи қилди кулоҳи,
Ки бўлди дуд оҳи тож шоҳи.

Қилиб тағйири сурат шоҳ Баҳром,
Гуландом деб, Гуландом деб, Гуландом.

37а Борур эрди қаландарвор шаҳзод,
Қилибон бу газални анда бунёд:

Нигоро, шаҳринга бул кун гадодин кам бўло
келдим,
Кечибон тож-тахтимдин, бу кун адҳам бўло
келдим.

Тўлон ойдек юзингни кўргали айлаб таманноси,
Ҳилоли мағрибидек таъзиминга ҳам бўло келдим.

Хумори бодаи лаъли лабинг бирлан кезиб чўллар,
Асалдин тавба айлаб шурби жом гам бўло
келдим.

На бўлғай партави ҳуснинг била тортсанг
қарибинга,
Тулистони висолинг ўтиға шабнам бўло келдим.

Қилойди аҳелингни солиб бўйнуьмга, эй дилбар,
Кўйингни итлариға. Сайқалий, ҳамдам бўло
келдим.

Бу сўзларни ўқуб мастона шаҳзод,
Бўлуб чун сурати девона шаҳзод.

Бориб кирди ўшал тун шаҳр ароға,
Кезиб юрди саролардин сароға.

Кўрубон кўрмаганларни ким ул шоҳ,
Гуландом қасриға етти баногоҳ.

Кўрарким, бир ажойиб қасри дилкаш,
Ёқилур жониға боққанда оташ.

Гумон этти баче шаҳзода Баҳром,
Ки бул кўшк ичрадур моҳ Гуландом.

376 Умид айлаб ўтурди анда боқиб,
Кўзи ёши юзига сувдек оқиб.

Дер эрди зор йиғлаб қон бағир шоҳ:
Қачон бўлғай тулуь этгайсан, эй моҳ.

Ки токи дару деворинг кўройин,
Харамдин чиқки, дийдоринг кўройин.

Добон шаҳзодаи ошуфта аҳвол,
Дер эрди бу ғазални арзи дарҳол:

— Эй нигоро, бул кўрунган ошёнинг бўлмағай,
Салтанатлик ўрдачаким равонинг бўлмағай.

Саҳн жаннаттур кўрунган кўзларимга, эй санам,
Орзу бирла тузатгон гулситонинг бўлмағай.

Васли сан гулни тилаб қўнгон бу гулшанлар аро,
Бир манингдек булбули ширин забонинг
бўлмағай.

Хок бус қатли даргоҳингдур ҳар соҳиб жамол,
Бўлса кетсун мандин ўзга посбонинг бўлмағай.

Ёр даргоҳида қўй бошингни турма, Сайқалий,
Ким таманнойи биҳишти жовидонинг бўлмағай.

Бу сўзларни ўқуб шоҳ аламноқ,
Боқиб ул кўкка етти паҳлу бар хок.

Эшитинг эмди Гуландом саридин,
Ки ул Фағфур Чиннинг духтаридин.

38а Анинг расми бул эрди билгил, эй ёр,
Ки ҳар йил кўргузарди элга дидор.

Билохир ул шаҳарда ийд бўлди.
Ки ул майдон ичи одамға тўлди.

Ётурди зор йиғлаб анда Баҳром,
Қачон чиққай дебон моҳ Гуландом.

Чиқиб ногоҳ ҳарамдин кўп канизлар,
Юзи ойдек мунаввар яхши қизлар.

Келибон турдилар манзар юзига,
Кўрунуб ул халойиқ кўзига.

Алардин сўнграким бир нозанини,
Гуландом духтари Фағфури Чини.

Даричадин боқиб кўргузди дидор,
Ҳама ақлу ҳушидин бўлди беко(р).

Кўруб Баҳром Гуландомнинг жамолин,
Гумон этти узулгай жони тандин.

Чу сурат қолди ул суратга боқиб,
Бўлуб ҳайрон кўзидин ёшин оқиб.

Ҳама боқиб анга ҳайрону вола,
Жамолин нақш этолмасдур хаёла.

Гуландом ҳам ўшал уйдин чиқибон,
Қадам бир-бир босиб сарву хиромон.

Бориб кирди ўшал қизлар аро чун,
Жамолидин тутулуб шамси гардун.

Ҳама ҳайрон ўлуб қолди у моҳа,
Таажжуб қолди улчашми сиёҳа.

386 Қўруб Баҳром ўшал шакли шамоил,
Кечиб жону жаҳондин бўлди монл.

Чунон бўлдики анда маст бетоб,
Билиб бўлмас тирик ё мурда, ё хоб.

Ўзидин кетти ва ётти дароз ул,
Ўтиб бир неча муддат турди боз ул.

Қўрар ул манзара йўқтур Гуландом,
Кетибдур тарқашиб ул мардуми ом.

Бўлиб ғамкин бу сирдин анда ул шоҳ,
Ниҳодидин чиқарди оташин оҳ.

Дебон, ё раб, ажаб иш тушти манга,
Начук булбул турар гулсиз чаманга.

Ажойиб дард билан қолдим давосиз,
Қариндошсиз, уругсиз, ақрабосиз.

Бошимга тушти савдойи Гуландом,
Хаёлимни, илоҳо, этмагил хам.

Муяссар қил Гуландомнинг жамолин,
Манга арзон эт ул қиммат висолин.

Дебон шаҳзодан вайрона кўнгул,
Ўқурди бу ғазални мисли булбул:

39а Маҳв бўлдим, эй пари пайкар, жамолингни кўруб,
Бул ажаб бир ой қошинда қўш ҳилолингни кўруб.

Мардуми кўзлар тикилди лола узра доғдек,
Ким зилолинг устида бир дона холингни кўруб.

Мажнуни шайдойидек дунёга майлим қолмади,
Дилкашол ўлди санинг зулфи кашолингни кўруб.

Чун алиф қаддим эгилди долдек таъзимингга,
Рашк туби қомати нозук ниҳолингни кўруб.

Ҳазрат Хизр ичмас эрди оби ҳайвондин дами,
Завқ қилса бу сани лаъли зилолингни кўруб.

Шамс гардун не сабабдин юз ўгурди ул тараф,
Аксини ойинаваш рухсори олингни кўруб.

Қолмас эрди бул жаҳонда ормоним, Сайқалий,
Чинқса жон парвонаваш шамъи жамолингни
кўруб.

Бу сўзларни ўқуб ул шоҳзода,
Ўтурдики ул майдон арода.

Ўтуб кундуз, қоронғу бўлди олам,
Ки бир фикр айлади шаҳзода ул дам.

Деди:— Бир кўрсам ул зебо санамни,
Ки таскин айлагайдим бу аламни.

Бу сўзни деб еридин турди Баҳром,
Келиб бир таҳт айвони Гуландом.

396 Каманд ташлаб ёпушуб чиқти анда,
Турубон ҳар сари қилди тамоша.

Кўрунди кўзига бир қасри олий.
Димоғига келур бўйи висоли.

Чу фаҳм этти Гуландом анда борин,
Ул уйга борди кўрсам деб дидорин.

Боқарға топмади бир жой ҳоли,
Кўрунгай то Гуландомнинг жамоли.

Туруб фикр айлади ул ерда неча,
Деди:— Бор эрди ул уйга дарича.

Басе андин Гуландом боқиб эрди,
Жаҳонни жонига ўт ёқиб эрди.

Бориб тусмол била ул уйни кўрди,
Ки анда шишани шарбатни кўрди.

Кўтарди шишани рўвзандин ул дам,
Кўзини тикди жойи шиша маҳкам.

Ўқурди анда ул байтни ўзидин,
Оқиб хунобаси икки кўзидин:

— Жамолинг кўргали, эй шамъи равшан,
Қўюб жом ўрнига дидам барўвзан.

Қаройин, эй нигоро, талъатингга.
Қачон бўлғайки, кирсам суҳбатингга.

Добон боқти ул уй ичра секинлаб,
Кўрарким ул нигор сим ғаб-ғаб.

Ўтурур тахт уза ҳусни уруб барқ,
Магар хуршид ўлуб аз хонайи Шарқ.

40а Зиёйи ҳуснидин ул уй мунаввар,
Эмас хожат чироғ шамъи анвар.

Урор уммон ҳусни анда маввож,
Қаро кўзу, қаро қошу қаро соч.

Солиб гул юзина зулфи анбар,
Ярошур дона-дона кўҳ-кўҳ тар.

Эрур холл лаби ташна зилоли,
Тўлон ойдек бошинда қўш ҳилоли.

Қилур юз ноз ила бир-бир такаллум,
Мисоли ғунчадек айлаб табассум.

Ки сўзлар чун асл лаб ёқути тар,
Сочилур реза-реза шаҳди шаккар.

Сухан айлаб маҳин овоз бирлан,
Баҳар сў тўлғаниб юз ноз бирлан.

Неча хўблук анинг шониндадур, бас
Баён этган билан ҳеч рост келмас.

Сифат қилсам агар мундин зиёда,
Кетиб ўздин йиқилур шоҳзода.

Бу ҳайъатда кўруб ул ой юзин шоҳ,
Хаёл эттики, торткай анда бир оҳ.

Вале ёр шавқидин тўхтотти ўзни,
Тамошодид айирмай икки кўзни.

Ўтирур эрди ишрат бирла қизлар,
Қи хизматда турар эрди канизлар.

Турурди кўз билан еб ул гўзални,
Ўқурди шавқи бирлан бу ғазални:

406 Эй гўзал, юз фасл гул бир гулузоринг садқаси,
Юз чаманнинг наргиси чашми хуморинг садқаси.

Ўргулай бошингдин, эй моҳ, ҳола бағрим
борадур,
Юз кўнгил бир новаки жавшан гузоринг
садқаси.

Ҳар қаён боққанда юз минг жон фидо қилсам
бўлур,
Бул бошимни қони тиги обдоринг садқаси.

Ературса чунки тунни офтоби оразинг,
Рағларим бир тора зулфи беқароринг садқаси.

Кўйинго, эй дилрабо, кўптур санинг ошиқларинг,
Барчаси бир Сайқалий куйган ҳисоринг садқаси.

Бу сўзларни дебон айлаб тамошо,
Аввали шабдинки турди то саҳрго.

Баногоҳ субҳдам ангез қилди,
Шаҳаншоҳга ҳижолат рез қилди.

Чаро шаб пардаи мардон эдиким,
Қи анда ҳар на айб пинҳон эдиким.

Анинг учун бўлуб ночор Баҳром,
У ердин жўноди қолди Гуландом.

Яна тушти ўшал чиққон еридин,
Ушанча завқ этиб ул дилбаридин.

Келиб ўлтурди ул жойға шаҳзод,
Қилибон нола, афғону фарёд.

41a Сиришки хун ила юзин қизортиб,
Ўқурди бу ғазални оқ тортиб:

Эй, жамолинг офтоби олам аро дилбарим,
Мадди бисмиллоҳ киби қошлар хуш имло
дилбарим.

Не саодат тун эди ойдек жамолинг кўрганим.
Бе халал бир гўшадин айлаб тамошо дилбарим,

Кўз кўруб кўнглум тузук бўлғунча йўқ эрди ҳануз
Рашк ила субҳ муҳолиф бўлди пайдо дилбарим.

Сан қолин қизлар билан ишратда зебо тахт уза,
Ман ёторман ҳасратингдин мунда танҳо дилбарим.

Бўлмағаймен инқироз олам фонийға чаҳ,
Сайқалий афтодадек кўйингда шайдо дилбарим.

Мунундек неча кун айлаб фиғонлар,
Қилиб авқотини ул хок бар сар.

Жаҳоннинг лаззатин айлаб фаромуш,
Бўлиб мажнун сифат ул хона бардуш.

У ерда ётти жанон шавқидан маст,
Урубон сийнасига санги бардаст.

Эшитинг ул Гуландоми дилафрўз,
Анга қоида эрди, келса наврўз.

Қанизи бир табақни кўтарибон,
Кезарди баъзи ерларга юрубон.

41b Солурди ҳар киши бир нарса анго,
Келурдилар олиб ул сим танго.

Зимистон ўтти эрса келди наврўз.
Анга қондасин қилди дилафрўз.

Бор эрди бир канизи, оти—Давлат,
Табақни кўтариб юрди у фурсат.

Дараклик ерлара Давлат ўшал ҳол,
Ки ул пайваста абру орази ол.

Етиб Баҳром ўтиргон ерга келди,
Табақнинг шоҳнинг олдида қўйди.

Деди шаҳзола:—Бу қандоқ табақдур?
Муни сан манга маълум айла, эй ҳур?

Деди Давлат:—Гуландом расмидур бул,
Кушойишлик учун ҳар йилда бир йўл.

Юрурмиз бу табақни шаҳарга олиб,
Акобирлар мунго бир нима солиб.

Ки элтармиз Гуландом олдиға чун,
Ки сан ҳам бир нимарса берғил акнун.

Бу сўзни эшитиб ул шоҳ хомуш,
Ичида қулзуми ҳиммат уруб жўш.

Деди:—Дасти фалакдин дод! Юз дод!
Бисоти номусимни берди барбод.

Қани сармойи анжоми давлат,
На суд айлар бу дам бекор ҳиммат.

Мунундек этконингда муждаи ёр,
Қани харвору харвор дурри шаҳвор.

42a Бу маруни қошиға чош қилсам,
Манам ошиқлиғимни фош қилсам.

Эй пари, ҳолим будур сўзларда дармон менда йўқ,
Тож-тахту салтанат, шавкатли айвон менда йўқ.

Бир фалак урган аламкаш умидим сан учун,
Дилраболар базмида соқийи даврон менда йўқ.

Бахту иқболиминн торож айлади қовми фалак,
Сандуқу, лаълу жавоҳир, дурри маржон менда
йўқ.

Тул қасир ҳиммат қавий осмон балаид, ер сиҳат-
Лойиқу ҳиммат тонарға ганжу имкон менда йўқ.

Сайқалий, ҳолим ул ойнинг қўлиға тушса бир,
Бош қўюм ўлсам агар олдида армон менда йўқ.

Дебон бул сўзни ул моҳи яғона,
Юборур бўлди ёриға нишона.

Бор эрди илгида ангиштарини,
Хирожи Чин эди ошинг нигини.

Қи ул қиммат баҳони олди қўлдин,
Ибо бирлан табаққа солди ул ҳин.

Деди:—Олғил бориб мандин нишона,
Қўлум теккай қўлиға бо баҳона.

Кўториб ул табақни анда Давлат,
Гуландом олдиға элтиб у ҳолат.

426 Табақни олдиға олиб у ҳангом,
Кўзи ул хотама тушти Гуландом.

Савол этти ани Давлатдин ул ҳур,
Деди:—Олғил, бу хотам кимникидур.

Деди Давлат:—Бу сўзни айла даргўш,
Ки ул майдондаги ётғон намадпўш,

Етиб захмат билан жони рамақға,
Бу хотамни ўшал солди табаққа.

Бу сўзга қилди Гуландом табассум,
Деди:—Ошиқ экандур бўлди маълум.

Олибон солди хотамнинг қўлиға,
Вале дам урмади ўнгу сўлиға.

Туруб тахт устидин ул дам Гуландом,
Даричалин боқарди сўйи Баҳром.

Кўрарким ўлтирур ёри намадпўш,
Кўзи манзарда ўзидин фаромуш.

Икиси дида бо дида бўлубон,
Магар тикди қуёш бо моҳ тобон.

У дам бир оҳ тортиб шоҳзода,
Бўлубон оташи шавқи зиёда.

Деди:—Эй маҳ, кўзимдин бормагил дур,
Мани бечорани сан айла манзур.

Қаю ғамлар чекарман фурқатингдин,
На бўлғай баҳра олсам суҳбатингдин.

Дибон Баҳром боқиб ул дилрабоға,
Солибон булбули тилин навоға¹.

43а Эй пари, кимдур санго ҳайрон ўлан ман зордек,
Боғ ҳуснунг тенграсида ўргулан девордек.

Тийр мужгонинг кавокибни худин этмиш ҳадаф,
Пайкарим ўлмиш мушйик гунбази даввордек.

Жон чиқар тандин бошим! чун чекмагил новак
билан.

Билса, эй гул, бул аламни соири озордек.

Уди анбардин фузун ис тутти олам тоқни,
Хуққан ҳуснунгни бир очмоқ ила аттордек.

Оташи ишқингни то сийнамға меҳмон айладим,
Риштаи жон ўргулур тан ичра улкон мордек.

Кўрмасам хуршеди рўхсорингни гирён ўлмишам,
Кўз ёшим фасли ҳамал борон истимрордек.

Сайқалий бечорани чин арзи булдур, эй пари,
Кетмогил ташлаб яна бекас қолон бемордек.

¹ 426 бетдан 43а бетга ўтишда «الله» сўзи 43 а бетда топилмади.
Котиб адашган, ёхуд туширилган. Лекин мазмунга зарар етмаган.

Добон изҳор арзи ҳол қилди,
Кўзи жанонаға ўздин йиқилди.

Кўруб онда Гуландом рўйи Баҳром,
Зиёда бўлди савдойи Гуландом.

Бўлуб шаҳзолани ҳуснига банда,
Ўзин бир соати кўргузди анда,

У ерда кўн турарни кўрмади эб,
Баногоҳ бир маломат бўлмағай деб.

436 Яна борди чиқти тахтига боз.
Сузулиб кўзлари ул моҳ танноз.

Боқиб қизларга қилди чиниабрў,
Кўруб тарзини қизлар кетти ҳар сў.

Қолиб ул уйда танҳо моҳ анвар,
Куйиб ишқ ўтиға жисми чу мужмар.

Қўюб ойдек юзига рўймолин,
Тўкарди кўзларидин ашк олин,

Бўлубон сўз пинҳони зиёда,
Тушуб кўнглида шавқи шоҳзода.

Дер эрди:—Бу начук сир бўлди, эй вой.
Юракка бўлди тири оташи жой.

Ани ҳар дам муяссар бўлса кўрсам,
Юзин ҳар лаҳза юз кўрсам эрур кам.

Начук офат экан жонимни олғон,
Бошимға юз туман савдони солғон.

Добон шаҳзодани ҳар дам қилиб ёд,
Дер эрди бу ғазални ул паризод:

436 Эй ниҳоли, қоматинг сарви хиромоним менинг,
Бир кўруб шамъи жамолинг ўртади жоним менинг

Оҳ! Оташнокинг ўти жуббайи жисмим тешиб,
Иўқ эли андин бурун ҳеч оҳ армоним менинг,

Эй азизим, бир кўруб ҳайронинг ўлдим ман
саннинг,
Сан қачон кўрдунгки бўлдунг мунча ҳайроним
менинг.

44а Қошки килки азал тақдира ёзса бу рақам,
Ман канизинг бўлсаму, сан анда султоним менинг.

Кўзларим чиқсунки, сандин ўзга султон изласам,
Кўр бўлай, бўлгонда ялгон аҳду паймоним менинг.

Гарчи отим сандин ўзга шаҳсувори истаса,
Онда маълум бўлғусидир чину ялғоним менинг.

Сайқалий, мундоқ демиш ул нозанинлар сарвари,
Хайр мақдам борму ҳеч ён яхши меҳмоним
менинг.

Бу сўзларни дебон ул моҳ талъат,
Чақириб олди Давлатни у ҳолат.

Деди:—Сан ҳеч билурмусан бу сирни,
Ки ул майдон аро ётқон фақирни?

Неча муддат эрур бу ердадур ул,
Ўзи шаҳзода сурат кийғони жул.

Ба сурат чун гадо, ҳиммат чу ҳотам,
Гадоға топса бўлмас бўйла ҳотам.

Бу хотамни ўшал солмиш табақға,
Боқиб доим турур ул бул равоқға.

Билиб бўлмас ани не матлаби бор.
Агар билсанг манга сен айла изҳор.

Деди Давлат:—Бил. эй бонуйи хуш,
Ки ул майдондаги ётган намадпўш,

Санинг бошинг, ани мен ҳеч билмом.
Агар билганда ҳаргиз махфий қилмом.

44б Вале шунча билурман ул дилафкор,
Бўлубдур дард ишқ бирлан гирифтор.

Давом кўрсам ётур бу ерда ул хор,
Ки билмом тан дурустму ёки бемор.

Гуландом айди:—Андоқ бўлса, Давлат,
Бориб андин савол айла бу фурсат.

Сўроғил онча аҳволини андин,
Дегил парвоз қилдинг қай чамандин.

Яна айғил, начуксен, не ҳолинг бор,
Ки шояд айлағай ул санга изҳор.

Добон қилди Гуландом нома пардоз,
Бу сўзни сўйи Баҳром айтти оғоз.

Аё, эй хаста дил, не ҳожатинг бор,
Равон айлай санга ман айла изҳор.

На боисдин чекарсан мунча кўп ранж,
Агар дунё талабсан, берайин ганж.

Агар душмандин этсанг дол-фарёд,
Қилойин ман сани ул ғамдин озод.

Агар девоиа сан бир гўшала бор,
Бу ерда беҳуда ётмак на даркор?

Добон бу сўзни онда ул гўзалким,
Битиди нома ичра бу ғазалким:

45а Эй ёр, алам кўрган қайдин келасан, айғил,
Кўп жабру ситам кўрган қайдин келасан, айғил.

Шаҳзодамусан мискин, озодамусан ёқин,
Диндормусан, бедин қайдин келасан, айғил.

Девонамусан оқил, хушёрмусан ғофил,
Донишламусан жоҳил, қайдин келасан, айғил.

Зоҳидламусан шайдо, бу ҳола бўлан расво,
Афтодамусан танҳо, қайдин келасан, айғил.

Эй ёр, фалак урғон, ич бағрини қондурғон,
Ё бир шаҳи озурғон, қайдин келасан, айғил.

Ким қилди сани торож берунинг кима боринг бож,
Бу ерда бўлиб ихрож қайдин келасан, айғил.

Юртунг қаю манзилдур, сан мунда биза билдур,
Бу ҳола неча йилдур, қайдин келасан, айғил.

Билмам сани отингни, билдир манго зотингни,
Қўй эмди уётингни қайдин келасан, айғил.

Ким ринду қаландарсан, ё марди диловарсан,
Қилдур манга боварсан, қайдин келасан, айғил.

Эй марди гирибон чок, бебок ўлон ғамнок,
Сан сўзла манга тезроқ қайдин келасан, айғил.

Мастонамусан махмур шаҳзодамусан ё ҳур,
Эй, Сайқалий маҳжур, қайдин келасан, айғил.

Бу мазмунда битиб нома Гуландом,
Ки, Давлатдин юборди сўйи Баҳром.

456 Чу Давлат борди шаҳнинг олдиға тез,
Салом айлаб боқиб шаҳга деди тез:

— Аё, кулфат расиду зор дарвеш,
Ва ё савдо зада дардманд дилреш,

Қаю ердин келиб бўлдунг мусофир,
Кеча-кундуз турурсан мунда ҳозир.

На ҳолинг бор, на дерсан, на тиларсан,
Бу майлон ичра ёлғуз на қилурсан?

Деди. Дам урмоди Давлатга Баҳром,
Фуру элтиб айди ишқи Гуландом.

Ки Давлат кўрди шаҳни ҳолини чун,
Гуландом номасин берди акнун.

Олиб Баҳром очибон кўрди чун гул,
Ўқурди завқи бирлан мисли булбул.

Хаёлидин муҳаббат зида қилди,
Урубон наъра оби дида қилди.

Дедиким:—Эй расули жон ширин,
Сўро келдингму бу ахволи мискин.

Эшит сўз айлайин неча сухан ман,
Фарибу бекасу дур аз ватан ман.

Ажаб ҳайрону саргардон эрурман,
Ба ёди рўйи ул жонон турурман.

Сан эмди меҳрибонлик айлаб, эй ҳур,
Саломимни ул дилбарга еткур!

Добон олди қўлиға хома шаҳзод,
Чу оғоз этти ул дам нома бунёд.

46а Аё, эй офтоби буржи шоҳи,
Юзунг мажмуаъи лутфи илоҳи.

Бўлубман ҳайрати рухсори моҳинг,
Кўнгил ошуфтаи зулфи сиёҳинг.

Ки ҳажрингдин эрур сийнамға юз дард,
Зилолингдин лабим хушкуру хум зард.

Қарорим йўқ, чу зулфи тоблоринг,
Хумориман, чу чашми пур хуморинг.

Ғамингдин кечалар бедор ўлурман,
Ҳамиша толиби дидор эрурман.

Ғамингдин кечалардин то саҳаргоҳ,
Жунун ҳамдам, сурурим нолайи оҳ.

Туну кун йўқтүр орому қарорим,
Қўлимда йўқ инону ихтиёрим,

Аё, Зухра жабини, моҳ талъат,
Ва ё, эй гулбини боғи латофат.

Манинг ҳолим санинг ишқингда ҳам чуч,
Ки ўшар мисли гул-булбулга акнун.

Қи ҳар йил интизори гул бўлур ул,
Очилса гул кўрар ҳар йилда бир йўл.

Ҳазон фаслиндаким ғойиб бўлур гул,
Яна ҳайрон қолур бечора булбул.

Назокат гулшанимда бир гулимсан,
Нағу айманг менинг сан булбулимсан.

466 Этибман масканат хоки дарингга,
Тикибман дида пойи манзарингга.

Ки иззу, нозу, жоҳу комрони,
Санга бўлсун, нигоро, жовидони.

Дебон ул номани ул хаста шаҳзод,
Ки қилди бу ғазални анда бунёд:

Давлато, айт мандин ул сарви равонимға салом,
Гулбини боғи таманно жонажонимға салом.

Ул муҳаббат кўзларини мардуми чобук назар,
Новаки жавшан гузорим, абру камонимға салом.

Истамам жаннат қусурин, истагоним бўлмаса,
Хок даргоҳи биҳишти жовидонимға салом.

Шаҳди шаккардин лазиздур сўзлари жонкомима,
Тишлари дурри яман, абру камонимға салом,

Жилвагардур партави ҳуснунг пари товус каби,
Хирмани чашн узра турғон леҳқонимға салом.

Давлато, тек билгай рамуз сўзларим,
Сайқалий афтодадин хуш имтиҳонимға салом.

Битилди шаҳ бу сўзларни тамом деб,
Гуландома дуойи вассалом деб.

Хўроб¹ ул номани берди ба Давлат,
Гуландома бориб Давлат у ҳолат,

47а Қўлиға берди шаҳнинг номасин чун.
Олибон номани ул дурри макнун.

Ўқуб кўрди очиб ул чашми бодом,
Яна нома битиди сўйи Баҳром.

¹ Хўроб — ўраб.

Аё, эй беҳабар, шарм айламай чун,
Урорсен лоф ошиқлиқни акнун.

Начук йўл топтингу, келдинг сарома,
Начук айтиб юбординг нома манга.

Ғазаб шамширидин шарм айламайсан,
Балоға учрағонинг билмоғайсан.

Бу савдоға агар ғам бирла ўлсанг.
Эмас мумкинки мандин ком кўрсанг.

Чу булбул айласанг юз нолайи зор,
Тегар гулзор ичинда санга кўп хор.

Хаёлингдин кўторгилким бу савдо.
Ва гар на борму қасдинг ўлмоғингто.

Жўна мундин, аё қаллош шайдо,
Ки қилғил ўзга ердин ишқ пайдо.

Гирифтор ўлма бу савдойи хома,
Ки то шарманда борма хосуома.

Кечон жондин ажаб жононадурсан,
Ки сан монанди ул парвонадурсан.

Бўлуб бир шамъиға ошиқ ўшал зор,
Ўзин ўтға уруб куйдурди якбор.

476 Санингдек юз гадо ўлса ғамимдин,
На ғамдур манго, эй афтода мискин.

Буларни деб яна ул моҳ анвар,
Битикда бу ғазални айлади сар:

Эй, ўларман маст мадҳуш, бу жаҳолатдур санго,
Бу начук оҳу фироқ ила надоматдур санго.

Ким сани бу ҳола кўргон сарзаниш айлаб ўтар,
Беҳуда бу ерда ётмоқ не калолатдур санго.

Қайси ерни подабони эрдинг, эй жулида ҳол,
Бу на ҳолат, бу на сурат, бу на иллатдур санго.

Тангридин қўрқмай, уёлмай халқ оламдин яна,
Лоф ошиқлик урарсан, хуш назокатдур санго.

Айди ул дилбар:—Жўна мундин бақоға маскан
этиб,
Сайқалий, йўқ эрса лозим кўп ҳақоратдур санго.

Дебон тахлаб Гуландом номасини.
Юборди шаҳга ул пайғомасини.

Олиб номани шаҳга борди Давлат,
Кўруб Давлатни шаҳзод бўлди хуш вақт.

Деди:—Эй Давлато, келдингму манго?
Азиз жоним фидо бўлсун йўлунгго.

48а Анга мандин начук сўзлар етурдинг,
Манго андин начук мужда кетурдинг?

Кўрубон шоҳнинг ҳолини Давлат,
Гуландом номасини берди у ҳолат.

Олиб ул номани дилхаста Баҳром,
Қўйиб юзига, кўзига банкром.

Мутолиа қилиб кўрди баякбор,
Тамоми но ошнолиғ анда изҳор.

У дам боди ситам этти ва зиди,
Жавоби номага нома битиди.

Аё, эй дилбари, зебо фитода,
Қилурсан ҳар замон дардим зиёда.

Бериб ишқингда барҳам зиндугоним,
Қилибман хок даргоҳинг маконим.

Эрурман фирқатингда шамъи ёниғ,
Ҳазар қилмам бошимға келса юз тиг.

Алифдек қоматим ҳажрингда нундур,
Чу нукта дард пинҳоним дарундур.

Ҳамиша мақсадим буюндур, эй гул,
Қароргоҳим сани куйунгдур, эй гул.

Агарчанди санго кўплар грифтор,
Вале йўқдур манингдек бир вафодор.

Ки ман бемори чашми май парастинг,
Вале мандин хабарсиз чашми мастинг.

486 Ёғибман ҳам чу анқо бе пару бол,
Киши билмас ўтар мандин на аҳвол.

Фигон тортсам жигардин ман аламнок,
Жонидин сер бўлмиш аҳл афлок.

Вафодоринг дурам, эй шамъи саркаш,
Бу куйган жонима кўп ёқма оташ.

Аё, сарви равони зиндугони,
Каломи қуввати руҳи равони.

Манинг ҳолим санинг ишқингда, эй ёр,
Ки ул савдозада дарвишға ўхшор.

Ки бир шаҳзодаға ошиқ бўлуб ул,
Кийиб ул ҳам манингдек эғниго жул.

Ўтурурди бориб кўйида онинг,
Басе ошиқ бўлиб рўйига онинг.

Агарчи кўп жафову жабр кўрди,
Нигорин шавқидин анда ўтурди.

Дер эрди бир нечалар:—Тур, нари бор,
Ки ҳеч ён бормас эрди ул дилафкор.

Ки алқисса буюрди шоҳзода,
Ани кўп урдилар ҳаддин зиёда.

Ғазаблар қилдилар чуйлоға осиб,
Дер эрдило:—Санго булдур муносиб.

Дер эрди анда дарвеш:— Ори-ори,
Нетойин бўлса бу тақдири бори.

Ҳазорон қилсангиз қин уқубат,
Ризойи ҳақ шу бўлса манга роҳат.

49а Бошим дор узра кетса мисли Мансур,
Бу ердин бўлмағум ўзга ера дур.

Буларни деб турарди зор дарвеш,
Дарахтга осилиб, бўғзи бўлуб реш.

Ки осиб қўйдилар то ўтти ул кун,
Ки андин сўнг дедилар келгил акнун.

Басе озод этолик кет бу ердин,
Мақом олғил бориб жойи дигардин.

Яна қайтиб бу ерга келма зинҳор,
Агар келсанг ўлурсан, эй дилафкор.

Дер эрди анда дарвеш:—Эй ёронлар,
Манга йўқ мундин ўзга жойи бехтар.

Ки ул шаҳзодайи покиза сурат,
Мунундек кўрди дарвешдин ҳақиқат.

Қелиб раҳми анинг дарवेशа ул дам,
Халос айлаб, ғазабдин қилди хуррам.

Қилиб инъом-эҳсонлар сарафроз,
Висолига етуруб қилди дамсоз.

Ман ҳам кўйингда чандон ўтуройин,
Ки ҳар жавру жафо бўлса кўройин.

Ки охир шод кўргузсонг жамолнинг,
Иноят айласанг манга висолинг.

На бўлғай, эй пари, қилсанг тараҳҳум,
Умидим ғунчаси этса табассум.

Бўлуб шарманда расвойи бозор,
Матоъи ҳуснингга бўлдум грифтор.

49б На дей санго, аё жону жаҳоним,
Санга маълум бу ҳоли нотавоним.

Борица обу оташ ҳок ила бод,
Бақойи умр топғил, эй паризод.

Дебон шаҳзодаи вазъи паришон,
Битиди бу ғазални хатга ал он:

Эй варақ, борсанг мани арзимни султонимға айт,
Остонига уруб бошингни, ул хонимға айт.

Ғунчайи дилдин ёзон бир-бир ғамим ёдингда тут,
Яхши тақриринг била сад барги хандонимға айт.

Дўзах ҳажрина солиб ул муаббад қўймосун,
Жаннати васлина олғай ҳуру ризвонимға айт.

Лола бир доғ узра ётиб домани узлат тутар,
Ман на айлай мунча доғин кўзи чўлпонимға айт.

Гарчи шомии фирқатингдин мунча ёндурди мани,
Тушда келган бош уза хуршед тобонимға айт.

Ошёни тан бузулди мурғи жон тайрон қилур.
Фидяси эрди келиб олсунки, жононимға айт.

Дўндуруб юз Сайқалийдин оҳким, кетти ўшал.
Чатрини буркаб боша, англаб мани қонимға айт.

Бу мазмунда битибон номани шоҳ,
Юборди арзасини жониби моҳ.

50а Ки ул дам борди Давлат пеш ул моҳ
Чиқориб берди анга номан шоҳ.

Уқуб ул номани англаб Гуландом,
Яна нома битиди сўйи Баҳром.

Аё, эй бул ҳавас, санго начук ҳол,
На учун ётмагинг мунда маҳу сол.

Чекарсан табакай бул хорликни,
Қилурсан табакай бул зорликни.

Мани деб қайси бир дардни чекарсан,
Ки токай сан бу ерда ўлтурурсан.

Бўлурсан беҳуда хуни жигарсан,
Рамузи ишқ элидин беҳабарсан.

Санингдек юз агар девона бўлса,
Ғаму ҳажрим билан ҳамхона бўлса.

Бу йўлда гарчи юз минг шоҳзода,
Ки тожу тахтидин бўлса пиёда.

Ҳавас айлаб висолимга етолмас,
Учуб парвонадек гардимга етмас.

Аларни кўргали манга ҳавас йўқ,
Бас, ўз ҳусним манга савдойи кас йўқ.

Аё, эй бекасу, бечора афкор,
Ололмас севгонин зарсиз харидор.

Уёлмай даъвойи васлим қиларсан.
Ҳамадин сўнг келиб бурна тиларсан (?)

506 Демоймусан мунук учун не қилдинг?
Олурман бўлдинг, мунда йиқилдинг.

Агар юз йил бу майдона йиқилсанг,
Ҳазор афсонау ашъор қилсанг.

Висолим бўлмағай ҳаргиз муяссар,
Бўлур дарди ғамим ҳар лаҳза аксар.

Аё, эй камшуда, бекас ғариби,
Диёрин роҳатидин бе насиби.

Эшитгонсанки, Мажнунни балокаш,
Ёқарди «Лайли»,— деб жонига оташ.

Ани излаб давом ул ёри шайдо,
Юрурди «Лайли»,— деб саҳро ба саҳро.

Ул эрди кўчайи ишқ ичра содиқ,
Ғалатдур ғайри Мажнун, ўзга ишқ.

Анинг содиқлигин андак эшитгил,
Юрурди бир куни манзил ба манзил.

Қўч ичра учради Лайли баякбор,
Салом этти кўруб девонайи зор.

Боқиб Лайли деди:—Эй, зор Мажнун,
Худо берсун муродинг ўлтур акнун.

Эшитиб он чунон ўлтурди ул доғ,
Бошига уя қўйди лаклаку зоғ.

Анга ваҳший кийиклар ром бўлди,
Билохир васли жонон кўрмай ўлди.

Ки бўлғил сирри ошиқлардин огоҳ,
Сан эмди беҳуда кўп урмоғил оҳ.

51a Ки ҳол аҳли ишқ зору залилдур,
Таманноси саросар дарди дилдур.

Дема кўрдум бу ғамдин шодмони.
Жавобинг айдим англа, эй фалони.

Дебон ул рашҳайи килки назокат,
Битиди бу ғазални дар китобат:

Эй, таманноси абас ошуфта дил, урғон фалак
Суд кўрмангдур бу савдодин жўна, бўлма ҳалак.

Бефаросат ҳарна дерсан ўзунг ошиқ туруб,
Иўқмудур дунёда ҳақдин тилосанг ўзга тилак.

Сан киму васли шаҳаншоҳлик гадолик ҳолинго,
Баски ул Баҳром имонинг лашкаринг хил малак.

Эй, фалони, кимдур отинг, қайсидур мулкунг
Ким деди сенга узот осмондаги ойга билак,
санинг,

Илкинго бир тушмагай ҳар неча парвоз айласанг,
Ҳеч кўрубсанму шунқорзодани олғай ҳулак.

Бор берунинг хизматин қилгин ки сан надурсан,
Авқотинг ўтсунки юрт ошиб келибсан бир тулак.

Кетмасанг мундин уқубатлар кўрарсан, Сайқалий,
Ким, қалай девонасан расво ўларман бир бўлак.

Муни деб номани буклаб ўшал ҳур,
Бериб Давлатга деди:—Анга еткур!

516 Кетуриб берди Давлат шоҳга нома,
Олиб шаҳзод этиб ихлос томма.

Очиб кўрди ҳама гуфтори дилдор,
Ки ҳар бир сўзининг юз наштари бор.

Букулуб бор ғамдин қади чун дол,
Жавоб нома оғоз этти дарҳол.

Аё, эй гулшани диллар сафоси,
Юзунгдур ахтари гардун жилоси.

Қадинг наврастан боғи муроди,
Тароват бахш шавқ иттиҳоди.

Ало, эй кўзлари мисли кийиксан,
Турон ваҳшат чекиб аз зилли мужгон.

Ёнар ўтдек юзинг, эй хирмани гул,
Чочилиб тенграсинда зулфи сунбул.

Қиличдек қошларинг хунрез қотил,
Қарашма ёнига айлаб ҳамсоил.

Тилингда дарж хуби шаҳди шаққар,
Ақиқ лаъл ичра тишлар сафта гавҳар.

Сафойи ғабгабинг зиндон Юсуф,
Ҳаёдин айрилур домон Юсуф.

Баёзи гардонинг фаворайи нур,
Ки мавжидин намоён жилвайи Тур¹.

Аё, эй гулшани андешан ноз,
Қилур жон булбули васлингга парвоз.

52a Умиди васл этарман ман бузуқ дил,
Қилибдурман сари кўйингда манзил.

Будур ё кўргузур васлинг бу майдон,
Ва ё бошим бўлур майдона чавгон.

¹ Тур — дарё.

Умидим булки, кўрсам рўйн моҳинг,
Ки бўлсам бандайи чашми сиёҳинг.

Эрур каъбам — ҳаримим бул саройинг,
Ҳамиша масжидимдур хок кўйинг.

Агар чандики бўлсам дард сўзго,
Хаёлим йўқ сари кўйингдин ўзго.

Ки сандин айб эмас, эй моҳ рухсор,
Мани қилсанг навозиш ёки озор.

Эшитгансан мунн, эй дурри макнун.
Ки ширин ишқидин Фарҳод бир кун.

Борурди бесутун роҳин сўроғлаб,
Юрогин оташи ишқила доғлаб.

Йўлиқти олдидин Ширини дилжў,
Сўраб ҳолин анга кўргузди ул рў.

Висолин марҳамин тарҳи фироқа,
Даво қилдики ул бо иштиёқа.

Ажаб эрмаски сан ҳам, эй дилафрўз,
Надур ҳолинг десанг, эй зор ялғуз.

Будур мандин санга, эй маҳвашим арз,
Тараҳҳум айлағил ҳолимға бир тарз.

Дебон шаҳзодаи ҳоли паришон,
Ғазал бунёд қилди бо дилу жон:

526 Ҳеч қулни дарди ман каби бисёр бўлмасун,
Ғам тиғи бирла сийнаси афкор бўлмасун.

Ғурбат арода бекасу, бечорау асир,
Топмай давои дардини бемор бўлмасун.

Шоми саҳарда соя киби жой мазма хил,
Кундузда жой ер таҳи девор бўлмасун.

Ҳасрат қади яна кийди ғаминг қисватин яна,
Қайғу ҳарири бошимға дастор бўлмасун.

Эма кўйунгда ман кофиру бутпараст,
Зулфинг хаёли бўйнума зуннор бўлмасун.

Дил кўзгусини тоза қил оҳ ила, Сайқалий,
Ойдек ароси кўрмако зангор бўлмасун.

Муни деб номани сўйи Гуландом,
Ки Давлатдин юборди боз Баҳром.

Анга давлат олиб борди ўшал дам,
Ўқуб кўрди очиб ул моҳи олам.

Ажаб иншо этибдур ул намадпўш,
Юроги дард қилди, айлади жўш.

Деди кўнглида: эй ёр жигар хун,
Ажаб иншо юборибсан бамазмун.

Жавоби номанга қандоқ битарман,
Бу дардингга начук дармон этарман.

53а Сўроб билмодикига дуина ишинда бир сўру
укнома веруб ва жамъи сўрочак сўзларини Дав-
лат намъина диюб, шаҳзод тарафина юборгани
бу турур¹

54а Сўзлағони забоним лол бўлди,
Қалам тортмоққа қўл беҳол бўлди.

Начук арз айлайин арзимни санга,
Начук маълум этай тарзимни санга.

Хаёлинг ҳар замон кўрсанг юзимни,
Начук кўргузойин санга ўзимни.

Дилу жон бирла бўлди анга моил,
Вале зоҳирда бўлмас эрди қоил.

Ироғ ташлаб ўзин бир ноз қилди,
Яна бир номани пардоз қилди.

¹ Бу ерда 46а бетдаги «Аё, эй офтоби буржи шоҳи» мисра-
сидан то 53-бетгача ёзилган шеърлар қайтарилган. Орада сар-
лавҳалар бор. Уларни тушириб қолдирдик. Яъни 54а бетдан 61а
бетгача қайтариқ.

Аё, девонайи саргаштаи зор,
Бу мастлигдин ўзунгни айла ҳушёр.

Шакар боримдин этма шукр ижод,
Бўлур санго шакар заҳро неку зод.

Ки даъвий руҳи ишқимни эт тарк,
Ва гар на нўш эторсан бодаи марк.

Санго йўқ мулку, молу, шаҳру ёри,
Нағу қилдинг абас бу ихтиёри.

Гадоға ким қўюбдур васли шоҳи,
Абасдур бу ишинг ҳолинг гувоҳи.

Уёлмай салтанатлик шоҳлардин,
Умиди васл этарсан моҳлардин.

Басе шаҳлар эрур шаҳларга лойиқ,
Гадоларға муносибдур гадолиғ.

62a Бу ерда неча сандек бенаволар,
Адаблик мустаманду мубталолар.

Қилибон даъвий ҳуснум эрурди,
Билохир нахли умиди қуруди.

Эшитгансанки, эй афтода дарвеш,
Бор эрди Ширвон шаҳринда дарвеш.

Ки бир кун шаҳ қизи борурди ҳаммом,
Муҳофада ўтуруб ул баикром.

Муҳофани шамол очти баногоҳ,
Ки ул дарвеш кўрарким, духтари шоҳ.

Борур ҳаммом сариға ойға ўхшаб,
Қилиб ики қошини ёйга ўхшаб.

Тушуб завқи иксирди оҳ айлаб,
Асо илкинда қад дутоҳ айлаб.

Анга кўплар насиҳат айлади чанд,
Ки таъсир этмади дарवेशа ул панд.

Ки охир бу хабарни шоҳ эшитти,
Ғазаб қилди у дарвеш боши кетти.

Бу сўзларни сан ҳам андеша қил тез,
Бошинг кетмай ўзунгни айла парҳез.

Гадо бўлсанг, бориб этгил гадолиқ,
Бу тарзингга ярошур бенаволиқ.

Фақир бўлсанг, бориб касб ихтиёр эт,
Бу ҳола турмоғингдин эмди ор эт.

Ки бул гуфторларни эмди бас қил,
Қараб ўз ҳолингга орзу ҳавас қил.

Будур, эй бедарак, мандин жавобинг,
Бу ерда кўп бўлур турсанг азобинг.

Буларни деб ўшал ёри суманбар,
Дер эрди бу ғазал ғайри муқаррар:

626 Эй, қаландар, сўзлагил, юрту диёринг қайсидур,
Юртинг узра подшоҳи номдоринг қайсидур.

Чин дегил кимсан, гадосан, ё диловарсан **фақир**,
Бу жаҳонни ишларидин касбу коринг қайсидур.

Шайхмусан, мулломусан, сўфимусан, шайдомусан,
Вирди авродинг на сўздурким, шиоринг қайсидур.

Румисан, Кашмирисан, Ахмирисан, тахмирисан,
Асли наслинг қайсидур, ётар мазоринг қайсидур.

Бу битикли сўзлари нозук хиромим Сайқалий,
Қайсидур эткон хаёл, ихтиёрим қайсидур?

Шаҳзода номаи ёрина мутолиа қилуб, бетоқат
бўлуб ва гуногун навҳаларни созу сурушу ҳан-
гомаларни оғоз ва жамъи маосадина ўлон ас-
рорларини хома ила тахрир ва пардоз идуб,
жамъи аҳволини ва жамъи аъзосини дар ҳиж-
рондан чеккан жафоларини бир-бир баён идуб.
маъшуқ тарафидан ошиқ тарафина чўқ жафо
этмак ила декилдур ва яна ошиқ аҳлини оҳи
бик фанодур дирак қўрқу веруб. жафоларини
тахрир идуб юборгони бу турур:

Дебонким бу газал моҳ Гуландом,
Юборди хатни буклаб сўйи Баҳром.

Ки Давлат номани етқурди шаҳга,
Жаҳон хуршидидин сўз этти маҳга.

Ўқубон кўрди у шаҳ номани боз,
Гуногун навҳаларни этти оғоз.

63а Деди:— Эй, Давлато, бўлғил бадавлат,
Ҳаётинг борича бўлғил баиззат.

Яна бир нома элт мандин у моҳа,
Паёмим айғил ул чашми сиёҳа.

Буларни деб кўзин ёшин пишортиб,
Яна бир номани шаҳ берди тартиб.

Аё, ширин забону талхи гуфтор,
Ва ё меҳри ниҳуфта қаҳри изҳор.

Вафодоринг эрурман, эй вафодор,
Гирифторинг эрурман ҳам харидор.

Масалдур ҳар гулистон ичра гул бор,
Ки ҳар гул поясинда хор бисёр.

Агар чанлики бўлсам хору ҳам зор,
Санга ошиқ отим бор, кетмагум ор.

Аё дилбар, манга бир илтифо қил,
Бу дарди бедавойимга даво қил.

Юзунг шамъини манго раҳнамо қил,
Қадам хокинг кўзумга тўтиё қил.

Мани васлинг сориға ошно қил,
Ки жоним бу аламлардан жудо қил!

Гуноҳим йўқ вафодин ўзга, эй ёр,
Жафо тиғин манга кўп урма бисёр.

Нигоро, оҳ сардимдин хазар қил,
Муҳаббат чашми бирлан назар қил.

Ғамингдин кечалар бедор эрурман,
Баёди рўйи ул жонон эрурман.

Гул ҳуснум ғамингдин коҳ бўлди,
Қатум қайғу, ғизойим оҳ бўлди.

636 Қадим бор маломатдин бўлуб дол,
Тилим бўлди ғаминг арз этмака лол.

Бўлубтур тийра кулфатдин жамолим,
Дегон бирлан туганмас ҳасби ҳолим.

Шикаста шишадек кўнглум синиғдур,
Бузулган киштидек жисмим бузуқдур.

Танимда жоними йўқтур мадори,
Турарға пойими йўқтур мадори.

Тириклик лаззатин билмам жаҳонда,
Келур юз марг менга ҳар замонда.

Эрур зикри жамолинг достоним,
Сари кўйинг биҳишти жовидоним.

Аё, эй дилрабойи бе назирини,
Фалак байзосидин равшан замири.

Қачон лозим бу хўблуқ бирла санга,
Жафо қилсанг вафо ўрнига манга.

Ҳазар қил, кўп жафо қилма сен, эй ҳур,
Қи ошиқ аҳлининг оҳи ямондур.

Эшитгансан муниким, эй ситамгар,
Қи бир шаҳзодаиға бир қаландар.

Бўлуб, ошиқ фиғон айлаб юрурди,
Ғаҳи бориб жамолини кўрурди.

Ғаҳи ғамгин бўлурди, гоҳи хурсанд,
Юрурди ҳам мунундек кўйида чанд.

Қи охир фаҳм этиб бир неча гаммоз,
Еткурдилар они шаҳзодаға боз.

Дедилар:—Бир ажаб расво қаландар
Бўлуб ошиқ санга, эй тоза гавҳар,

Неча кундуз ётур бу остона,
Агар:«Кет»,—деса кетмас ҳеч қаёна.

Ғазаб қилди эшитиб шоҳзода,
Азоблар қилдилар ҳаддин зиёда.

64а Азоблар қилдилар кўрурди ул ёр,
Анга кўп кулфат ўтти охир кор.

Ки бир оҳ урди сўзи дилдин ул дам,
У шаҳзод бўлди тахти бирла барҳам.

Яна бир оҳ тортти ул қаландар,
Ўзи ҳам куйди ёнди бўлди аҳгар.

Бу сўздин этма сен жабрингни ҳар рўз,
Сақин оҳ дилимдин, эй дилафрўз

Ёниб дарду фироқинг бирла жоним,
Мабодо чиқмагай сўзи ниҳоним.

Боқиб кўшкинго тортсам бир шарор оҳ,
Юзунг жирканмагай, эй беназир моҳ,

Тутошиб куймагай бу тахти-бахтинг,
Бу кўшқу, боғу, майдону дарахтинг.

Назар қил бир йўли бу хасталарға,
Кўйингго ғам билан вобасталарға.

Аторуд бирла Зуҳро имонинг ўлгай,
Қамар чун ходими даргоҳинг ўлгай.

Буларни деб шаҳи мавзун табиат,
Дер эрди бу ғазал ул пок табиат:

Булбули гул истагон бир гулситонингдур санинг,
Тўтийи жон сўзлагон ширин забонингдур санинг.

Васла еткурмай адо қилмоқ санамлар расмидур,
Ёки ошиқлар саридин имтиҳонингдур санинг.

Ҳеч ҳайронинг манингдек бормукин, эй дилрабо,
Гарчи йўқ бу даргоҳингда посбонингдур санинг.

Дуди оҳим қадди мавзунунг кўриб сўйи само,
Ёдима тушгач қади сарви равонимдур санинг.

- 646 Дилрабололар васлин истаб нўш этиб заҳр облар,
Чиқмаган, эй Сайқалий, тандин бу жонингдур
санинг.

Шаҳзодаи бечора ва хоно намонидин овора бу
ғазални ёр тарафина Давлат ила юбордики,
Гуландом ўқуб кўруб, гадони ўзини ким ки
онинг оҳи ўланган диярак писанда этмой жаво-
бина жавоб ёзуб, ўзунгни диёриггни ва қавми
қабоилиггни ва одингни сўзла, воилло, бу сўз-
лорингдин бирор нафъ ўлажаки маълум ўлдики,
мумкин ўлунмас, деюб бир жавоб сўрадуқ нома
ёзғони бу турур:

Ёзуб бу тарза нома боз Баҳром,
Юборди ёна ул сўйи Гуландом,

Гуландом номани кўрди ўқуб чун,
Яна нома битиди анга мазмун.

Аё, эй маст шайдо, панд эшитгил,
Қилурсан табакай бу ерда манзил.

Бу кўйдин турғил, иста ёна бир кў.
Бу бўстон гулларидан йўқ санго бў.

Санго йўқ тож-тахт шаҳру диёри,
Нағу қилдинг абас бу ихтиёри.

Гадоға ким қўюбдур васл шоҳи,
На ерга етгай онинг этган оҳи.

Ки ибрат олмадинг Беҳзоди Булғор,
Жамолим ишқина бўлди гирифтор.

- 65a Тушуб авжи фалакдин ерга Баҳром,
Ани бир кечада қилди саранжом.

Фалак Баҳроми бўлса манга ошиқ,
Санингдеклар бўлурму манга лойиқ.

Отинг кимдур, диёринг қайсидур, бас!
Бу сўзларни деюрсан айламай тарс.

Ки сан дарвеш дарвешдор бўлғил,
Ўзингни тенгларингга ёр бўлғил.

Агар Баҳромсан, билдур ўзингни,
Ки нафъи йўқтурур унга сўзингни.

Ки бу дафъа юборганда хатингни,
Отингни айт, отингни айт, отингни.

Отингни айтмасанг, юбормагин хат,
Орода чарчади бечора Давлат.

Агар қилсанг ўзунгни манга изҳор,
Ул айғон сўнг агар бўлсанг талабкор,

Топарсан васлими иншооллоҳ,
Ки ондин сўнгра қилма нолаи оҳ.

Эшитгансанки Мажнун балокаш,
Ёқарди «Лайли» деб жониға оташ.

Кўрарди беадад жабру ситам ул,
Вале айлар эди сабру таҳаммул.

Юрурди бир куни ул ёри сайли,
Йўлуқти ногаҳон хизматга Лайли.

Деди Лайли: «аё, эй хаста Мажнун,
Агар «Лайли»,—десанг олдингдаман чун».

Деди Мажнунки:— Лайли бўлса майли,
Чунон элтти маниким ишқи Лайли.

Ўзум лайли бўлубман пойи то сар,
Эмас ҳожатки Лайли келса дарбар.

Санам ишқимда қилғил онча ором,
Ки то бўлғил саропойинг Гуландом.

656 Кўнгулга солма дарду жабри дилдор,
Таҳаммул қил агар бўлсанг талабкор.

Ки бўлғой жойи жонон мунтазир дил,
Ки киргай офтобинг аз дари дил.

Бўлубон ишқ жоми бирла мадҳуш,
Солиб ўлтур даҳона муҳр хомуш.

Дебон ул дилбари нозук мизожи,
Ки ул холи лаби олам хирожи.

Дер эрди бу ғазални меҳрубона,
Юборгали сўйи шаҳзода ёна:

Эй жафокаш, санга ҳам юрту вилоят бормуди,
Юртинг узра подшоҳи номдоринг бормуди.

Бормуди ота-она хешу табору ёру дўст,
Навқару сардор ила жоҳу жалолат бормуди.

Бормуди яхши акобирлар санга ҳамроҳ ўлон,
Санга ҳам шоду аламда ҳамдам улфат бормуди.

Бормуди тенг тўш талошиб ўйнаб ўсган тўралар,
Иззату икром ила иззу фароғат бормуди.

Базм аро кўб дилраболар мажлисинго ўлтуруб,
Сим тан, гул пираҳан, аҳли зарофат бормуди.

Янгидин бўлдингму мунда Сайқалий ранжурсан
Ёки мундин бурун ҳам бағринг жароҳат
бормуди?

Шаҳзодаёна номани юборган сўйи шаҳзода ўқуб
кўруб, яна бир нома жавоб сўрдуқ нома ёрина
ёзиб яъни, эй нозаниним мани доим гадо деб
хаёл шарифингго кетурма динионжақ ёрина шаҳ-
зод ўлдингги хабар бериб ва хомая таҳрир
идуб, рақама кетурдики ва ёрина юбордики,
можароси бу тўрур:

66а Муни деб номани Давлатга берди.
Ки Давлат нома Баҳрома етурди.

Олиб ул номани дилхаста Баҳром,
Ўқуб кўрди Гуландом ташламиш дом,

Бу ҳам тартиб иншои берди ёна,
Дебон рози дилин айтиб фасона.

Аё, эй офтоби бурж афлок,
Грибони дилим ишқинг билан чок.

Десанг кўп этмагил даҳр ичра афгон,
Тутарман айфонингни бо дилу жон.

Вале ҳажрингда бўлдум ман мушавваш,
Қизил қон бирла рухсорим мунаққаш.

Санинг йўлунгда бўлдум хору зори,
Манго дерсан санго йўқ шаҳру ёри.

Ман ҳам ўз юртума шаҳзода эрдим,
Қизил гулдек эди бу рўйи зардим.

Ҳамиша яхшилар ҳамроҳим эрди,
Умароларки давлат хоҳим эрди.

Отамнинг шаҳридур оламда ул Рум,
Фалакнинг гардиши қилди мани гум.

Кўруб бир манзил ичра суратингни,
Гуландом деб эшитиб гул отингни.

Юракка тушти ул дам нор ишқинг,
Осилди бўйнума зуннор ишқинг.

Кечиб ҳойу ҳаво ва салтанатдин,
Кўторибман кўйингда ном мискин.

666 Бурун шоҳ эрдиму ҳоло гадоман,
Азиз бошим йўлунгда хок поман.

Йўлингда тарк этиб шаҳлик асосим,
Ано ҳолим мани кийган либосим.

Азалда бодаи ишқинг этиб нўш,
Ки охир кўйингго бўлдум намадпўш.

Демом отимни санго, эй жафокеш
Анинг учун юрогинг бўлмасун реш.

Эшитгансан муни, эй сарв бўстон,
Эшитган бўлмасанг, айтай бу дoston.

Бор эрди Миср аро бир шоҳзода,
Юзи шамъи шабистондин знёда.

Анга бир зангизода бўлди шайдо,
Ўтурурди солиб гулхан кўйиндо.

Қилиб оҳу надомат ўлтирурди,
Ани ҳар кун мулозимлар кўрарди.

Ани шаҳзодаға еткурдилар бас,
Солиб гулхан ётибдур мунда бир кас.

Бўлубтур санго ул зору грифтор,
Ки ҳеч кетмас агарчи берсанг озор.

Эшитиб раҳми келди шоҳзода,
Қадам гулхан сори қилди ирода.

Кўруб шаҳзодани ул зангий қин.
Ҳуши кетти ва берди жон ширин.

На бўлғай сўйи қулбам, эй паризод,
Қадам қўйсанг қилиб ман хастанни шод.

Кўзумга сурма айлай хок пойинг,
Қилойин жон шириним фидойинг.

Ки андин сўнгра этмам оҳ, аё, моҳ,
Қилойин ҳазратингго сўзни кўтоҳ.

67a Дебон шаҳзодаи аҳдиға маҳкам,
Битиди бу ғазални хатка улдам:

**Шаҳзодаи барнои хуш адо, ширин лиқо бу
ғазал хуш таронани густохона ёр вафодориға
битиб, гулшан тарафина чиқмоққа таклиф идуб
ва даҳ бу умураи давлатдин шаҳзола истионат
тилиуб юборғони бу турур:**

Сайр гулшан этголи, эй гул, хиром этсанг нетар,
Сунбулу садбарг наргисни ғулом этсанг нетар.

Лоладек яшнаб назар солсанг биёбонлар сари,
Боқишингга ваҳший оҳуларни ром этсанг нетар.

Юз салом айдим, жавоби хўб келмас. эй санам,
Хуш кулуб ман хастага бир-бир салом этсанг
нетар.

Турғоли токи гамингдин чола ўлган мордек,
Бир йўли бошим чопиб, корим тамом этсанг
нетар.

Захмнок ўлди аламдин банд-банди пайкарим,
Ёна бу дардим давосига маром этсанг нетар.

Жумлани шод айладинг, эй нозанинлар сарвари,
Сайқалий бечорани ҳам шод ком этсанг нетар.

Бу сўзларни дебон шоҳ аламнок,
Ки Давлатдин юборди сўйи ул пок.

Ўқуб кўрди Гуландом номаи ёр,
Қилибдур номада шаҳликни изҳор.

Ки бўлди анда жону дил билан нарм,
Яна озор этарға айлади шарм.

676 Табассум қилди кўнгли реш бўлди,
Тафаккур бирладур андеш бўлди.

Деди кўнглида, эй ёр жигар хун,
Ажаб иншо юборибсан бамазмун.

Жавоби номани қандоқ битарман,
Бу дардинга начук дармон этарман.

Сўз айғоли забоним лол бўлди,
Қалам тортмоққа қўл беҳол бўлди.

Начук арз айлайн арзимни санго,
Начук маълум этой тарзимни санго.

Муни деб гулида ул ғунчайи тар,
Яна шоҳ сори иншо айлади сар.

Очилиб лоладек ул зийнати боғ,
Юракдин шаҳга изҳор айлади доғ.

Гуландом соҳиб фатонат неку назокат нома ёр-
мутолиа қилиб мазмунина итиоъ топиб ва шаҳ-
зодайн сўзина мақбул эдуб ва замона фосид-
лигиндин бир хома қач сўз таҳрира кетуруб ва
маломат чўқ ямон ўлур, дея ёзиб юборгани
бу турур:

Аё, эй ошиқи рухсори моҳим,
Асар қилди санго бахти сиёҳим,

Мани деб кулфатинг бисёр бўлди,
Азиз бошинг йўлумда хор бўлди.

Тўкарсан ҳасратимдин дидадин ёш,
Эрур кўнгул агарчи бўлса ҳам тош.

Тилаб роҳат вале озор кўрдинг,
Гул истаб мисли булбул хор кўрдинг-

Деюбсан номада шаҳзодаман деб,
Диёрингго ғариб афтодаман деб.

68а Хаёлинг ҳар дами кўрсанг юзумни,
Начук кўргузойин санго ўзумни,

Басе тухматга ёндошган забундур.
Ғаразгўйлар тили юзунгга узундур.

Шаҳарлар эшигин беркитса бўлур,
Ямонларни сўзини нетса бўлур.

Ҳавас йўқтур манго ҳар кимни кўрсам,
Керакмас ҳар кима мунча гап урсам.

Санго завқим келгонидан сўз қотарман,
Ки иншо устига иншо битарман.

Ки мундин нари кўп куйма, эй шамъи,
Чаро андин бизим хотиримиз жамъи,

Қасам бошимға бўлдим санга рози,
Басе озмуд эди иншойи мози.

Сўзунгдин бўлди маълум, эй вафодор,
Эманг бекор хабардор аз ҳама кор.

Гумоним булки сан Баҳром эурсан,
Агар ул бўлмасанг ҳамном эурсан.

Ва гар на айлар эрдинг отинг изҳор,
Деманг мандин бўлурсан деб хабардор.

Яқин билмам начук шаҳзод эурсан,
Баҳар ҳол турфа маҳкам боз эурсан.

Кўнгул бўлди санинг ишқингга мойил,
Вале бордур арода неча ҳойил.

Бири булким ўшал Баҳром бўлсанг,
Ва ё бир шоҳ боанжом бўлсанг.

Қабул эткойди андин сўнгра отам,
Будур ҳойил, аё соҳиби хотам.

Агар чанди қабул этсам сани ман,
Қабул этмас отам фикр айлагил сан.

386 Руҳи гул орзу қилсанг чу булбул,
Таҳаммул қил, таҳаммул қил, таҳаммул.

Худо еткурмаса душвор эрур кор,
Очилғай сабр ила шояд бу душвор.

Ниҳон айла кўнгулга ишқ ганжин,
Қилибон кўрма изҳор жавру ранжин.

Эшитгансанки, эй ёр, дилафкор,
Эшитган бўлмасанг, айлай хабардор.

Бор эрди Миср аро бир подшоҳи,
Фузун эрди анинг жоҳу сипоҳи.

Хуруж айлаб шоҳи Хисрав Ямандин,
Анинг сорига тортиб кин қиличин.

Вилоятнинг борига жанг солибон,
Ки Миср устига келди қул олибон.

Эшитиб Миср шоҳи бу хабарни,
Деди:— Ё раб, билурсан барча сирни.

Муни бирлан агар чиқсам, урушсам,
Мусулмонлар бўлур ўртода барҳам,

Аларнинг хунига бўлгунча зомин,
Талаб қилса бу шаҳримни беройин.

Дебон тортти ўзин бир гўшаҳига,
Бериб шаҳрин Яман шоҳан шаҳига.

Ёпиниб сабр қалқонин бошига,
Бўлуб рози худонинг қилмишига.

Ўтурди он чунон айлаб таваккул,
Дебон тангри қилур осон бу мушкул.

Дер эрдилар анга бир нечалар панд,
Ки бир фикр айлағил сан, эй хирадманд.

Ки то қайтиб ерингга шоҳ бўлғил,
Бо иқболу ба иззу жоҳ бўлғил.

69a Дер эрди ул қилойин сабр акнун,
Ўзи осон қилур халлоқ бечун.

Бу кирдор ончунон сабр айлади бил,
Саноглиқ ўртада то ўтти ўн йил.

Қазоси етти ва ул Хисров ўлди.
Яна бу Миср элига шоҳ бўлди.

Ки ул сабр айлади, етти мурода,
Санам сабр айлағил, эй шоҳзода.

Умид улдирки, топсанг висолим,
Ўтирсанг назд хуршид жамолим.

Ки бил ғам захрина тарёк эрур сабр,
Чу ушшоқа таоми пок эрур сабр.

Дебон ул нозанини ҳур талъат,
Дер эрди бу ғазал аз рўйи шафқат:

Бораколлоҳ аҳду паймонингга, эй олий жаноб,
Ман сияҳ бахтинг учун кўрдинг бу ерда кўп азоб.

Имтиҳон этмак учун бемарҳабо сўзлар дедим,
Ўлмади шарҳи вафодин сандин ўзга ҳеч жавоб.

Сўзларим захробисар бирла зиёфат айладим,
Вола шукр нўш эта кўрдинг ани жоми шароб.

Бир-бира биткон китобатлар ки Давлат илкидин,
Қолди биздин ёдгори Лайли-Мажнундек китоб.

Билмадим сан Рум шаҳаншаҳини нури чашмисан,
Ҳар китобатда гадо деб ман сани қилдим хитоб.

Офарин, тамкину бардошингга, эй олий ҳимам,
Шамс тобингни юзидин олмадинг охир ниқоб.

Сайқалий, қилма ўтар дунё учун аҳди дуруғ,
Кетса бошинг, кўчайи ишқ ичра қилма ихтисоб.

696 Гуландом хужаста суфот бӯ газални шаҳзодаи
баланд мақомини аҳдини биран макта деюб
унон носоздор сўзларина истиғфора килиб ва
чўқдин-чўқ узр тақсирот аҳвол мозий айдуб,
хома таҳририна рақимаи сафҳосини ёзуб, ул
Давлат бечора бирлан шаҳзодаи юборгани бӯ
турур:

Муни деб номани ул моҳ танноз,
Ки Давлатни юборди шаҳ сарн боз.

Гуландом номасин олиб у фурсат,
Ғамин Баҳрома элтиб берди Давлат.

Ўқиб ул хатни кўрди шоҳ Баҳром,
Қилибдур меҳрибонлиғлар Гуландом.

Тасалли топти маҳзун хотири чун,
Деди қайси тарафдин чиқти бул кун.

Кўнгул кўзгусининг зангори кетти,
Ғамимни лашкари ҳар сори кетти.

Бу дам етти наёми васли дилдор,
Ғуломи кўҳнага чиқти харидор.

Добон шаҳзодаи муштоқи жанон,
Очилиб ғунча гулдек бўлди хандон,

Деди:— Эй, Давлато, пойи муборак,
Иноят айлагай эзид таборак.

Манга ул дилрабо бўлса муяссар,
Тўкай бўйунг била зарни баробар.

Бу манзил ичра ҳоло бир ғарибман,
Жаҳон молу заридин бенасибман.

Буларни деб ки ул шоҳ дилабтар,
Бор эрди ёнида бир дона гавҳар.

70а Қилиб ул гавҳарин Давлатга инъом,
Уқурди бу газални шоҳ Баҳром:

Шаҳзода ёридин буйла узр номг юбордикини
кўруб, ғоятул-ғоят тамаъа бе ниҳод умид била-
ғоя баҳрина гавас алуб билатоҳоши чўқтин-чўк
густоҳлик ийдуб, ай нигорим, не бўлурким мар-
ҳаматингдин дариг этмаюб гулшан сайрига ке-
луб ва бу қулунга саломина алик олсанг дию
таклиф эткони бу турур:

Борсанг айғил ул париға, Давлато, соғинмишам,
Бир сўра келсун нигорим, марҳабо, соғинмишам.

Ҳури ғилмони биҳишти ёдима тушмас бу кун,
Юз қамар пайваста абру дилрабо соғинмишам.

Ёд асири мулк Чин* найлай Хато* бир сан
Зулфи чин-чин, юз Хўтан, лаблар Хато
соғинмишам.

Найлайн кавсар сувини айлабон савдосини,
Лаб-балаб очдуқча шаҳди жонфизо соғинмишам.

Подшоҳи Миср агар бўлса нигорим бас на хуш,
Хизмати даргоҳ ул шаҳ ман гадо соғинмишам.

Демоғил, эй гул, ки бўлбўл тозадин бел
Қай куни ул ломакондин бу бало соғинмишам.

* Чин, Хато, Хўтан — турли вилоят номлари

Орзу айлар қулунг Сайқал санинг бир кўрмако,
Неъматини васлинг кунун бо иштаҳо соғинмишам.

Добон шаҳзода розин қилди иншо,
Қилиб ҳиммат билан олий таманно.

706 Бу сўзларни деб ул моҳ дилиабтар,
Бор эрди ёнида бир дона гавҳар.

Қилиб ул гавҳарни Давлатга инъом,
Деди:— Эй, Давлато, мақсадга етсом,

Бероин он қадар бу лаълу гавҳар,
Бероин зар бўйунг бирла баробар.

Бу манзил ичра ҳоло бир ғарибман,
Жаҳон молу заридин бенасибман.

Манга ҳам бор эди жоҳу жалолат,
Фалак солди манга бу турфа ҳолат.

Забонилар деди Давлатга ёна,
Ки ул етар маломатга нишона.

Дегил борсанг, ўшал ширин каломим,
Ўзи келсун, алик олсун саломим.

Баён айлай анга рози ниҳоним,
Йўқ армон сўнгра тандин чиқса жоним.

Бу сўзларни деюб шоҳ ягона,
Юборди ёриға Давлатни ёна.

Бўлуб ул Давлат бечора ҳуррам,
Гуландом олдиға борди ўшал дам.

Гуландом айди:— Давлат, хординг хўб,
Бориб келиб бизнинг ўртомиза кўп.

Бу дафъа элтиб эрдинг яхши пайғом,
На берди санга ул шаҳзод гум ном?

Чиқар пеш халтадин мунда аён қил,
Яна ҳар сўзки айгондур баён қил!

Чиқарди Давлат ул якдона гавҳар,
Қўюб ул ой қошиға очти дафтар.

Деди:— Эй гул, қўй ул булбул сўзини,
Қилур ҳар сўзунга қурбон ўзини.

71a Хусусан бу сафар кўп шод бўлди,
Хаёлинг сайдина сайёд бўлди.

Сани сўзлоринга ёниб қувона,
Деди бир неча сўзлар паҳлавона.

Деди:— Ул дилбари ширин каломим
Ўзи келсун, алик олсун саломим.

Қилой шарҳи фироқин ман ул оё,
Ичиб жоми васлидин пиёла.

Эшитсун ўз қулоқи бирла ул моҳ,
Қилойин олдида ман қисса кўтоҳ.

Баён айлаб ҳама шаҳ сўзларини,
Сузуб мастона Давлат кўзларини.

Ўқурди бу ғазални шавқи бирлан,
Магар булбулки гулни завқи бирлан.

Давлат бечора Гуландом хизматиға бориб
Шаҳзодаи ва сўзларини бе каму кўст таҳ-
рир идуб ва шаҳзода тарафина кетмок учун Гу-
ландом пари пайкари чўқтин-лўқ Рижо шаҳбо-
зини майдон фасоҳатда учуруб ва тавалло ва та-
зарруъ бобини энг маҳкам тугуб ва ўзидин яна
ғазал ширин арз эткони бу турур:

Эй гулим, кел, ул йингитга ваъдаи ҳомингни қўй,
Сарфароз айлаб анинг сориға сан гомингни қўй.

71b Ман ани дарди дилини асли ташҳис этмадим,
Сан бориб набзи дилина нозук ибҳомингни қўй.

У санинг ишқинг ила шому саҳар афгон ила
Йўқтур ороми ани сан мунда оромингни қўй.

Турфа шаҳбози душубтур доминга мардона бўл,
Мундин боза боқма донаи домингни қўй.

Беш юз йиллик фалак бомида Баҳроминг надур,
Бўлса Баҳром шул эрур, сан ўзга Баҳромингни
қўй.

Бир йигитдурким, қошуқлиқ сув била ичса бўлур,
Бор яқиндин чеҳрамга чашми бодомингни қўй.

Сайқалий, кийгил қаландарлик либосин ёр учун,
Лоуболик бу жаҳонда номусу номингни қўй.

Кетуруб шаҳ сўзин Давлат ғазалга,
Етурди муддоасин ул гўзалга.

Бу сўзларни дебон ул Давлат зор,
Ул оёя илтижолар қилди бисёр.

Бўлубон анда жону дил билан нарм,
Яна озор этарға айлади шарм.

Эшитиб шаҳ муродини Гуландом,
Борур бўлди анга ул чашми бодом.

Дедиким: хўб бўлур борсам боройин,
Сўройин шаклини, ҳолин сўройин.

Дебон йиғди ҳама уй қизларини,
Тутуб пинҳон алардин сўзларини.

Тузониб келди қизлар пеш ул моҳ,
Боқиб қизларға деди духтари шоҳ:

Аё қизлар, ғаниматдур бу даврон,
Ки гул гашти чаман фасли баҳорон.

Бўлубтур боғ аро гуллар шигуфта,
Бўлолик мунда биз токай ниҳуфта.

Келинг сайри чаман айлолик акнун,
Боқиб турсун тамошомизға гардун.

Дебон бу сўз аларға моҳи ғолиб,
Жўнар бўлди ўшал қизларни олиб.

Кел. эй соқий, кетурғил соғарий май,
Қўярсанму хумори бирла токай.

72a Туруб саршор сунғил жом гулранг,
Кўторгай то ҳижобу номусу нанг.

Кел, эй мутриб, кетур чангу рубобинг,
Кўй эмди мухтасибдин ихтисобинг.

Кел, эй гардун, дами рашкин кўзин юм,
Қуюлсун кўк кўзига гард ила қум.

Қурулсун бир замони васли ишрат,
Ки то барҳам егой айёми зулмат.

Кел, эй Сайқал, гап ур жононалардин,
Душан ишқ ўтиға парвоналардин.

Кел, эй сомеъ, эшит бир неча абёт,
Фалакдин нўш қилмай бодайи мот.

Ётурди боғ аро дилхаста Баҳром,
Келур ҳолин сўроб моҳи Гуландом.

Эшитиб жумлан қизлар бўлуб шод,
Тузонди барчаси мисли паризод.

Гуландомни олибон дар миёна,
Чолиб чангу рубоби шодиёна.

Тушуб кўшк устидин сўйи гулистон,
Кавокиблар билан ул моҳи тобон.

Қўшулуб мисли юлдузлар билан ой,
Юз алвон, ноз ила бир-бир қўюб пой.

Келиб кирди ўшал бўстон аро чун,
Қолиб ҳайрат юзига ой билан кун.

Боқиб анда ётурди шоҳзода,
Бўлубон оташи ишқи зиёда.

Қўрорким осмондин тушмиш ойи,
Қилиб булбул киби анда навоийи.

Этиб мадди назар зебо гўзални.
Ениб ётиб ўқурди бу ғазални:

726 Сарв бўстонингмудур ё қадди ларзонингмудур,
Ё ниҳоли гулмидур, ё хуш хирмонингмудур.

Печ урон гул гўшасинда дастаи сунбул макон,
Ё юзунг атрофина зулфи паришонингмудур.

Ғунчайи гулшанмуқин машқи табассум айлабон,
Ё манинг ҳолима кулгон лаъли хандонингмудур.

Тиғи абру бирла учқон ошиқ элини бошиму,
Ёки жавлонгоҳинг ичра гўйи чавгонингмудур.

Раъд гардунму кукроб олама ўтлар сочон,
Сайқалий, ёки шарори барқи афгонингмудур?

Бу сўзларни дебон ётурди шаҳзод,
Эторди сайри гулшан ул паризод.

Юрурди ортидин ул нозанинлар,
Қилур эрди гулистон офаринлар.

Ўшал ким Фағфури чиннинг қизига,
Олурди сабзалар бошин тизига.

Қадини рашкидин қайрилди шамшод,
Эгилиб таъзимига сарви озо.

Юзин кўргоч, қизил гул бўлди ҳайрон,
Лабидин ғунчалар садор гирибон.

Кўзини кўрди наргис бўлди дар хоб,
Лабин ҳолима лола қилмади тоб.

Кўруб зулфин бўлуб бетоб сунбул,
Ёзилиб сўзларидин хоб булбул.

Тушаб яфроғидин гуллар пояндоз,
Қилиб себарглар икрому эъзоз.

Сўнардилар ул ойнинг ёнина бош,
Оқиб сарчашмаларнинг кўзидин ёш.

73а Урорди ғалатлар бар саҳни гулшан,
Бўлуб ул маҳни акси бирла равшан.

Ки айна обу тоб эрди гулистон,
Эди гул шавқидин булбул ғазалхон.

Гуландом хосаси эрди бу гулзор,
Йўқ эрди ғайр гардун, ўзга ағёр.

Эторди сайр гул ул тоза гуллар.
Чекарди завқ ила хамёза гуллар.

Юрурди ул парилар хурраму шод,
Тамошони кўрарди анда шаҳзод.

Солибон қўлларин бўюнларига,
Талошу бози айлаб бир-бирига.

Тутубон нағмагарлар созу оҳанг,
Чолиб най, балобом, дафу чанг.

Эшитиб андалиблар лол ўлурди,
Тўкулуб ерга гул помол ўлурди.

Санамлар ўйношурди ранго-ранга,
Пари товус каби саҳни чаманга.

Тамошолар қилур эрди гулистон,
Ки ул гуллар эрур гул жисмина жон.

Камингоҳдин боқиб турурди шаҳзод.
Гуландомни кўруб ғамдин бўлуб шод.

Ки хеч қизга хабар йўқ эрди андин,
Бағайр аз Давлат ул сим тандин.

Эди ул икисин анда хабардор,
Туфайли шоҳ эди сайри гулзор.

Юрурди сайр этиб қизлар баҳарён,
Бўлуб ҳар қайсиси сарви хиромон.

Ушал қизлар аросиндаги бир қиз,
Қуролойдек боқарди ҳар сари тез.

736 Кўзи тушти баногоҳ сўйи Баҳром,
Югургулаб бориб назди Гуландом

Дедиким:— Мунда бир одам ётибдур,
Тирикдур ё ўлукдур дам қотибдур.

Гуландом айди:— Бориб кўрчи Давлат,
Уруб, сўкиб ани авлоқа қулат.

Начук ҳайвон эрур девона ё соғ,
Қачон бўлгон экондур дохили боғ.

Тузук одам бўса олғил бошини,
Шикаета бўлмасун кўргил қошини.

Касал бўлса бориб авлоқа ётсун,
Наинки бизни ул бўҳтона хотсун.

Ки Давлат бирла бориб неча қизлар,
Кўрарларким ётур ул хок бар сар.

Дедиларким:— Начук жондор эурсан?
Жўна мундин, йўқ эрса жон берурсан!

Гуландом хосасидур гул гулистон,
Келолмас мунда насли инс ила жон.

Дер эрди қизлар ул шаҳ сори боқиб,
Кулушуб бир-бира қошини қоқиб.

Кўрор шаҳ ким тугор қизлар тамасхур.
Ўқуди бу ғазални бе тафаккур.

Эй санамлар, не сўрорсиз банда ҳолим бу турур,
Соғман, девонаман қилгон фаолим бу турур.

Ман била олмам қачон туштум бу манзиллар аро,
Дам бу дамдур, кун шу кундур, моҳ солим бу
турур.

Олсангиз жон, тўксангиз қоним сабилдур
сизлара,
Дасти даврондин тегон молу манолим бу турур.

74а Ман била олмом Гуландом ким у қизлар қайсисиз,
Ой билан юлдузга ўхшар деб хаёлим бу турур.

Бошу қон сиздин тасаддуқдур, Гуландома жоним,
Кетойин, олиб қолинглар, дилкашоним бу турур.

Бир фалак урғон асиру мустаманду зорман,
Даҳр боғиндин мани топғон камолим бу турур.

Ҳасбиҳолим, Сайқалий, бул эрди изҳор айладим.
Ҳам ариза, ҳам жавобу, ҳам саволим бу турур.

Шаҳзода ёрини бемуҳоба жамол бо камолини
тамошо идуб ва ул қизлар қулушмокина жавоб
веруб ва оҳиста-оҳиста оҳ жигар пурдадин че-
коргон қизлар бу рамуз шаҳзодадин матлаъ бў-
луб ва бу ошиқи ўхшоюр деюб ва Гуландом
хизматиға воруб, эй моҳим, бу ўзго кишига ўх-
шомосдур ва ўларсан демокла асли ғам емастур
ва аммо бир барно йигитдурки, инсон кўз
пардумаки буйла ҳусн ва жамол кўрмамишдур
ва ҳеч кўнгил агарчи тош бўлса ҳам ани иқ-
тизои ўлмокина ризо вера билмос деб сўйла-
дикдин сўнгра Гуландом бу сўздин баҳона эдуб
анга борғони бу турур:

Дебон шаҳзодаи кўнгли шикаста,
Урурди оҳ сарди уста-уста,

Эшитиб шоҳ сўзин ул нозанинлар,
Қилурди бир-бирига офаринлар.

Дер эрдилар:— Бу анвойи эмастур,
Аламсиз бўлса бу сўзни демастур.

Ки бул бир жойиға вобаста ўхшор,
Сўнгоклар таъсири оҳина қоқшор.

746 Деюл ваҳшилар бўлуб анга ром,
Ки қойтиб бордилар пеши Гуландом.

Дедиларким: аё эй, моҳи олам,
Ки бул майдон арода ётғон одам.

Ки бу ўзга кишига ўхшамасдур,
«Ўларсан, кет»,— десак ул ғам емастур.

Деюр бир неча сўзлар ошиқона,
Тегор ҳар бир оҳи бир нишона.

Ажаб девонадур шаҳзода сурат,
Хувайдо жабҳасидин нури ғайрат.

Бориб кўрсанг йигитдур кўрки бор мор,
Эмас ўлдурмака ҳаргиз сазовор.

Гуландома ажойиб ёқти бул сўз,
Баҳона топти ул моҳи дилафрўз.

Деди:— Андоқ бўлса ман ҳам боройин,
Кўройик шаклини, ҳолин сўройин.

Фақирдур ё қаланлар, ёки шаҳзод,
Башарму девму, жинму ё паризод.

Дебон бир-бир босиб келди Гуландом,
Тутуб илкин юзига назди Баҳром.

Мудааввар олди қизлар тенгросиндин,
Баси қат-қат тутуб пешу пасидин.

Гуландом рў ба рў ўлтурди шаҳга,
Қаротиб кўзини хуршиди моҳга.

Кел эмди, Сайқалий, рези сухан қил,
Ки ҳар сочинг бошидин юз даҳан қил.

Чиқорғил ҳар оғиздинг минг забони.
Ки қил ҳар тил била шаккар фишонни.

Начукким ойу кун сўйлайдур акнун,
Сочиб саҳни чаманга дурри макнун.

75а Уқуйдур ҳар бириси бир рубойи,
Қилиб ғайри мукаррар ихтиройи.

Мумаййиз ойу кунла онга кавкаб,
Икиси ҳам сухан гў ҳам мухотаб.

На дейдур сўйи Баҳрома Гуландом,
Жавобиға на дейдур боз Баҳром.

Гуландом паризод неку эътиқод шаҳзода ила
бир-бирларина муқобила бўлуб ва бир-бир-
ларини жамол бо камол фоизул анварлариндин
баҳрайи тамом эдуб ва икки тарафлин бир-бир-

ларина дафтари ҳасби ҳолағини ўқу бошлаюб
ва шаҳзодаи муштоқ жонон васлидин комиёб
ўлғони бу турур:

Айди Гуландом:— Аё, жўлида аҳволим, гапур,
Эй, фалак урғон, аламлик малбуси шолим, гапур.

Не сабабдин сан бу расволикда бўлдинг
мубтало?

Эмди изҳор айла ич дардингни абдолим, гапур.

Айди шаҳзода:— Мани арзимни эй, моҳим, эшит,
Ҳолима эрмас тонуқлуқ, нолау оҳим эшит.

Сандин ўзга ҳеч киши ҳолимни сўрғон йўқ эди,
Айтайин дардимни кам-кам духтари шоҳим эшит.

Айди Гуландом:— Аё, саргашта, жойинг
қайсидур,

Сидқи ихлосинг била билган худойинг
қайсидур?

756 Қайси йўлдин, қайси чўлдин мунда туштунг
зор ўла,

Ота-онанг ким эрур юрган диёринг қайсидур.

Айди шаҳзода:— Шу ётқон жой жойимдур
манинг,

Қим бу савдоларни солғон бир худойимдур
манинг.

Ота-онам шавқи-завқимдур, сипоҳимдур жувун,
Остоининг ястониб ётқон саройимдур манинг.

Айди Гуландом:— Гадо ҳолинго боқиб сўзлагил,
Нега ўзга қизди қўй ўртода бизни кўзлогил.

Неъмат алвони ҳуснумга таманно айладинг,
Ўлтур, ўлтур, шул умидга рудаларни тузлагил.

Айди шаҳзода:— Аё жонона, муштоқинг дурам,
Мусрифи ҳуснунг закоти берки қашшоғинг дурам,

Сан дема бу сўз била бу ерда мот айлай муну,
Неча муддатдин бери бу ерга туз ҳоқинг дурам.

Айди Гуландом:— Ажиб сўз айтасан, бе марҳабо,
Бемаза сўз кўб урарсан, кўпни кўрган бе ҳаё.

Оласан¹, ҳалво дегон бирлан бўлур оғзинг чучук,
Юз табибга бош уруб юрсанг, бу дардга йўқ даво.

Айди шаҳзода:— Аё, ҳозиқ табибим сан манинг,
Не бўлур, дардинг не деб, сўрсанг ғарибим деб
манинг.

Ҳазрати тангри таолодин муродим шул эрур,
Айласа тақдир агар бўлсанг насибим сан манинг,

Айди Гуландом:— Санго бўлгандин авло бўлмаган,
Борса ўлсам қолмағай оламда мандек куймагон.

76а Сан дема бир ман дурам жондин кечон жонон учун,
Нечалар сандек мани кўйимда ҳайрон ўлмагон.

Айди шаҳзода: манго бўлсанг суюн, оҳ айлама,
Ҳарна айтсанг айт андешангни кўтоҳ айлама.

Илтимосим булки эй, дилбар, юзунгдин ўргулай,
Сан мани бир порз куйгонларга ҳамроҳ айлама.

Айди Гуландом:— Хаёлинг хомдур, эй беава,
Ким бу савдолар деурсан барчаси боду ҳаво.

Ман санга мастлик қилиб бир неча абёт айтаман,
Сан хаёлингго деурсан бўлди ўхшар ошно.

Айди шаҳзода:— Бўлурмиш чунки бир кўрган
билиш,
Бул масалдур эл орасинда, ики кўрган таниш.

Ушладим домону васлингни яди уммед ила,
Қўёрим йўқтур, гулим, ҳар неча қилсанг сараниш.

¹ оласан — англа сан маъносида.

Айди Гуландом:— Йигито, ҳаддин ошли
сўзларинг,
Яхшилик учун тушубму қон талошгон кўзларинг.

766 Ким деди бу йўла тушсун санго ҳолин чоқламай,
Келмади ўхшар хаёлингга бу турлук сўзларинг.

Айди шаҳзода:— Биҳишти жовидоним сан
манинг,
Ҳавз кавсардин хабар айтур лаби қирмизларинг.

Ўлсам ормоним йўқ эрди, эй гўзаллар сарвари,
Қўлтуғум таҳтига бўлса буйла болин изларинг.

Айди Гуландом:— Аё эй, эси кетган булҳавас,
Бас бу ҳолинг бирла кўнглунг анча-мунча
истамас.

Ҳар киши ўз ҳолини билиб гап урса яхшидур,
Хўб ярошур қўлтуғунгни остига бир даста хас.

Айди шаҳзода:— Қачон бўлғай қўлунгдин
ушласам,
Олмаларинг искаб-искаб, лабларингдин
тишласам.

Шунча ҳам туфроқда оғноб ётқоним басдур
манго,
Эмди лозимдур уч ой бағримда олиб қишласам.

Айди Гуландом:— Аё, эй эси кетган мурдашў,
Қиз-хотунлар мени санга нега этти рўбарў.

Аввал-аввал сўзларингни мағзи андак бор эди,
Эмди чиқти сўзларингни орасидан лата бў.

Айди шаҳзода:— Гулим аввал худ оғоз айладинг,
Илтифот айлаб мағи ўзингга ҳамроз айладинг.

77a Ман дедим бир ошнолик бўлди ўхшар ўртада,
Мурдашў қўйдунг отимни, яхши эъзоз айладинг.

Айди Гуландом: — Санга дард айлади бизни
сухан.
Ўз тилингдин сўз эшиторсан, аё маҳкам даҳан.

Шунда ҳам узр айтойин санго ки кўнглинг
қолмасун,
Шунда ўлсанг ҳам қилай ису чирог, гўру кафан.

Айди шаҳзода:— Аё эй, дилбари нозук бадан,
Симтан, гул пираҳан, зулфи кажу ширин сухан.

Ишқ ўти бирлан мани қўйдунг тириклай ўлдуруб.
Эмди ўлсам хоҳ қил, хоҳ қилмогил гўру кафан.

Айди Гуландом:— Ман айдим сўзларингни мағзи
йўқ,
Ҳар бири бир тири паррондур пару пайкони йўқ.

Ҳеч эшитибсан ўлук тирико даъво айламиш,
Эмди билдим, дунёда сандин батар нодони йўқ.

Айди шаҳзода:— Ўлуб эрдим, тиритти сўзларинг.
Беҳаё қилди мани ваҳший кийикдек кўзларинг.

Ўргулай бошингдин, э моҳ, ёна кетсанг ўламан,
Меҳрибонлиг бирла амр эт кўма кетсун
қизларинг.

Айди Гуландом:— Йигитсан, ўлма то етмай ажал,
Нима зўр келди тилаб ўзунгго марг бемаҳал.

776 Мандин ўзга қиз кўрубтуму, агар олур бўсанг,
Ай фалони, билмам отинг миршарифму,
мирбадал.

Айди шаҳзода:— Ажойиб сўзларинг бор, эй
гўзал,
Не қилурсан сани олсам бўлса тақдири азал.

Сандин ўзга ҳуру гилмон бўлса олмомдур ани,
Қил қабул хизматда бизни айлама радду бадал.

Айди Гуландом:— Санга бир шаҳлик анжом
бўлмаса,
Ё сани отинг ўшал шаҳзода Баҳром бўлмаса.

Шул ҳолнинг бирла уёлмай қайси оғзинг борадур,
Ўзга қизни берсанг, олмом то Гуландом бўлмаса.

Айди шаҳзода:— Мани отимни сўрдунг неча йўл,
Айтойин оллоҳ таоло хоҳласа вақти қабул.

Сан мани доим гадодур деб хаёлинг олмасун,
Рум шаҳин шаҳзодасидурман улушум кенгу мўл.

Айди Гуландом:— Азизим офарин бардошинга,
Минг жоним бўлсун фидо дурдонайи кўз ёшинга.

Ҳар муроду мақсадинг бўлса, карам этсун карим.
Боз тушгай сояйи боли ҳумоюн бошинга.

Айди шаҳзода:— Кўзум ёши фидойи мақдаминг,
Мустажоб эткой худовандим Масиҳодай даминг.

78а Ўргулай парвонаван шамъи жамолингдин сани,
Сийнайи мажруҳима ёқти каломи марҳаминг.

Айди Гуландом:— Азизим, рухсат ўлса қайтоли,
Гар худо еткурса қолгон сўзни сўнгра айтоли.

Шунча ҳам сўрдумки айт, отингни изҳор
Этмадинг,
Эй саломат бўл, йигито, биз бали дедик бали,

Шаҳзодайн ёр меҳрубони ила рубоёнёт айгиб ва
жамол ба камол маликаи Гуландомдин комиёб
ўлуб ва жумлаи ажнос ифтроқ ва ҳажр мози-
ни оташ висол ила ёндуруб ва бир-бирига аҳду
паймон айдуб ва ёрини кўшки жойинина узот-
дики вақтда бетоқат ва беором ўлуб бир
ғазал айғони:

Бу сўзларни дебон моҳи Гуландом,
Тавозеълар билан ул чашми бодом.

Жўнар бўлди туруб қизларни олиб.
На мушкул кетса матлуб, қолса толиб.

Кўрор шаҳзода қайтар эмди жонон,
Қолур бекор ўлуб боғу гулистон.

Узотурди туруб шаҳ ул гўзални,
Ўқуди марҳабо деб бу ғазални:

Эй пари, шамшоди қадди химча бўюнг садқаси,
Маҳ билан хуршид анвар моҳ рўйинг садқаси.

Даста-даста сунбулу гул зулфинго қил бўлғуси,
Юз узоринг ранги бир анқос мўйунг садқаси.

786 Лабларингдин ғунчалар машқи табассум айлабон,
Булбули кўйинда гуллар гуфт гўюнг садқаси,

Хуш келиб солдинг нигоҳи бандани аҳволиға,
Шаш жиҳат бўлғой гулим гулзор кўюнг садқаси.

Хуққайи ҳуснунгни очиб бир муаттар айладинг,
Нофай тотору анбар мушк бўюнг садқаси.

Нахл боғингни суғормоғи учун жону дилим,
Сели мужгонлар билан қозғон бу жўюнг садқаси.

Хар ера бўлсанг сафо бўл Сайқалнийнинг кўзгуси,
Тўхфа жон йўлингда бошим ҳоки пойинг садқаси.

Шаҳзода яна афғон зори ва тазарруъ бобинда
пируб ва рухсораи мох анвариндин сел ашкини
жори айлаб ва бахтидин шикоят қилуб ётсун ва
рови бул ҳикоят шул вазиятда Рум шаҳридин
ривоят қилуб ва шаҳзодани ота-она ва ақраба-
лариндин ривоят идуб хабар олғони бу турур:

Бу сўзларни дебон ул шоҳ шайдо.
Узотиб дилрабосин қолди танҳо.

Қилур эрди яна афғони зори,
Сориғ рухсора уйла ашк жори.

Дер эрди: Эй фалак, солдинг ажаб ҳол,
Замоним ой бўлди, соатим сол,

Бериб ёри санго иқболи сахтим,
Нужумдин ташлади хаб фоли бахтим.

Ниҳоли толеъим қайрилди хар сў,
Душан тўшлаш қуёшим бўлди абрў.

Рам этти ром ўлон ваҳший гизолим,
Бу кўрмиш хоб эди, билмом хаёлим,

79а Қани ул сўзлари жонимға марғуб,
Қамошти кўз кўранда кўрмадим хўб,

Яна шаҳзода айлар эрди зори,
Дер эрди:— Эй, жаҳон парвардигори,

Қилурсан табакай вобастаи ғам,
Мадида уйла жонон ила ҳамдам.

Буларни деб сукута шоҳ Баҳром,
Ўлтурсун анда бориб ул Гуландом,

Кел эмди, Сайқалий, ширин такаллум,
Боролик шаҳр Чин жониби Рум.

Хабар ул кишвари Румдин ололик,
Аларни ҳолини бир-бир сўролик.

Начук бўлди алар ул Рум арода,
Чиқиб овға йўқолди шоҳзода.

Билинг шаҳзода ул кун чиқти овға.
Отасиға юборди шерни совға.

Ўзи ул оҳуни ортиға тушти,
Басе, андин ҳама лашкар адашти.

Юрурди барча лашкар зор йиғлаб,
Ки ул саҳро аро Баҳромни кўзлаб.

Қидириб юрдилар, то ўтти ўн кун,
Хабар шаҳзодадин топмадилар чун.

Паришон ҳол қайтти барча лашкар,
Эшитиб бу хабарни шоҳ кишвар.

Чиқорди кўксидин оҳ аламшок,
Гирибону дилин ғамдин қилиб чок.

Леди йиғлаб:— Аё руҳи равоним,
Кўрар кўзум, ҳаёти жовидоним.

796 Қаён кеттинг, киши билмас хаборинг,
Начук манзиллара тушти гузоринг?

Сан эрдинг ғамлу кўнглумни сурури,
Белимни қуввати кўзумни нури.

Жамолинг шавқи бирлан шод эрдим,
Ғаму андешадин озод эрдим.

На хуш кунлар эди рўюнг кўрордим,
Ки изҳору ниҳонда гап урордим.

Дебон йўқлаб балосин ул суханрас,
Уқуди сўзи дилдин бу мухаммас.

Шоҳ кишвари Рум суюр балосидин ва кўзини
оқу қаросидин маҳрум ўлуб, зор-зор чун абр
навбахор йиғлаюб ва балосини дард сўзина қа-
рор олмаяб мухаммас айғони, анинг можораси
бу турур:

Эй маҳим, сарв сиҳим, богим, баҳорим бир болам,
Вей амирим, сафдарим, эр эътиборим бир болам,
Ай азизим, тавсани давлат сўрорим бир болам,
Вей шаҳи Рустам иноним, тождорим бир болам,
Қолмади сансиз мани бир дам қарорим бир болам.

Ким сиримни ёзғучи сирдошим эрдинг сан мани.
Баски ҳар хилватда кенгош бошим эрдинг сан
мани,

Ҳар хатарлик йўллара йўлдошим эрдинг сан мани,
Қуввати жону дилим, қўлдошим эрдинг сан мани,
Эй сурурим, сарварим, жоним мадорим бир болам.

80а Эй, ҳаётим боғида янги очилгон бир гулум,
Ошёни рўзгоримда газалхон бўлбўлум,
Қарчиғой боқишлиғим эй, арслон кўзлугум,
Уртади сўнюкларим ҳажрингда эй, жоним гулум,
Вей, зиё бергон чароғу рўзгорим бир болам.

Сан эдинг сарви равоним, бўстоним дуняда,
Зубдаи беҳжат забардасти замоним дуняда,
Бу сучук жонимдин ортуқ меҳрибоним дуняда,
Ман деб эрдим сан мани ному нишоним дуняда,
Эй сафолик офтоби, бе ғуборим бир болам.

Не саодат кун экан, оламда юрган кунларинг,
Қайси саҳроларни гарди бости ойдек юзларинг,
Қайсиларни юзига боқти қуролай кўзларинг,
Хўп хумор этти мани ваҳший кийикдек кўзларинг,
Қайси бир дардингни дей, ҳангомадорим бир
болам.

Эй тирклик боиси, икки кўзумни равшани,
Қайси манзилларда туштунг гулшани жон
булбули,

Эй қулунум, зорилаб кимдин сўрорман ман сани,
Бу балоу ранжу меҳнатга қўюб кеттинг мани,
Йўлларингга қолди чашми интизорим бир болам.

Ман начук сансиз жаҳонда кун кўрорман бир
нафас,

Булбули жоним учуб кетса таним қолса қафас,
Қайси савдо бошингга тушти ва ё қайси ҳавас,
Бош олиб кетсанг, сўроғингни тополмай мунча
кас,

Эй фалак овора қилгон, шаҳсуворим бир болам.

- 806 Ким ҳаётим гулшанида навниҳолим сан эдинг,
Ойу кундин покиза соҳиб жамолим сан эдинг,
Ҳам баҳорим равнақи фархунда фолим сан эдинг,
Чун сипаҳсолору сафдар эътидолим сан эдинг,
Ҳар урушда мисли тиғи обдорим сан эдинг.

Ман нетай сансиз бу жону бевафони дунёда,
Ман нетай сансиз бу умри бебақони дунёда,
Ман нетай сансиз чароғи бе зиёни дунёда,
Ман нетай сансиз дури қиммат баҳони дунёда,
Йўқ соғинмоқдин дигар ҳеч ихтиёрим бир болам.

Ман нетай сансиз бу кўшки хушнамони, жон
кўзум,

Ман нетай сансиз душан зилл ҳумони, жон кўзум,

Ман нетай сансиз асоси олижони, жон кўзум,

Ман нетай сансизки бу тахти равонни, жон
кўзум,

Чун хароба бўлди сансиз бу диёрим бир болам.

Ким сан эрдинг мунисим, дардим табиби
 биргинам,
 Жисмим ичра жон эдинг, кўнглум сурури
 биргинам,
 Бир худо қилғой жамолингги насибам биргинам,
 Бас мададкоринг бўсун тангри ҳабибим
 биргинам
 Эй ҳалолом, навниҳолом, мурғзорим бир болам.
 Ман нетай сансиз табору ошнони, жон қўзум,
 Ман нетай сансиз бу дардимга давони, жон қўзум
 Ман нетай сансиз бошимга қўш жиғони, жон
 қўзум,
 Ман нетай сансиз элимда қарчиғойни, жон қўзум,
 Вей гулум, ҳуснум баҳорим сабззорим бир
 болам.

- 81a Ё илоҳо, ёндур ул ўчқон чироғимни яна,
 Сан яқин қилгин душан кўздин ироғимни яна,
 Еткур ул жону жаҳоним қўл аёғини яна,
 Бир гули наврастай оройи боғимни яна,
 Ота-она, ақрабо хешу таборим бир болам.
 Ё илоҳо, еткур ул нозик мизожимни манга,
 Ким ўшал фатҳу зафар, тож узра тожимни манга,
 Рўзгорим зийнати равшан сирожимни манга,
 Еткур ул тириклигим — фарзанди жонимни манга.
 Марҳами жону дилим, ғам барорим бир болам.
 Ё илоҳо, санга тобшурдим қўзумни қил омон,
 Ул анисим, мунисим, кўрар кўзимни қил омон,
 Бу жаҳон офатларидин ялғузимни қил омон,
 Тоғ-тузлар ичра ул ширин сўзумни қил омон,
 Ёна келгай лутф қил парвардигорим бир болам.
 Ман начук жон сақлағай, ороми жонимдин жудо,
 Кони гамкинну тавозеъ меҳрибонимдан жудо,
 Ҳуру ғилмону биҳишти жовидонимдан жудо,
 Айлама андин жудо, айла бу жонимдин жудо,
 Сайқалий айтурди ул шаҳ эътиборим бир болам.

Бу сўзни деб шаҳи кулфат расида,
 Эриб бағри, тўкуб қўб оби дида.

Ҳазони ҳажр этиб рухсорасин зард,
 Урубон сўзи дилдин оҳ пурдард.

Дуҳони гам гирифт айлаб димоғин,
Билолмай бир балосини сўроғин.

816 Деди:— Кимдин сўрарман бир боламни,
Кима айтай, кима дей мунча ғамни?

Кетурса ҳар киши Баҳром хаборин.
Беройин ман анга кўнглида борин.

Бу сўзларни дер эрди шаҳ у фурсат,
Дер эрди йиғлашиб аркони давлат.

Тамоми шаҳру элдин чиқти фарёд,
Дер эрдилар дариг озода шаҳзод,

Чиқиб сайри шикора бўлса барҳам,
Тополмай келса излаб мунча одам.

Дебон Рум тобиъи фарёд эторди,
Эсиз шаҳзодамиз деб дод эторди.

Онаси ҳам эшитиб бу хабарни,
Тўқуб йиғлар эди хуни жигарни.

Дер эрди:—Эй чароғи хону моним,
Қўзум, кўрар кўзум, ороми жоним,

Азизим, қувватим, ороми жоним,
Ғазалхон андалиби ошёним.

Рафиқим, мушфиқим, бозор жоним,
Саросар машъалим, анвор жоним.

Қоронғуга қўюб егтинг қаёна,
Ки ҳеч ким топмади сандин нишона.

Қуролай кўзлугум, рухсори лолам,
Кўрунмас кўзима сансиз бу олам.

Ало эй, тутийи хушхони она,
Муҳаббатлик тан ичра жони она.

82a Онанг ўргулмади кокулларингдин,
Жамолингни очилгон гулларингдин,

Дури носифта янгли тишларингдин,
Паризоди эрам боқишларингдин.

Зумураддек ақиқ лабларингдин,
Сочилғон қанд руста гапларингдин.

Бўлуб ойдек эшикдан киргонингдин,
Бўлуб бирдаста гул ўтургонингдин.

Табассумлар билан сўз айтгонингдин,
Тавозеълар билан боз қайтгонингдин.

Тасаддуқ бўлмади жону жаҳоним,
Юракла қолди сансиз ормоним.

Қаён бординг аё, соҳиб қироним,
Фироқинг ўти бирла куйди жоним.

Бу нолишлар билан мискин оноси,
Эритиб тош юракларни навоси.

Ўқурди бу ғазални нола айлаб,
Сиришки хунини чун жола айлаб:

Эй фалак, қилдинг мани ул офтобимдин жудо,
Ул юзи гул, севгулук жону жаҳонимдин жудо.

826 Ҳақ таоллонинг атосидин эди бир туҳфан
Найлайин, бўлдум анингдек комёбимдин жудо.

Пора-пора бўлди бағрим ҳасратингдин чун садаф,
Бўлғоли ул бебаҳо дурри хуш обимдин жудо.

Дидбони мардум ўлди ғарқан тўфони ашк,
Қона дўлди косалар олтун рукобимдин жудо.

Ул тусаб топғон боламдин зор қолдим телмуруб,
Лаблари кавсар сифат, сўзлар зилолимдин жудо.

Сайқалпий, ҳижрон азоби гўр азоби кўргузур,
Демогил роҳатдур ул кўрган азобимдин жудо.

Шоҳ кишвар боласини ва кўзини оқу қаросини
хабарини билмайинча ул дам беқарору бе ором
ўлуб аркон давлатлар билан маслаҳат идуб ва
анинг от тортиб кулармандикда аркони давлат

рози ўлмаюб андак подшоеларни Шабрангайёб
жамоат бирла ҳар тарафа шаҳзодани ахтормо-
ғи учун юборғони ва охир Шабранг хабар шаҳ-
зодани бобойи Жаҳонгард манзилинда бўлушуб
ва анинг бирлан шоҳ кишвара хабар келтурғони
бу турур:

83а Эшитинг эмди сиз ул шоҳ кишвар,
Қийибон жомайи кулфатни барбар.

Қилиб таскин фиғону ноласига,
Маҳин истаб хаёл ҳоласига.

Тафаккурдин кўториб ғамлу бошини,
Тўқубон кўзларидин қонлу ёшини.

Боқиб аркони давлатларга ул шоҳ,
Деди:—Эмди бўлур ким бизга ҳамроҳ.

Сўроб истаб юрди ул қарчиғони,
Юруб баринг юзин таҳти самони.

Қаю сайёдни домига тушти,
Ва ё бир аждаҳо комиға тушти.

Тирикдур ё ўлукдур билсак хабарни,
Йўқ эрса дунёдин этсак гузарни.

Бу сўзларни дер эрди шоҳ кишвар,
Туруб аркон давлатлар саросар,

Дедиларким:—Оё, эй юрт ағоси,
Ул эрди барча қўлни қарчиғоси.

Ул эрди барчанинг руҳи равони,
Ул эрди юртимиз соҳиб қирони.

Ул эрди барчанинг бошига афсар,
Ул эрди зийнати шаҳру бу лашкар.

Ул эрдиким сипоҳсолору сафдар,
Йўқ эрди ўлкада анга баробар.

Ки ҳеч манзилда зоеъ қолмас ул шамъ,
Чаро андин бизим хотиримиз жамъ.

Ангадур рустамона зўру шавкат,
Забардаст замондур пур машинддат.

Киши майдонда танҳо йиқса шерни,
Начук аъдо йиқодур андоқ эрни.

836 Шаҳо, тут хотирингни жамъ андин,
Эмас лозим ани исторға сандин.

Юборолиқ тақи бир нечаларни.
Неча сардор ила бекбаччаларни.

Иноят айласа халлоқ олам,
Тоғиб олиб келурлар мунча одам.

Бу сўзларни дебонким бир неча сўз,
Деди дам ушбу дамдур рўз бул рўз.

Тараддуд айлабон айлантурунглар,
Мани бу оташимға сув урунглар.

Ушал маъракадин бил ул замона,
Туруб ўн минг йиғит отланди ёна.

Ки ул саҳро аро изландилар чун,
Шаҳи Баҳромни ахтармоққа акнун.

Юрурдилар шитоб айлаб кезиб чўл,
Дарак солиб сўроғлаб ҳам ўнгу сўл.

Бор эли шоҳга юз эллик айёр,
Ки ҳар иш бўлса барча эрди тайёр.

Бориси ҳам отонгон эрлар эрди,
Улуғни Шабранг айёр дер эрди.

Аларни ҳам чақириб олди ул дам,
Деди эй, Шабранго, тушти ажаб ғам.

Санам шогирдларинг бирлан қидирсанг,
Ки шояд бир хабар андин кетурсанг.

Деди Шабранг:—Шаҳо, ман санга банда,
Борурман ҳарна амр этсанг ман анда.

Шаҳарларни сўроғ солиб юройин,
Йўлида қолғон умрим ўткарройин.

Ки анда йиғди шогирдларни Шабранг,
Чиқиб Румдин юруб фарсанг бафарсанг.

84a Етиштилар шикор эткон у ерга,
Ўшал ким учрағон шаҳзода шерга,

Деди Шабранг у дам шогирдларига:
— Ки сизлар ҳам қидиринг ҳар сарига.

Бўлунуб тарқашиб кетти баҳар сў,
Қилиб Шабранг ўзи ул кўҳ сори рў.

Ки ул шаҳзода тушган йўлга тушти,
Олиб Баҳром изини чўлга тушти.

Неча кунлар юруб ул тоға етти,
Ки ул шаҳзода борган боққа тушти.

Бориб кирди ўшал гунбаз аро тез.
Турарди тахт узра сурати қиз.

Ани кўрди Шабранг фаҳм қилди,
Деди Шабранг: — Муни кўрди йиқилди.

Яна боқти ва кўрди бир куҳан сол,
Басе бир оқсоқоллик қари чол.

Салом айлаб сўроди андин аҳвол,
Алик олиб:—На дерсан,—деди филҳол.

Деди Шабранг:— Аё, эй кўҳна пири,
Келиб эрдиму мунда бир амири?

Баҳодир тийнату, покиза сурат,
Ҳаёлик ҳам мурувватдур баиззаг.

Деди пири Жаҳонгард:—Эй, биродар,
Келиб эрди бу ерда ул диловар.

Бу ерда бир кеча меҳмон бўлиб ул,
Бу суратни кўриб олдурди кўнгул.

Бўлуб ошиқ сўроди манди аҳвол,
Саволига жавоб бердим бо иқбол.

Дедим:— Фағфури Чиннинг қизидур ул,
Сўроғлониб муни кетти ўшал гул.

846 Бу сўзни эшитиб Шабранг айёр
Деди:—Эй пири мард, бўлғил хабардор.

Ки ул шоҳ кишвар ўғлидир, бил,
Манинг бирлан бориб ул шаҳга айғил.

Деди:—Қайдин борай, пири Жаҳонгард,
Ўзунг бориб дегил бул сўзни, эй мард.

Кўроп Шабранг пир бормас сўйи шоҳ,
Деди:—Кўрой, бобо,юр,—хоҳ но хоҳ.

Йўқ эрса бу маконингни бузорман,
Бошингни сабчадек олиб узорман.

Бу сўздин пир куҳан бўлди нокор,
Қўшулди анда Шабранг бирла ночор.

Равона бўлди чиқиб ул гунбазидин,
Жудо ул сурати фағфур қизидин.

Келурди Рум сори Шабранг ила пир,
Кезиб чўллар, ошиб тоғлар, ўтиб қир.

Буларга учради ул ўн минг одам,
Салом айлаб сўроштилар ўшал дам.

Дедилар:—Ҳеч хабар билдингму Шабранг,
На ердин учради санга бу бобанг.

Деди Шабранг:—Бобонг Баҳромни кўрган,
Ўзотиб шаҳр Чинларға юборган.

Эшитиб ул йигитлар бўлди хушнуд,
Кетурдилар ани шаҳ олдиға зуд.

Сўроди ўғлини ул шоҳ кишвар,
Ки ул пир кўргонин айди саросар.

Эшитиб шоҳ шаҳзода хаборин,
Бериб инъом узотти пирни ул ҳин.

Ки андин сўнг шаҳи равшан замири,
Бор эрди Дастур отлиқ бир вазири.

85a Утурур эрди ул Дастур қошиға,
Басе ҳамроҳ эди ҳар кенгошиға.

Дели:—Эй Дастуро, оқил эурсан,
Бу иш тадбирини эмди қилурсан.

Ки ул шаҳзода Баҳром Чинда эрмиш,
Кўнгилни духтари фағфура бермиш.

Деди Дастур: — Аё, эй шоҳ сарвар,
Йигиб лашкар олиб кўп зару зевар.

Басе Чин шаҳриға бормоқ керакдур,
Хабар шаҳзодадин олмоқ керакдур.

Деди кишвар:—Аё, Дастури оқил,
Бу ишни харна қилсанг эмди сан қил.

Дегонингни борин тайёр этойин,
Юборурға сани сардор этойин.

Деди Дастурки:—Хар амр ўлса сандин,
Кечиб ҳарён борурман жону тандин.

Мунодий урдуруб ул шоҳ кишвар,
Ки йигди Рум аро мажмуъи лашкар.

Айирди бир йигит ҳар дастасидин,
Тамоми зубдау орастасидин.

Жудо бўлди юз эллик минг баҳодир,
Сипоҳсолору ҳам эрликда машҳур.

Бори таррору, жаррору, музайян,
Тамоми пойи то сар фарқ оҳан.

Аларға айлабон Дастурни сардор,
Хазина юклотиб ул шоҳ мухтор.

Чиқиб уйдин узотти жониби Чин,
Ўзи қолди яна Рум ичра сокин.

Шоҳ кишвар шаҳзодаи хабарини бобойи Жа-
ҳонгарднинг Чинда кетгани булуб (билиб) Дас-
тур вазири бирла мушоварат ийдуб ва бир пора
лашкар суруб (айриб) ва хазина ва жавоҳирот
юклатуб ва юборурға Дастур вазирини сардор
идуб ва шаҳр Румдин чиқуб ва Чин тарафина
узотуб ва зор-зор йиғлайуб ва ўзи Рум шаҳрина
қолдики, анинг можораси бу турур:

856 Кел, эй ровий, сухан дарвозасин оч,
Шиновар бўл, бадарёйи пур амвож.

Баси Дастур билан йўлларга тушгил,
Олиб қўлни узун чўлларға тушгил.

Босиб чўлни юз эллик минг баҳодур,
Жўноди жониби Чин анда Дастур,

Этиб суръат юруб фарсанг ба фарсанг,
Ўтубон кўп шаҳарлардин ранго-ранг.

Дарак солиб сўроглаб ҳар шаҳардин,
Ошиб кўп тоғу, чўлу, баҳру бардин,

Неча муддат юруб манзил баманзил,
Ки охир еттилар Чин шаҳриға бил.

Етибон туштилар дарвозасиға,
Жаҳон тўлди бу қул овозасиға.

Кўрор Чин халқи ким бисёр лашкар.
Келиб дарвозаға тушти саросар.

Бориб еткурдилар фағфурға ул дам,
Келибдур ташқариға қул аъзам.

Басе аҳвол сўрдуқ бизлар андин,
Деюрларким келурмиз шаҳр Румдин.

86а Қилиб шаҳзода Баҳромни сўроғин,
Эшиттикким бўлбтур доҳили Чин.

Леб айтурлар аё, шоҳи сарафроз,
Ажаб лашкар, ажаб анжому андоз.

Эшитиб бу хабарни анда фағфур,
Вазири бор эдиким оти Ганжур.

Деди фағфур анга:—Сан турғил, эй ёр,
Ўзунг бирлан олиб бир неча сардор,

Бориб кўргил у қул сардорини бас.
Тузук фаҳм айлағил кирдорини бас.

Яна сўргил начук ишга келур ул,
Бу сўзларга ишонмас баски кўнгул.

Ки ул дам неча беклар бирла Дастур,
Равон чиқти бориси пеш Дастур.

Кўрушуб, сўрошиб, ўлтурдилар чун,
Қотиб сўз бир-бира мазмун бамазмун.

Икиси ҳам эди турфа суханрас,
Суханварлар ичида топса бўлмас.

Неча рамзи саволи сўрди Ганжур,
Ки фикр этмай жавобни берди Дастур.

Кўрар Ганжур ажаб доно эрур ул,
Ана анжом, ана хонч ана қул.

Қизил, ёшил, аладсиз соябонлар,
Амирлар бирла неча паҳлавонлар.

Қилиб Дастур вазир Ганжурни иззат,
Ажаб инъомлар берди у фурсат.

Деди Ганжур: — Биродар отланнинг чун,
Боролик шоҳнинг олдиға акнун.

Олиб Дастур ўзи бирлан амирлар,
Неча соҳиб сухан равшан замирлар.

866 У дам отланди Дастур ила Ганжур,
Кўшулуб бордиларким назди фағфур.

Туруб тахт устидин фағфур кўришти,
Яна бирлик биринна ўлтурушти.

Чиқиб шоҳ олдиға Дастур ўтурди,
Дуоу таслимот бар жо кетурди.

Ки ўткорди тамоми тухфаларни,
Қумоши(?) нодира лаълу гавҳарни.

Олиб тежидин анда бир китобат,
Олиб ул яди фағфурга у соат.

Олиб шаҳ номани муҳрини кўрди,
— Ўқуғил деб,—ани мирзоға берди.

Ки ул хатни ўқуй бошладди акнун,
Ки ул номада ном ҳаййи бечун.

Муҳаммадга дуруд бениҳоят,
— Аё, эй Фағфур соҳиб аморат.

Эрур манга лақаб шоҳ кишвари Рум,
Қилибман бир азиз фарзандимни гум.

Оти Баҳром дегон шаҳзода эрди,
Манга бир тухфаи афтода эрди.

Чиқиб овға адошиб кетти ул ёш,
Ҳавойи ишқ ила бир сар олиб бош.

Севар эрдим ютуб хуни жигарни,
Эшиттим Чинда деб андак хабарни.

Анинг учун юбордим пора лашкар,
Будур мақсад аё, эй жон, биродар.

Дараклаб сан ани Дастурға берсанг,
Ки миннатдорман манга юборсанг.

Биродармиз будур айгон каломим,
Кироми адлвойи вассаломим.

87а Басе Фағфур эшитиб ушбу мазмун,
Деди:— Андин хаборимиз йўқ акнун.

Вале Булғор тарафдин шоҳ Беҳзод,
Хаёли хом этиб бўлмоқа домод.

Келиб эрди йиғиб лашкар фаровон,
Ароға нечаларни қўйди чандон.

Анинг сўзини мақбул этмадик биз,
Уруштук неча охир икимиз.

Ки бир эрта билан бўлдук хабардор,
Қирилибдур ўшал лашкар баякбор.

Турур Беҳзод боши дарвозамизга,
Яна бир хат турур болойи найза.

Уқуб кўрдук ўшал хатни у ҳангом,
Турур хатни юзига муҳри Баҳром.

Битибдурким:—Бу иш Баҳром ишидур,
Осилғон бош Беҳзодни бошидур.

Киши олай деса Беҳзод ўчини,
Келиб Баҳрома кўргузсин кучини!

Бу сўзларни этибон хатга маълум,
Бўлубтур шул кеча бирлан ўзи гум.

Ки андин ўзга Баҳром келгони йўқ,
Агар келганда ҳеч ким билгони йўқ.

Деди Дастур ки:—Ул хат ҳоли қанда,
Танир эрди ани кўрганда банда.

Деди фағфур:—У хатни келтирунг зуд,
Ки шояд чиққай андин ушбу мақсуд.

Кетурдилар ўшал хатни сарафроз,
Туруб Дастур олибон айлаб эъзоз.

Очиб кўрди хати шаҳзодаси ул,
Кўзидин ёш оқиб, ул пок кўнгул.

876 Деди:— Ҳақ бил мунн, эй шоҳ фағфур,
Бу хат шаҳзодамиз битган хатидур.

Бу сўзга шоҳ фағфур қолди ҳайрон,
Шаҳарларга киши чоптурди ҳар ён.

Деди:—Ҳар ким хабар келтурса андин,
Берай анга улуш бу шаҳр Чиндин.

Начук шаҳбоз экон Баҳромни кўрсам,
Қилон бир кечада бир қулни барҳам.

Яна айди нидо қилғувчиларга,
Юруб айланг мунодий кўчаларга.

Мунодий қилдилар ҳар сў югуруб,
Тушубон шаҳр аросида талотуб.

Ки Баҳромдин хабар топмодилар ҳеч,
Сўроғлаб неча кунлар эртаю кеч.

Яна Дастур буюрди лашкарига,
Ки ул айёрларнинг ҳам бориға.

Силар ҳам ахтаринг Баҳромни акнун,
Танирсиз сизлара ул учраса чун.

Эшитиб турдилар жумла баякбор,
Юз эллик минг йигит, юз эллик айёр.

Юрурдилар ба ҳар сў ахтариб зор,
Сўрошиб, исташиб, ҳар кимдин ахбор.

Хабар шаҳзодадин топмас эдилар,
Бори ҳасрат билан ғамлар едилар.

Билинг бо тамиз Шабранг айёр,
Тузуб ўзига фикр этти баякбор.

— Басе, Баҳром шаҳр Чин келибдур,
Гуландом деб бу ишларни қилибдур.

Керокким бул анинг кўйинда бўлса,
Басе толиб деган жўянда бўлса, —

88а Дебон сўрди бир одамдин у ҳангом,
Деди:—Қайси тараф қасри Гуландом.

Ки бир одам анга берди нишона,
Ки Шабранг борди анга ул замона.

Боқар эрдики ул майдона ҳар сў,
Қўрарким бир намадпўш, жўлида мў.

Ўтурурди кўшк Гуландома боқиб,
Шарори оҳини майдона ёқиб.

Кўруб Шабранг юроги айлади жўш,
Деди:— Баҳрома ўхшор бу намадпўш.

Бориб олдин сори боқиб юзига,
Таниб Баҳромни ёш олди кўзига.

Ўўликмай қайтти тотиб анда мақсуд,
Югуриб борди шаҳни олдиға зуд.

Ўтурур эрди Дастур ила фағфур,
Сўз айтиб бир-бира аҳвол мазкур.

Салом айлаб деди Шабранг аларға:
— Эшиттинг, мужда келтурдум силарға.

Суюнчи берсангиз Баҳромни кўрдум,
Суюнгандин, шаҳо, сизга югурдим.

Чиқориб эгнидин кийгонларини,
Икиси берди Шабранга борини.

Яна бир шаҳр этиб Шабрангга инъом.
Деди қайси тараф қасри Гуландом.

Деди Дастур:— шаҳо, сиз ўлтурунг чун,
Ани биз келтурули Сизга акнун.

Ўтурди мунтазир ул шоҳ фағфур,
Туруб отланди Дастур ила Ганжур.

Ки Шабрангни солиб олдиларига,
Равона бўлдилар ул майдон сарига.

886 Юз эллик минг йиғит кетларидин,
Аларнинг орқасидин мардуми Чин.

Дер эрдиларки, Баҳром топилибдур,
Ки бир айёр экон онинг билиб тур.

Келурдилар сиғишмай кўчаларга,
Қолиб таҳсин эшитиб бу хабарга.

Ани бориб тамошо айлалук бас,
Кўроликким начук озода ул кас.

Добон борурди майдон сори ул эл.
Босиб паст-баландни ҳамчунон сел.

Етибон бордилар майдона дарҳол,
Дели Шабранг Дастурга бо иқбол:

— Хабардор бўлки, бул майдон ичинда
Утирур ул ғариб эғнида жанда.

Эрур шаҳзода Баҳром ибн кишвар,
Бу ҳол этмиш ани гардун ахзар.

Эшитиб бўлдилар жумла пиёда,
Борурдилар рикоби шоҳзода.

Ғалоғуллар халойиқдин баякбор,
Гуландом бўлди қаср ичра хабардор.

Канизлардин сўродиким, бу ғавғо,
Қаендин бўлди майдон ичра пайдо.

Канизлар дедилар ким, эй Гуландом,
Ки ул Беҳзодни қирғон шоҳ Баҳром.

Бўлубтурким бу майдон ичро пайдо,
Анинг учун келоди мунча ғавғо.

Бўлуб хуррам Гуландом бу хабардин,
Боқиб турурди ул суроҳ дардин.

Келиб Дастур, Ганжур иккиси ҳам,
Намадпўшга салом айлади ул дам.

89а Алик олиб, тониб турди намадпўш,
Кўрушиб бир-бирини қилди оғуш.

Ки андин сўнгра фаҳм этти Гуландом,
Намадпўшдир ўшал шаҳзода Баҳром.

Оқиғиб анда Дастур кўз ёшини,
Қўйиб шоҳзод оёғига бошини,

Дер эрдиким:— Эй шаҳ, афгору зорим,
Улуғум, сарварим, эй шаҳсуворим.

Начук ҳолдир, аё олий жанобим,
Жавоҳир афсарим, олтун рикобим.

Ғарибу хаста, бе хешу таборим,
Жудо аз кишвару, ёру диёрим.

Начук бода эди, сан айладинг нўш,
Начук ёр ишқидин бўлдинг намадпўш?

Неча муддат эдиким интизоринг,
Биҳамдиллоҳ, бегим кўрдум дийдоринг.

Добон Дастур навосин айламай бас,
Ўқурди сўз дилидин бу мусаддас.

Дастур Шабранг ила қўшулуб, Гуландом боқ-
часинда бориб ва шаҳзодаи кўруб, зор-зор чун
абр навбаҳор йиғлаюб (ағлаюб) ва аҳли чинға
шаҳзода Баҳром ўлдуги маълум бўлуб ва Гу-
ландом қаср ичра хабар бўлуб ва Беҳзодни
кирғон шаҳзода Баҳром ўлдуни маълум ўлуб
ва Гуландом бегоқат ва бесром ўлуб, зор-зор
йиғлагони ва дастур навосини бас қилмаюқ ва
аҳл олама таассуф солуб, бир мухаммас (?) ай-
ғони, анинг можораси бу турур:

896 Бу на ҳолу бу на савдо санга, эй маҳи ақолим,
Бу на шўру бу на ғавғо, тўлон ойдек ҳилолим,
На жафо эдики солди бошинго спехри золим,
Юзи шамс анвар ўхшар, кўзи қотил ғазолим,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Нега эттинг ихтиёри қўя салтанатга гадоғлиғ,
Қилиб эрди қайси отанг бу сифатки бенаволиғ,
Эй, ҳушингни олди қайси, қани сенга ул расолиғ,
Бу на куймак на ётмак, бу на дарда мубталолиғ,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

На нишону нишона берди сани бенишон қилди,
На насим ҳоли ўтти, рух гул хазон қилди,
Бу на дард эрди санга рух заъфарон қилди,
На ситамлар ўтди санга бәсе нотавон қилди,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

90a Қани жом Жам майгун, қани ул фар Фаридун,
Қани шавкат асосинг налар этти чарх гардун,
Қани таъби мушикофинг адам эрди ул фалотун,
Қаю Лайли эрди, шоҳим, санго солди ҳол мажнун,
Э, бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Қани садду баст шоҳи, қани мингон арғумофинг,
Қани лашкар гаронинг, қани аслаҳу ярофинг,
Эй амирим, аржумандим, қани ул дил димофинг,
Наёлин эди яношти...¹ қолди доғинг,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Бу дегонларим бориси ура бир замона барҳам,
На замон эдики тикди санга бу жунун адҳам,
На сабо эди учурди суйи шамс мисли шамбанам,(?)
Сан асири ғам бу ерда, Рум ичинда анда мотам,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Сан эдинг шаҳона шоҳим бу улус бошингга афсар,
Қалай, ўргулай, бошингдин шева қилдичарх ахзар,
Сан кўйи ғурбат ичра қилма мунда хок сар,
Ота-онанг йиғлаб анда сани ҳасратингда ўртар,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Сан эдинг ота-онангни чу ҳаёти жовидони,
Уйининг ёнар чароғи бу жаҳонда бир нишони.
90b На ситам ўтуб ул элдин, эй жаҳонни паҳлавони,
На шамол учурди бўлдунг бу риёзи заъфарони,
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

¹ Асл нусхада тушиб қолган (А. Р.).

Қаю юк ила эгилди қади сарви навниҳолинг,
Қаю корд ила кесилди яна риштаи висолинг,
Бу на вақт, бу на дамдур, бу на айлаган хаёлинг,
Демок ила Сайқалий сан камимас бу ҳасби

ҳолинг,

Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эътиборим,
Эй, кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим.

Дастур бу мухаммас(?) айғон сўнг жавобиёи
чин ва маъ лашкари ҳама зор-зор чун абр нав-
бахор йиғлаюб туроргон вақтинда. Гуландом
ҳам улу тортиб зор-зор йиғлаб ва кечмиш сўзи
дедикларина пушаймон ўлуб туроргон ва ул
Дастур бе муҳобо нола айлаб ва шаҳзодаи ҳа-
мома элтуб ювиб либос подшоҳона кийгузуб ва
ҳаждаҳ хиёбонда кетуруб тушургони бу турур:

Бу сўзларни дебон йиғларди Дастур,
Юз эллик минг йиғит ҳам қавми Ганжур.

Бори йиғлар эди Дастур сўзига,
Боқиб шаҳзода Баҳромни юзига.

Туруб кўшк устидан моҳи Гуландом,
Улу тортарди йиғлаб сўйи Баҳром.

91a Кўчар эрди гириви Чин ародин,
Улуғ кичик куюб ул можародин.

Кел эмди, Сайқалий, дилни сафо қил,
Ғаму андешани гардин раҳо қил.

Ўтуб меҳнат, битиб давлат туни бас,
Туғор эрди маишатни кунни бас.

Билинг, шаҳзодани Дастур у ҳангом,
Кийдуруб покиза айлаб бахаммом.

Саропойни гулоб ила ювдуруб,
Либоси подшоҳона кийгузуб.

Қўюбон бошига дастор заррин,
Тақибон қар-қара лаълу гуҳардин.

Қилиб бир асб тозига сувори,
Тушуб андин йиғилгон эрни бори.

Югуруб Дастур, Ганжур инона,
Борурди ўртада шоҳи ягона.

Гушуб сонсиз акобирлар жилавға,
Қамошур кўз турон саф-саф ясовға.

Икориб орқасидин кўп диловар,
Бўлуб шаҳзода чун хуршиди ховар.

Отни ӯйнутуб борурди ул дам,
Жамолидин мунаввар эрди олам.

Севингондин буюриб фағфури Чин,
Тамоми шаҳрни боғлоти ойин.

Бор эрди шаҳр аро бир бўстони,
Отин ҳаждаҳ хиёбон дерди они.

Дели:—Шаҳзодани анда тушурунг,
Саросар соябон хайма урунг.

Тутуб шаҳ амрини фаррошлар бас,
Тиқиб кўп хаймаларни тосу атлас.

916 Қўюб жинси ҳарирдин соябонлар.
Тамошо айлар эрди осмонлар.

Тўшаб кўб тосу атласдин пояндоз,
Қилиб шаҳзодани икрому эъвоз.

Етушуб шоҳзода тушти анда,
Ҳама хизмагда эрди мисли банда.

Сочибон бошиға дурру жавоҳир,
Қилиб шаҳзодалигни элга зоҳир.

Адиндин уй қилиб ул рўйи моҳа,
Келурдилар ажойиб боргоҳа.

Ки анда фарш эди сонсиз ҳарири,
Турурди устина олтун сарири.

Чиқиб ул тахт уза ўлтурди Баҳром,
Ушал боргоҳ аро бил, эй неку ном.

Ки уч минг сандали заррин бор эрди,
Амал теккон кишилар ўлтурурди.

Ки андин ўзгаси турди аёқдин,
Қилиб шаҳни тамошо ҳар қаёқдин.

Дуо қилдилар анда мажмуа қавм,
Магар рўзи арофат эрди у явм.

Деди Дастур: — Аё, эй дурри макнун,
Худо мақсудингизни берди акнун.

Бу дам фағфур кўргони сизни,
Буюринг ҳарна лозим бўлса бизни.

Деди Баҳром:—Агар анжомингиз бор,
Қилинглар неъматни пешкашни тайёр.

Деди Дастурки бе анжом йўқмиз,
Топилур жон одамдин дигар чиз.

Ки амр этти ясовулларга ул дам,
Девон беги баковулларга ул дам.

92a Муҳайё айлабон даркорликни,
Турурдилар ҳама боғлаб билакни.

Толибон лозим ишларни саранжом.
Утурур эрди Дастур ила Баҳром.

Басе фағфур амирлар бирла анда,
Келурди кўргони Баҳромни анда.

Чиқиб ўлтурдилар тахт узра боҳам,
Сўрошиб бир-бирин ҳам шод-хуррам.

Ки тартиб нозу неъматлар бениҳоят,
Зиёфат устига айлаб зиёфат,

Ки Баҳром пешкашни Дастур анда,
Ки фағфур олдинин ўткарди анда.

Ки бу мажлиста оро бердилар бас,
Сифат қилғон билан ҳеч рост келмас.

Боқиб Баҳром юзига деди фағфур:
— Ки Бехзодни сан ўлдурдунгму, гапур.

Деди шаҳзод:— Иноят этти ёри,
Ман ўлдурдум ўшал Бехзодни, ори.

Деди фағфур:— Начук ўлдурдунг они,
Сипоҳ лашкарларинг бор эрди ё не.

Деди шаҳзод:— Бўлунг, эй шаҳ хабардор,
Бу лашкардин дигар бир лашкарим бор.

У лашкарни бари жину паридур,
Аларнинг подшоҳи оти Сайфур,

Ки ул Сайфур эрур олти биродар,
Урушта ҳар бири қулга баробар.

Ки Сайфурдин сўғун Шаммос, Қаммос,
Яна Шаммий ва Каммий ёна Ҳартос.

Қариби икки лак жину паризод,
Аларнинг ҳукмидадур, эй неку зод.

926 Дебон арз айлади шаҳга борини,
Алар бирлан уруш қилгонларини.

На девнинг ишини тиндургонини,
Ки ул Бехзод чирикин қиргонини.

Баён этти борин мажлисда шаҳзод,
Эшитганлар дедилар:— Офарин бод.

Деди фағфур: — Аё қўзим, омон бўл,
Ирим бўлсанг жаҳонда ҳам чунон бўл.

Бу таркибу бу садду баст бирлан,
Келур қасд айласанг ҳар иш қўлингдан.

Инондук сўзларингга, эй диловар,
На фикр ила келур мунда у лашкар.

Чу келтурсанг эди қилсак тамошо,
Сабаб бирлан бўлурди бизга ошно.

Қабул айлаб бaсе шаҳзода Баҳром,
Қошига ўт тилаб олди у ҳангом.

Енидин мўйи Шаммосни олибон,
Тутотдиким ани ўтга солибон.

Дам ўтмай бўлди Шаммос анда ҳозир,
Дебон хизмат надур шоҳ акобир.

Деди шаҳзода:—Бор Сайфурга ёна,
Йиғиб лашкар кесун мунла равона.

Яна Шаммос кетти сўйи Сайфур,
Бориб шоҳ сўзларини қилди машҳур.

Эшитиб боз Сайфур йиғди лашкар,
Етиб шаҳзодага келди саросар.

Ўтирур эрди фағфур ила шаҳзод,
Баногоҳ етти ул шоҳ паризод.

Деди фағфурга Баҳром:—Келди Сайфур,
Қаёндин келди деб кўрдик фағфур.

93а Қизил, ёшил бўлуб Сайфур етушди,
Булутдек осмондин ерга тушди.

Салом айлаб келуб кўришдилар боз,
Қилиб фағфур аларни ҳам сарафроз.

Кетурдилар неча курсийи заррин,
Ки Сайфур жамъи ила ўлтурди ул хин.

Ки аксар лашкари жину паризод,
Қизил, ёшил бўлиб ўлтурди озод.

Қарор олдилар ул зебо чаманга,
Қараган кўз қамошур ранга-ранга.

Тамошо айлар эрди анда фағфур,
Чинилар, румилар, Дастуру Ганжур.

Муводиё уртурубон фағфури Чин,
Йиғар бўлди тамоми шаҳр халқин.

Келур эрди эшитиб ҳар гузардин,
Талашуб йўл тегишмай кўчалардин.

Йиғилди кўп халойиқ боғ аро чун,
Магар тўлди ер усти тахт гардун.

Ҳама наззора айлаб турдилар лек,
Йигит-қизи жумлаи баду нек.

Бор эрди ул йиғинда ҳар шаҳардин,
Бор эрди бохабар ҳар бир ҳунардин.

Ўтурурди ба давлат шоҳ, шаҳзод,
Қўшулуб одами бирлан паризод.

Кирибон ўртаға кўп нағмагарлар,
Ҳунар кўргузгали аҳли ҳунарлар.

Қўюр созандалар кўп созларни,
Чиқориб ранг-баранг овозларни.

Чолиб танбур-саптур, ғижжаку най,
Балобом, қонун, карнай, сурнай.

936 Қоқиб қонун навозлар кўс занглар,
Кўҳистонлар билан кўклар жаранглар.

Мунундек қўйдилар лаҳву тарабни,
Қилиб бехоб араб билан ажамни.

Тамошолар қилурди анда Фағфур,
Ки Баҳром, Сайфуру, Дастуру, Ганжур.

Чинилар, румилар ҳайрон қолурди,
Басе, кам-кам у суҳбат авж олурди.

Паризодлар билан жинлар алар ҳам,
Таажжуб айлар эрдилар бо одам.

Билинг ул кўшк уза моҳ Гуландом,
Тамоми жисмига йўқ эрди ором.

Арода пардан занбурни тортиб,
Ўтурур эрди ул суҳбатга боқиб.

Қи Баҳромдин ўзгага боқмас эрди,
Ўзга-ўзга тамошо ёқмас эрди.

Кўзи шаҳзодага танҳо ўтуруб,
Дер эрди ўзга хаёлига кетуруб:

— Мани, бечорани акнун бу шаҳзод,
Гуландом, деб яна қилгоймукин ёд?

Ва ё кўздин солиб кетгоймукин ул,
Агар кетса, жудо қолсам на мушкул?

Начукким ман анга қилдим жафолар,
Дедим кўп сўз анга бе марҳаболар.

Дариғо, кош, озор этмогайдим
Азиз шаҳзодани хор этмогайдим.

Яқин билмас эдим Баҳром эконин,
Мунундек шоҳ бо анжом эконин,

Давом сўктум, қачон эъвоз қилдим,
Қолиб ғафлатга бежо ноз қилдим.

94а Менинг учун мунундек шоҳзода,
Юзин туфроқлара қилди ниҳода

Губорин қилмадим сурма кўзумға,
Қима айтай ўзум қилдим ўзумға.

Ани манга рафиқ айла, илоҳи,
Ки навмид этма ман бахти снѐхи.

Добон ул сочи сунбул, қадди шамшод,
Ўтурурди боқибон сўйи шаҳзод.

Муни деб кўзларидин ёши оқиб,
Ўтурурди жонига ўтни ёқиб.

Чунончи тутти, суҳбат хурраму шод,
Шаҳи шаҳзод, паризоду одамзод.

Ёқибон шамъи фонуслар дилафрўз,
Ўтурурдилар йигирма кеча-кундуз.

Шаҳзодайи суҳбатда бироқинг ва Гуландом
моҳ пайкарим ўз ҳолига ва афсус надоматиға
буроқанг ва ровий тилидин бир сўз торансу
(?) суҳбат ўзарни Нўшод булғордин эшитинг.
Ушал кунким, Беҳзод булғор қирилди ва бу ха-
бар Нўшод булғорини сиға етушуб кўп афсус-
надомат идуб диловар лашкар беадад олуб кел-
дики ва шаҳзодайи комиёб Сайфур ила ва Рум
лашқари ила ани Беҳзоддек қирғони ва анинг
можораси бу турур:

Кел эмди, Сайқалий, сўз ҳиқасин оч,
Ки аврок хаёлинг сафҳасин оч.

Ки бир иш бошладинг эмди жадал қил,
Қийин афсоналарни эмди хал қил.

946 Ушал кунким қирилди қавм Беҳзод,
Топиб анда хабар булғор Нўшод.

Келурди бе ниҳоят зангги бирлан.
Хуни Беҳзодни истаб нангги бирлан.

Неча кунлар юруб Чинга етушти,
Ки ул Беҳзод қирилган ерга тушти.

Хабар келтурдилар Фағфурға андин.
Дедилар:— Келди Нўшод, эй шаҳидин.

Басе кўп зангги бирлан бениҳоят,
Киши кўрса қабоҳатдин қабоҳат.

Бу сўздин тийра бўлди анда Фағфур,
Басе фаҳм айлади шаҳзоду, Сайфур.

Деди шаҳзод:— Аё шоҳи хужаста,
На боисдан чиройинг бўлди баста?

Деди Фағфурки ул булғор Нўшод,
Келиб даъвойи қилибдур хуни Беҳзод.

Табассум айлаб ул дам шоҳзода,
Деди ул хатни кўрғон борму мунда.

Ани келгонидин ҳеч емангиз ғам,
Иноят айласа жаббору аъзам,

Солай эрта анинг бошига мотам,
Ки Беҳзоддек нишони қолмағай ҳам.

Буқун чарчаб келондур ул дам олсун,
Черикин илгори кейнин йиғсун.

Шаҳо, даврон ғанимат, ўлтурунг шод,
Еманг ғам юз тарафдин келса Нушод.

Қўторилди бу сўздин анда фағфур,
Ўтурдилар ўшал тун шод, масрур.

Билохир ул кеча ўтти саросар,
Еруб олам чиқиб хуршид ховар.

95а Ки андин сўнг деди Баҳрома фағфур:
Тўрам бу маслаҳат эмди на бўлур.

Деди эмди бу хизмат етса биздин.
Тамошо айласунлар мардуми Чин.

Буқун кимга берур халлоқ якто,
Шаҳо, сиз ўлтурунг айлаб тамошо.

Ки Сайфур бирла биз анда боролик,
Ки бир гарду наво айлаб кўролик.

Бўлур кимни асоси шавкати тарк,
Етар кимни лабига бодайи марг.

Бу даврон кимга бергай тожу давлат,
Ва ё кимга етар андуҳ кулфат.

Деди фағфур анга ким:— Эй жаҳонгир,
Аду шаҳдур ўзунгни айла ҳозир.

Сизи тангрига тобшурдим амон бўл,
Илоҳи комиебу комрон бўл.

Добон шаҳзодани қилди дуойи,
Бериб мискинлара сонсиз худойи.

Билинг акнун баҳодир шоҳзода,
Урушқа чиқмоқа айлаб ирода.

Деди:—Эй Сайфур, отлан саросар,
Шаҳардин ташқари чиқ сўйи лашкар.

Қи чатру, соябону, хайма ортиб,
Бориб майдон аро саф тургин тортиб.

Қабул айлаб туруб отланди Сайфур.
Кўториб тигларини ул баҳодир,

Қи андин сўнг туруб отланди шаҳзод,
Уруш таблин қоқибон сўйи Нўшод,

Бошинда қўш жиға, ёнида Дастур.
Чу кейнидин юз эллик минг баҳодир.

956 Эди пешвозида жину парилар,
Асоси салтанат бирлан у сарвар.

Равон чиқти шаҳардин аста-аста,
Бўлуб тўп-тўп, эл-эл, даста-даста.

Чиқибон фавж-фавж, кардус-кардус,
Қоқиб таблу ногора уруб кўс.

Яна туғ-туғ, алам байроқ-байроқ,
Қизил, ёшил, сариғ, пистақи, оқ.

Ҳавуж андар ҳавуж чўқ-чўқ бўлубон,
Чиқиб тўлли бу лашкардин биёбон.

Эди шаҳзодаким сардори лашкар,
Басе ул эрди лангардору лашкар.

Бориб Нўшод қўшуниға баробар,
Тикиб ҳаргоҳ чатру соябонлар.

Қи Сайфур лашкари ўнг қўлга тушти,
Яна Рум лашкари сўл қўлга тушти.

Тикиб шаҳзода чатрин илгорига,
Қаротиб юзларин Нўшод сорига.

Қилиб ҳар қайсисин ҳар ёна таъйин,
Бўлуб юз саф ясов тортилар ул хин.

Яна таъйин этиб сардорларни,
Ҳама туғлу сипаҳсолорларни.

Саранжом айлабон шаҳзод Сайфур,
Тамошоға чиқиб ўлтурди Фағфур.

Бир одам қолмади гўё шаҳарга,
Бўлубон пойраҳа тўбхоналарга.

Қилибон соябон барча бошига,
Ўтурди беклари фағфур қошига.

У ёндин саф тутуб турурди Нўшод,
Қилибон ўртада туғларни бунёд.

96а Тамоми занги боғлаб отиға занг,
Урушға кирголи бо номусу нанг.

Ики лашкар дема ики кўҳ қоф,
Неча қилсам сифатлар бўлмағай лоф.

Ики лашкар эмас чун ики дарё,
Гаҳи оқар пишибу, гоҳи боло.

Ики лашкар уруб Жайхун каби мавж,
Баҳодирлар қизиқиб олдилар авж.

Ки ул Сайфур ишилари билан ҳам,
Турурди сафдин илгори ўшал дам.

Дедиларким кон сўйи майдон,
Бизим бирлан қилур майдона жавлон.

Бирин эрди зангий Нўшод элидин,
Шерафкан сафшикан дер эрди отин.

Ки Нўшоднинг амин¹ ўғли эди ул,
Отин даврон бериб ул дам ўнгу сўл.

Талабкор деб келиб майдона турди,
Отини қамчилаб мастона турди.

¹ Амин ўғли — амакисининг ўғли

Они кўргач хуруж айлоди Сайфур,
Келиб шаҳзодадин ул олди Дастур.

Қўлига найза олиб ул диловар,
Суруб майдон аро кирди тақовар.

Шерафканни йўлини айлабон танг,
Деди:— Эй паҳлавон, кел айлоли жанг.

Шерафкан найзасин ўтқориб олди,
Ҳавола айлабон Сайфурга солди.

Ки бул ҳам найзасига солди найза,
Совутлар ёлтураб монанд байза.

Шоқурдотиб солурди бир-бирини,
Талотублар қилиб майдон сарини.

966 Берурди бир-бирини рад ики мард,
Ики аждар, ики йўлбарс, ики бабр.

Гаҳи боло бўлурдилар, гаҳи хам,
Чиқарди найзалардин ўтлар дамо-дам.

Ғамошолар этарди фағфури Чин,
Паризоду, одамизод, зангги ва жин.

Боқардилар ул ики эр кишига,
Чақилғон найзаларни оташига.

Келиб каҳри у дам Сайфурни бисёр,
Дабон эрликни айлай мунга изҳор.

Бир урди найза ушлаган қўлига,
Ки тушти шер илидин найза ерга.

Суғуриб анда Шерафкан қиличин,
Ҳавола айлади Сайфурга ул хин.

Тутуб қалқон бошига турди Сайфур,
Чунон урдикки Шерафкан баҳодур.

Сипардин гуркираб чиқти оловлар,
Пишарди ҳаврига оши паловлар.

Ки Сайфур ҳам қиличин тортиб ул ҳол,
Деди:— Шерафкано, бу ҳамлани ол.

Ки ул ҳам тортти қалқонин бошиға,
Суруб отин етиб онинг қошиға.

Чунон урди тағин Сайфур кўториб,
Шерафканни бошиға тегди бориб.

Кесиб қалқон, дубулға, тоқ тўсин,
Эгориға бориб ўлтурди ул хин.

Ки Сайфур илгина қувват кетуруб,
Босиб тиғин қуйи торти ўтуруб.

Чиқиб овоз жарро жар фалакка,
Тушуб ларза самодин то самакка.

97a Мисоли арра тортгандек бўлубон,
Оти бирлан ўзин икки бўлубон.

Йиқитиб ташлади тўбхоналардек,
Яна майдона турди шер нардек.

Яна бир зангги бадқаҳру бадранг.
Суруб отин уруб наъра қоқиб занг.

Келиб Сайфур баҳодирға тўқушти,
Икиси бир-бирин майдон сурушти.

Яна Сайфур келиб қаҳру ғазабга,
Олур бўлди ани таҳти азобга.

Қилич бирлан солиб ўнг қўлтуғидин,
Қаламлаб ташлади чаб қўлтуғидин.

Чиқиб ғавго ул икки лашкаридин,
Басе кўп занггиу, жину, паридин.

Хама дору дарахтларни кўчурди,
Ки тоғлар остидин кўкка учурди.

Тақий Сайфур отин жавлона солиб,
Қиличи лолагун илгига олиб.

Мубориз дерди майдон арода,
Суюнур эрди шоҳ шоҳзода.

Ки ул фурсат аро Нўшод элидин,
Биров майдон сари кирди тутуб кин.

Дер эрдилар отин зангги Мадоди,
Миниб бир асб този мисли боди.

Кийиб қат-қат совутларни ялортиб,
Басе ваҳшат билан шердек очиниб.

Олибон ковсари гурзи қўлиға,
Ки бўлди кўндаланг Сайфур йўлиға.

Уруб наъра деди кўр ишни биздин,
Бу кун қонлар тўкай майдона тездин.

976 Кўрар Сайфур келур гўё булутти,
Кўториб қалқонин бошиға тутти.

Мадод ул куббайи қалқона урди,
Ёшинлар йилтираб осмона турди.

Ки Сайфур устивор этиб ўзини,
Солиб сўйи Мадод икки кўзини.

Кўториб тиг илан бошиға урди,
Бўлуб икки эгар қошиға турди.

Яна тигин босиб тортти қуйига,
Фалаклар титради ул ҳойи ҳувга.

Ани ҳам от билан икки бўлубон.
Яна жавлон этиб турди бамайдон.

Яна бир зангги сочи фатила,
Суруб отин этиб Сайфурға ҳамла.

Ўзи турди яна майдон аро чун,
Қиличига бериб сув ўрнига хун.

Келубон олдиға турди баробар,
Они ҳам ўлдуруб Сайфур диловар.

Отини җўнотиб харён сў орди,
Мўбориз дер эди наъра урорди.

Ушал ҳолатда келди мингча занги,
Ҳама жанг дидау жанг жўйи жангги.

Кўтара от қўйди сўйи Сайфур,
Ки ул майдон аро бўлди ажаб шўр.

Ки Сайфур текрасини олди қат-қат,
Ки ул габрон пур зўр машиддат.

Ки бирдан ҳамла Сайфурға кетурди,
Ки Сайфур ўртода танҳо ўтурди.

Ким илгари етиб борса қошиға,
Тегиб шамшир йиқилурди бошиға.

98а Гаҳи тўб-тўб бўлиб бир от қўёрди,
На ким келганини Сайфур туёрди.

Таажжуб зангиларни ўлдурурди,
Ки хар сў хайли оҳудек сўрорди.

Урорди баъзисин киптини чоғлаб,
Йиқор эрди чинорлардек путоклаб.

Урорди баъзисин бўйнига шамшир,
Ажаб таҳсин қирон айларди ул эр.

Гаҳи шамшир олиб, гоҳи олиб гурз,
Учуруб зангилар бошин чу тарбиз.

У дам беш минг кишини қирди ялгуз,
Қизил қонга бўёлиб ул қизил юз.

Йиғирма беш минг бир хез қилди,
Яна Сайфур анга ангез қилди.

Ағосиға бўлушўб анда Шаммос,
Угуруб от қўлинда тиғи олмас.

Галога мисли бўри рўзин урди,
Солиб ўн мингини олдиға сурди.

Чунончи дасту бозу айлади тез,
У хунрез устига этти бу хунрез.

Ики аждар қилурди анда қирғини,
Қолурди ўзгалар ҳайрону таҳсин.

Ҳаё ҳувлар чиқар эрди фалакка,
Ғалоғуллар етар эрди малакка.

Ушал кун зангилар кўби ўларди,
Тирик йиғлаб ўлугини кўмарди.

Ўттиз мингни ул икки аждар,
Уруб тиф тўкуб қону кесиб сар.

Йигирма мингни майдона йиқти,
Ўзгасин сурди элтиб сафга тиқти.

986 Яна қайтти ул икки аҳли туғён,
Қилиб хирмон ўлукни нисли деҳқон.

Келиб шаҳзодаға қилди саломи,
Аларга этти таслим хос дуойи.

Деди шаҳзода:— Сайфур боракаллоҳ,
Ажаб ишларки қилдинг элга дилхоҳ.

Сан эмди мунда турғил ман боройин,
Ман ҳам элга ўйунлар кўрсатойин.

Деди Сайфурки—Ҳоло хорганим йўқ,
Қирарман зангги эли келса чўқ-чўқ.

Мунди деб кирди ул майдона ёна,
Уруб таблин юзига тозиёна.

Туруб бир наъра урди жону дилдин,
Ки ўтти наъраси дарёйи Нилдин.

Эшитиб зангилар ўти ёрилди,
Булутдек кукрашиб ҳарён торилди.

Ғалоғул тушти Нўшод лашкариға,
Кело билмодилар майдон сариға.

Дер эрдилар бу турфа шер нарду,
Ки бу Баҳром эмас эрмиш дигарду.

Ажаб жангдидау жангжўй экан бул,
Кўрунмас кўзига бу наҳанг қул.

Иковлон бу йигирма минг кишини,
Қириб майдон аро қилди ишнини.

Бу сўзларни дебон зангги эли бас,
У ерда бўлдилар Сайфурға келмас.

Юруб Нўшод деди бир нечаларға,
Эмунглар рўбарў бориб аларға.

Тақал қилли баҳодирлар баҳарсў,
Ки ҳеч ким қилмади майдон сари рў.

99а Бўлуб ночор ўзи Нўшод булғор,
Қилибон тарк нангу, номусу ор.

Чопиб майдон аро кирди таковар,
Келиб Сайфур билан турди баробар.

Икиси бир-бира хез этти ул дам,
Магар Афросиёб ила чу Рўстам.

Ки ул жангги найза қилдилар бас,
Башиддат кўксунуб монанд йўлбарс.

Солурди бир-бирига рад берибон,
Уруб наъра ики бабри биёбон.

Йиқолмай найза бирла бир-бирини,
Икиси ҳам олиб гурзуларини.

Дукушурди юриб майдон арода,
Тарқалар, чиқар эрди самода.

Боқиб ҳайрон қолурди лашкарилар,
Чинлар, румилар, жину парилар.

Бўлубон икиси анча машиддат,
Урурди бермойин бир-бирига навбат.

Вале ҳеч қайсиға этмас эди дард,
Берурди бир-бирига рад ики мард.

Дубулға бирла қалқонлар ушалди,
Икковини яна бели бўшолди.

Бу ҳолат бирла ул кун бўлдиким кеч,
Йиқита билмадилар бир-бирин ҳеч.

Деди Сайфурға ул Нўшод булғор:
— Бағоят кеч бўлди қўшунинг бор.

Тонготган сўнгра кел майдон аро тез,
Икимиз бир-бировга учрашурмиз.

Муни деб иккиси кетти ики ёғ,
Магар айрилди ўртадин икки тоғ.

996 Қи Сайфур келди шаҳзодни қошиға,
Йиғилди беадад одам бошиға.

Ани шаҳзод навозишлар этибон,
Бериб инъоми пурсишлар этибон.

Ўтурдилар ўшал тун хурраму шод,
Қилиб Сайфуру Шаммос ишларин ёд.

Деди ровий у тун Шабранг айёр,
Бориб Нўшод қўшунниға баякбор.

Аролаш бўлди фаррошлар билан чун,
Ғараз Нўшоддин олмоққа мазмун.

Ўтурур эрди беклар бирла Нўшод,
Дер эрди:— Вой Шерафкан бирла Беҳзод.

Қи андин ўзгасин кам йўқлар эрди,
Паришон ўлуб ул ғам ер эрди.

Дер эрди нечалар:— Шоҳо, еманг ғам,
Эмас лозим сафар устида мотам.

Басе нафъ айламас фарёд оҳинг,
Малул ўлма бўлур дилтанг сипоҳинг.

Яна кўнгли ўсар душман эшитса,
Шаҳо, шод ўлтурунг ҳар на ғам ўлса.

Бу сўздин қурдуруб Нўшод суҳбат,
Ўтурдилар ичиб май неча фурсат.

Қилиб андеша ғамни фаромуш,
Бу ён маст йиқилди барча беҳуш.

Ҳама ерлик ерига ёттилар бас,
Ки андин сўнгра ул Шабранг кам тарс,

Олиб ханжар қўлига чуст-чолок,
Этиб Нўшод чатрин орқасин чок.

Кириб кўрди ётур уйқуда Нўшод,
Ки ўлдурмай кетарни айлади ёд.

100а Ки ул дам тожини олди бошидин,
Кўтарди жумла аслоҳин қошидин.

Яна бир хатни Нўшод манглайиға,
Яна келди боят боргон пайинда.

Келибон ётти ўзин чодириға,
Кетургонин қўюб тахт сариға.

Тонг отгон сўнгра ул Шабранг айёр.
Ки шаҳзод олдиға борди қилиб кор.

Қошиға қўйди келтургонларини,
Ўтургонлар бори кўрди борини.

Деди шаҳзод:— Мунн қайдин кетурдинг,
Ҳарифонсан буларни қайдин урдунг.

Деди Шабранг ҳама қилгонларини,
Бу аслаҳларни келтургонларини.

Эшитиб шавқ қилди анда Баҳром,
Кетургонин ўзига қилди инъом.

Деди:— Эй Шабранг, бир иш қилибсан,
Ки ул Нўшодин ўлдурмай келибсан.

Агар ўлдурсанг эрдинг сан ани бас,
Терингни сўйдурур эрдим сани бас.

Начукким, эр деган майдона ўлсун,
Наинки беуруш армона ўлсун.

Дебон отланди қоқиб табли жангги,
Ясов торттилар ул дам сўйи зангги.

Қилибон жумлайи туғларни бир пой,
Баҳодирлар ясониб турдилар шай.

Қизил, ёшил бўлубон сабзу гулгун,
Туно кундин бўлуб бул кун дигаркун.

Турурди жанг қилурди иштаҳода
Қизиқиб барча бир-бирдин зиёда.

1006 Билинг эрта билан турди у Нўшод,
Қилиб шамширу совут, тожини ёд.

Кўрорким чатрини орқасидур чок,
Ўруб кетмиш ҳарифлар барчасин пок.

Ғазаб бирлан буюрди анда Нўшод,
Ки посбонлар борисин қирди жаллод.

Ки андин сўнгра ул Нўшод ҳайбар.
Қоқиб табу ноғора бо кару пар.

Туруб отланди ҳамроҳ анча зангги.
Яна ул занггича қул фарангги.

Жўнодилар бори Нўшод ила чун,
Кийиб кўм-кўк темир барча самогун.

Босиб гўё ҳама ерни юзини,
Тикиб шаҳзод ясовига кўзини.

Келиб саф туттилар майдон арода,
У ён Нўшод, бу ёнда шоҳзода.

Ики лашкар эмас гўё икки кўҳ,
Ки бир-бирдин эди анбуҳ-анбуҳ.

Баҳарсў оғдарилса титротур ер,
Фалак титраб, малаклар офарин дер.

Гаҳи дарёга ўшаб мавж урурди,
Гаҳи тоғдек бўлиб бар жо турурди.

Олиб қуршаб жаҳонни ул икки тоғ,
Қўрорға бир-биридин эди кўпроғ.

Баҳодирлар хумори жанг этарға,
Нечалар иштаҳа қочиб кетарға.

Бирунинг қасдиким чўмса бадарё,
Бирунинг қасдиким кўрса тамошо.

Қиши берса бўлур эл одиға бош,
Вале бе пардаға ҳайф ярим мош.

101a Нечалар айтушур эрди ўшал тун,
Зафар кимга бўлур, кимдин оқар хун.

Добон турурдилар бир-бирга боқиб,
Ики ёндин уруш таблини қоқиб.

Ўшал ҳолатда бил Нўшодо булғор,
Чопиб майдон аро кирди баякбор.

Уруб бир наъраи пур зўр ул габр,
Жаҳонни гулдуротиб ҳам чунон абр.

Деди:— Ҳар кимки билса боз билсун,
Ки ҳар ким билмаса эмди тобинсун.

Ки ман Нўшод булғори эрурман,
Чунон ман-ман деган додин берурман.

Эшитгил сан, аё Баҳром мандин,
Тило келдим хуни Беҳзодни сандин.

Ўзунг киргил букун майдона эмди,
Тушоли иккимиз жавлона эмди.

Санго то кўргузойким зарб дастим,
Қилойин он қадар борича қасдим.

Ҳануз бу сўз анинг оғзига эрди,
Қи қолган сўзлари бўғзига эрди.

Отини сакратиб Баҳром барно,
Бўлуб шамси мусаффодек алайно.

Қўшундин айрилиб майдона кирди,
Қўрубон зангилар гурзона турди.

Деди Нўшодга боқиб:— Эй талабкор,
Бери кел хун десанг, сўз дема бисёр.

Букун ман марди майдоннинг эрурман
Тўкуб қонингни ё қоним берурман.

Дедон ул шоҳзода марди майдон,
Салоботини оламга солибон.

1016 Суруб отин саропо гирди майдон,
Бериб жилва қўлинда тиғ буррон.

Дер эрди кўргуз эрлик, эй мубориз,
Санам Беҳзоддек бўлма туруб тез.

Қелиб қаҳри бу сўзга габр Нўшод,
Ҳавола қилди тиғин сўйи шаҳзод.

Қи шаҳ бошига қалқонин тутубон,
Сўёна турди шаҳзод урди ул он.

Оловлар гуркираб чиқти самога,
Вале кор этмади ул аждаҳога.

Борурди от шамоли бирла Нўшод,
Солиб тиғин, олиб гурзини шаҳзод.

Деди:— Эй паҳлавон, бу ҳамлани ол,
Тутуб қалқон деди Нўшод:— Сан ҳам сол.

Чунонча урдиким, шаҳзода Баҳром.
Йиқилди шаҳр Чиндин бир неча том.

Шароралар учти қалқондин баҳар ён,
Магар таҳти фалак бўлди чароғон.

Анингдек гурзининг зарбига Нўшод,
Йиқилмай қолди анга офарин бод.

Ва лекин онқадар бетоб бўлди,
Чаро тагинда йиқилиб оти ўлди.

У дам Нўшод яна бир отға минди,
Кўториб гурзисин Баҳрома турди.

У гурзини узолиб тутти шаҳзод,
Неча тортиншти шаҳзод ила Нўшод.

Кўриб ҳайрон қолурди фағфури Чин,
Паризоду одамизод, зангги ва жин.

Билохир зўр этиб шаҳзода Баҳром,
Сўғуруб олди гурзини у ҳангом.

102a Олиб отиб юборди сўйи зангги,
Йигирма зангги пур зўру жангги.

У гурзи зарби бирлан топти ором,
Деди кўргон:— Бали шаҳзода Баҳром,

Сўғуриб тигини ул дамда Нўшод,
Туруб хез этти ул дам сўйи шаҳзод.

Кўториб қаҳр ила солди башиддат,
Ани рад айлади шаҳзод у фурсат.

Бу ҳам Нўшодга солди қиличин,
Қаламлаб ташлади қалқонин ул хин.

Ки Нўшод бошни қолди ёшуруб,
Бошидин тиг Баҳромни ёшуруб.

Узин арқонлагон ташлаб отиға,
Ярим қалқонинг қолди бо дубулға.

Бу газ фанд ила қолди эрса Нўшод,
Отини ики бўлди тиг шаҳзод.

Ийқилди ерга Нўшод оти бирлон,
Бўлуб мисли кўпик оғзи, боши қон.

Боқиб Баҳром сариға қилди фарёд.
Деди:— Эмди туш отдин, вой шаҳзод!

Кўролик бир-бирини бор кучини,
Тамошо кўрсатиб майдон элини.

Деди шаҳзод:— Муни яхши дединг бас,
Курошмасак урушмоқ бирла бўлмас.

Муни деб икиси тушти отидин,
Юруб ларзон бериб ернинг бисотин.

Тузолди иккиси тошлаб яроғин,
Чу қалқону қилич бирла садоғин.

Боқиб бир-бирига шеру палангдек,
Тўқушуб бир-бирга икки наҳангдек.

1026 Узотиб бир-бира қўл ташладилар,
Ки Рустамнинг курушин бошладилар.

Узолди бир-бирини икки аждар,
Тамошо айладилар анча лашкар.

Боқиб фағфур, Сайфур бирла Дастур,
Дер эрдилар:— Чиқорким қайсиси зўр?

Худоё, бер мадад шаҳзодая чун,
Бу эрни йиқмоғай ул габр малъун,—

Добон турурдилар айлаб дуолар.
Тутушиб ўртада ул аждаҳолар.

Икиси бир-бирин силтар эди чун.
Чу ер ларзон уруб, титрорди гардун.

Килурди мажмуъ лашкар тамошо,
Кўчуруб кўкни шавкун бирла гўё.

Икиси бир-бира зўр этди чанди,
Ки аммо эрди Нўшод қад баланди.

Қилибон ғайрати ул дамда Баҳром,
Дебон: ё ҳаллоқ, фарду неку ном,

Ки Нўшод қадини ердин кўториб,
Манородек қилиб қўлтуқлаб олиб,

Ўкуруб осиедек бир неча чарх,
Чунон урди ера бефарқ бе нарх,

Оёқлари синиб, боши ёрилди,
Қони туфроқлара лойдек қорилди.

Яна ханжар билан кести бошини,
Хун истаб келди топти ишини.

Тани Нўшод жудо бўлди бошидин,
Ғириви кўчти ики лашкаридин,

Чу кўрди зангиларким ўлди Нўшод,
Солиб ҳайгир этиб афғону фарёд.

103а Бори от қўйди Баҳром узра ул дам,
Қоронғу бўлди ул дам жумла олам.

Минибон отиға шаҳзода Баҳром,
Қўлинда тиғи олмос аждаҳо фом.

Ўзини урди Нўшод лашкариға,
Суруб ҳар сў урурди сар-сарига

У дам анча чернки бирла Сайфур,
Ки Дастур, ул юз эллик минг баҳодир.

Булар ҳам зангиларға қўйдилар от,
Начук айлай баён ҳайҳот, ҳайҳот!

Аролаш бўлдилар андеша қилмай,
Уруб йиқмоқдин ўзга пеша қилмай.

Қўшулуб ики дарё мавж урорди,
Одр-одр бўлуб урғож урорди.

Чу гирдоб ўргулуб ғарос урарди,
Қўб эрларни дами олмос урурди.

Сурорди бир-бирин мисли булутдек,
Не шаҳбозлар учуб отдин мурутдек.

Чунон мағлуба аъзам жанг бўлди,
Ки ул жанг қонла олам занг бўлди,

Ҳаводин ёғди ул дам марг борон,
Қадаҳ сунди чунон соқийи даврон.

Баҳодирлар қилур эрди фиғонлар,
Чопиб шамшир, уруб гурзу синонлар.

Қиличлар учидин чақмоқ чоқилур,
Оловлар гурзу найзадин ёқилур.

Йиқилурди ададсиз паҳлавонлар,
Қизил қонлар бўлуб оқарди қонлар.

Хусусан ул улуғ қирғин орода,
Қирон айларди Баҳром шоҳзода.

1036 Қўлинда тиф буррони ялонғоч,
Баҳар сў хез этиб чун аждар оч.

Ки Нўшод лашкарин ҳар сў сурорди,
Неча саф-сафларини соф этарди.

Оловдек ёндириб хўлу қуруғин,
Адолар айлабон Нўшод уруғин.

Яна ҳар сў қирон айларди Сайфур,
Дами ўтдек ёниб оғзинда гур-гур.

Уруб наъра еру кўкни кўчуруб,
Отин маҳмиз этиб ҳар сў учуруб,

Ададсиз габрлар бошин кесарди,
Дамодам жўш уруб кўнгли ўсарди.

Қирар эрди наистондек қаламлаб,
Қани онолари турса боламлаб.

Яна ҳар сў қирорди беш иниси,
Оч арслондек бўлубон ҳар бирисн.

Қирарди бениҳоят зангиларни,
Қилиб ҳайратда ғавғо жангчиларни.

Яна ҳар сў қирон айларди Дастур,
Бу ҳам ишлар қилиб монанд Сайфур.

Зангилар мурдасини чош этарди,
Тирикин ўлуко йўлдош этарди.

Қўлида икки юз ботмон эди гурз,
Суруб тўб-тўбини ҳар ерда ялғуз.

Урубон бошларин талқон этарди,
Йиқитиб ер билан яксон этарди.

Яна Шабранг қирарди зангиларни,
Учуруб нашосин ул бангиларни.

Қўнорди тўбларига қарчиғодек,
Қирорди қавм Нўшодни балодек.

104а Юз эллик минг баҳодир ҳам қирарди.
Тамошоларни чинилар кўрарди.

Қирордилар яна жинну парилар,
Кучоқлаб нечалар бирин йиқарлар.

Кўб эрлар бўлди ул ғавғода барҳам,
Булар ҳам қирдилар бўлқун улар ҳам.

Ки ул кун гард жангдин тутулди,
Киши билмас ким ўлди, ким қутулди.

Бўлушти бахту иқбол сўйи шаҳзод,
Фалак Нўшод элини берди барбод.

Адо топти магар Нўшод черики,
Саросима бўлуб қолган тирики.

Буларга тоб этолмай қочти ночор,
Ўгуруб юзларини сўйи Булғор.

Сурубон орқасидин тушти жинлар,
Бўлубон тўда-тўда қолди зинлар.

Игориб қувдилар то ики фарсанг,
Қизил қондин бўлиб саҳро юзи ранг.

Бирор-бирор қутилди зангги элдин,
Боқиб ўлжага қолди мардуми Чин.

Ажаб ишлар қилиб шаҳзода Баҳром,
Топиб иқболу давлат нусрати том.

Қиличин учидин қонлар оқизуб,
Халойиқни тамошога боқизуб.

Саломат чиқти андоғ ёнғон ўтдин,
Магарким офтоб чиқти булутдин.

Яна Сайфур чиқиб жангдин саломат,
Кўруб сунъи худодин кўп аломат.

Яна Шаммос ила жинну парилар,
Ки Дастур, Шабранг ила лашкарилар.

1046 Тамоми гуркураб чун аштари маст,
Салоҳлар пора-пора гурзи бардаст.

Қириб Нўшод қўшунин саф айлаб,
Ўлукдин неча кўҳи қоф айлаб.

Уруш майдонидин чиқтилар акнун,
Саропо бўелиб қон бирла гулгун.

Басе фағфур кўриб ҳангомаларни,
Лабин тишлаб солиб жунбиш сарини.

Тушуб беклар билан пешвоз чиқти.
Басе Баҳрома истиқбол чиқти.

Қучоқларин ёзиб икиси бирдек,
Кўруштилар падар бирлан писардек.

Ўлиб шаҳзод юзидин анда фағфур,
Деди:— Ҳорманг, аё шоҳи баҳодир.

Деди шаҳзод:— Бўлунг, шоҳо, саломат,
Ҳаёт борича кўрманг ранжу меҳнат.

Қи Сайфур, Дастуру беклар кўрушти,
Қилибон барчаси ул боға тушти.

Утурдилар қуруб мажлис, бўлуб шод,
Неча кунлар ғаму кулфатдин озод.

Басе фағфур қилиб шаҳзодни иззат,
Бериб инъомлар аз ҳадди ғоят.

Яна Сайфур билан Шаммос, Дастур,
Борисини сийларди анда фағфур.

Неча муддат мунундек суҳбат айлаб,
Басе шаҳзодани кўп ҳурмат айлаб.

Бориб ўз тахтига ўлтурди фағфур,
Қолиб шаҳзоду Сайфур ила Дастур.

Кенгоштилар ҳама аркони давлат,
Дедиларким:— Эрур фурсат ғанимат.

105а Деди Сайфур билан Дастурға Баҳром:
— Боринглар назд фағфурким бу ҳангом.

Денгизлар бир неча сўзлар бамазмун,
Кўрингларким они тарзини акнун,

Қабул айлаб туриб Сайфуру Дастур,
Равон бўлдилар ул дам назд фағфур.

Утурдилар кириб шаҳнинг қошиға,
Қўшулуб шод-хуррам суҳбатиға.

Қилиб Фағфур навозишлар фаровон.
Суханворлар ҳикоят қилди чандон.

Деди Фағфур:— Силар ҳам сўзлашунглар,
Мусофирмиз, дебон ўлтурмангизлар.

Эшитиб шаҳ сўзин Дастур доно,
Қовуштирди сўзини сўзга усто.

Қилибон ул неча ердин ҳикоят,
Қи охир мақсадин қилди ишорат.

Деди фағфур:— Фидо шаҳзодаға жон,
Эрур жону жаҳоним анго қурбон.

Вале менинг қизим бадхў эрур бас,
Бу сўзларни анга еткурса бўлмас.

Агар берсам ани шаҳзодаға ман,
Ҳалок айлар ўзин ўз қаҳри бирлан.

Деди Дастур:— Аё, эй шаҳриёри,
Агар сиздин ижозат бўлса ёри,

Кетуруб Сарвосони юборсам,
Ки ул қилгай мулойим сўз била нарм.

Деди фағфур:— Сухан шул, эмди боринг,
Кетуруб Сарвосони юборинг,

Басе Дастур Сайфур турди хуррам,
Келиб шаҳзодани олдиға ул дам.

1056 Дедилар анга фағфур сўзларини,
Яна ўзларини айғонларини,

Деди шаҳзода:— Андоқ бўлса Сайфур,
Киши юбор аларни мунда келтур.

Яна ул деви Афрўъни молини,
Деди айғил бор олиб келсун борини.

Деди Сайфур:— боқибон сўйи Шаммос,
Боринглар икингиз Шаммосу Қаммос.

У дам Шаммосу Қаммос йўлга тушти,
Дам ўтмай ўз маконига етушти.

Руҳафзо Сарвосони олиб бод,
Алар бирлан неча хушрў паризод.

Ҳама айғонларин анжом этибон,
Келиб тушти паризодлар у ҳангом.

Салом айлаб Руҳафзо Сарвосо.
Тавоф айлодилар шоҳзодни андо.

Кўрар шаҳзодаким абру ҳилоли,
Эрур ҳар қайсиси бадъул жамоли.

Турур атрофидин монанди гулзор,
Бўлуб ул боғ аро мисли эрамвор.

Анингдек бўлса ҳам шаҳзода Баҳром,
Кўрунмас кўзиго ғайри Гуландом.

Йўқ эрди тоқати лаҳза турарға,
Ўтурса турса, турса ўлтурарға.

Руҳафзо, Сарвосоға у сарвар,
Дедиким:— Эй, паризодлар, турунглар.

Гуландом олдиға боринглар акнун,
Қилинглар сўзлашиб ҳосил бу мазмун.

Денгиз сиз учун Баҳром дилтанг,
Кўруб кулфат, чекиб заҳмат, қилиб жанг.

106а Гуногун дардларингга қилди тоқат,
Ўмид айлаб, кўрарман деб фароғат.

Ки эмди васлинг истар, эй неку рў,
Бурунғудек анга сан қилмоғил хў.

Добон бир неча сўзни еткурунг боз,
Кулуб, ўйнаб бўлунг ул моҳга дамсоз.

Бу сўзларни добон шоҳи мусаллам,
Юборди бу ғазални хатга ул дам.

Ровий андоқ ривоят қилурким, шаҳзода жаҳон паҳлавон Нўшодни лашкариния қириб ва фатҳ фируза ила яна чаҳорбоға келуб ва аркон давлатли мушовара идуб ва фағфур тарафина Сайфур ва Дастурни юбориб ва руҳсат ҳосил әдуб ва Руҳафзо ва Сарвосони келгуруб ва Гуландом моҳ пайкар, ширин лиқоба зовчилик учун юборғони ва ул ики паризод Гуландом моҳ пайкарни суҳбатиға восил ўлуб, шаҳзода тарафидан васлин әсмоки охирул амр Гуландом моҳ пайкар тазвиж ихтиёрини отасини ихтиёрина жавоб деркони ва парилари чўқ-чўқ иззат ва ҳурмат идуб ва ранго-ранг саруполар беруб юборғони ва шаҳзода париларни юбордикда бир ғазал

ғайр мукаррар ёр жондоз дилнавозина ёзиб па-
ризодлар билан юборғони, анинг можораси бу
туруп:

1066 Эй гўзаллардин гўзал, бу телбадин орингни қўй,
Тоза-тоза яхши сўзли кўҳна гуфторингни қўй.

Иккимизни орамизда аймағон сўз қолмади,
Қил жадид ҳар на десанг ашъор такрорингни қўй.

Қайси мазҳабда бўлсанг ман ҳам қабул айлай
Хоҳ китобинг қўй қошимга, хоҳ зуннорингни қўй.
они,

Кўкнори фирқатинг бирла мани маст айладинг,
Тавба бер андин санам ўзга қизиқ нозингни қўй.

Сайқалий, гар дилраболар суҳбатини истасанг,
Кир харобот ичра сан тасбеҳ, дасторингни қўй.

Бу сўзларни битиб шаҳзода Баҳром,
Руҳафзога бериб сўйи Гуландом.

Деди:— Бор Сарвосо бирла акнун,
Бу ишни биткоринглар, баски, булкун.

Тутуб ики паризод амри шаҳзод,
Олиб ҳамроҳ эса неча паризод.

Тузониб барчаси бо зебу зийнат.
Гуландома жўнодилар у фурсат.

Яқинлаб борибон кўшкига они,
Туруб бир қизни айдилар равони.

Гуландом олдиға бориб ўшал қиз,
Парилар келди деб, анга деди тез.

Эшитиб ул Гуландом бўлди хуррам,
Деди:— Айғил кесунлар хайр мақдам.

Бориб айди у қиз: «Келсун дедилар»,
Очиб юзларини ул нозанинлар.

Гуландом икисин кўриб у тарза,
Келиб рашки таниға тушти ларза.

107а Деди ўз кўнглига мундоқ паризод,
Муяссар бўлса нетсун мени шаҳзод.

Туруб пешвоз бориб олдилариға,
Кўрушти ул париларни бориға.

Қилиб таклиф аларни ул Гуландом,
Тавозеълар билан ул чашми бодом.

Руҳафзо, Сарвосо илкин ушлаб,
Олиб чиқти ўзин кўшига бошлаб.

Чиқиб тахт устига уч моҳ пора,
Ўтурди ўзга қизлар чун ситора.

Басе ул Сарвосоу Руҳафзо,
Қилурдилар Гуландомни тамошо.

Кўрубон қаду рафторини они,
Табассум бирла гуфторини они.

Қизил рахш олмадек рухсорасини,
Кийикдек рам чекон назорасини.

Ажаб ҳайрон қолиб икки паризод,
Дер эрдилар:— Мунунг учун у шаҳзод,

Қиё бизга назар солмас экан ул,
Бериб мундоқ тарафсиз моҳа кўнгул.

Деб ўлтурур эди ул дилраболар,
Бўлубон бир-бирига ошнолар.

Боқиб бир-бирига таҳсин қилурди,
Фалак шамси алардин рашк олурди.

Қуруб мажлис ўтурди ул санамлар,
Бош олиб кетти андин лард, ғамлар.

Қотиб сўз бир-бирига бо латиға,
Кулушар эрдилар мунча ҳарифа.

Қуюққанда эшитса анда сўзлар,
Қани анда тамошо қилса кўзлар.

1076 У гуллар ҳар бириси бир чамандин,
Бири Чиндин, бири шаҳри Хўтандин.

Бири жумла парилар сарваридур,
Ўзгаси ул учин қарқинларидур.

Учи ҳам жумла маҳвашлар сароси,
Учи ҳам дилраболар интиҳоси.

Учи ҳам шўҳ чашми шўр ангез,
Учи ҳам жони ошиққа жафорец.

Учи ҳам бо суфо байзо сиришти,
Учи ҳам мисли уч ҳур биҳишти.

Учи ҳам мисли уч шамшод ларзон,
Учи ҳам мисли уч садбарги хандон.

Ажаб нозук бадан гул пираҳанлар,
Ажаб тўти тақаллум хуш суҳанлар.

Аларнинг шонида кел, эй суҳанвар,
Қи қилғил турфо мустахзодни дарбар.

**Сайқалий ул уч гуллари кўруб ва аларнинг
шониди бир мустахзод айтгани:**

Ул уч гули навраста гулзори таманно,
вч қутби музоҳиб.

Бир-бирларини ҳуснини айларди тамошо,
завқ ила қувониб.

Рухсоралари барқ урубон бадр мунири,
ақраб киби жаъдин.

Сўзлар диди лаблар очилиб лола ҳумарро,
бир-бирга муносиб.

Ул уч маҳи чобук назари тез суҳанлар,
бир-бирга тегишиб,

Этмас эдилар ўзга рамуз ул ера ифшо,
шаҳзод эди ғойиб.

108a Ул уч ҳури жаннат қади тўби, лаби кавсар,
ширин ҳаракоти.

Гул-гул очилиб ўйношур ул кўзлари шахло,
 бо ишва талошуб.
 Қилур эдилар чун пари товус баҳар ранг,
 ул ўйни ичинда,
 Йўқ кўрса алар суҳбатини анда Зўлайхо,
 ким қолса ажойиб,
 Бир-бирларини бўйнига қўлларини ташлаб,
 ўйнаб-кўлушурлар,
 Бир шамси сафо ўн икки моҳи шаби ялдо
 ё неча кавокиб,
 Сан қайда эрдинг, Сайқалий, ул маърака
 ўтмиш, бул даҳри фанодин,
 Ҳоло бўса ҳам яхшилари айла тамошо,
 ёт анда сўлойиб.

Алқисса бу мустаҳзолдан сўнг бир-бирларина
 дар ёндин хикоятлар айдуб ва охируламр шаҳ-
 воданинг арзини диюб васлин истагани за Гу-
 ландом бадав муғозаба бисёр шаҳзода бе коми-
 ёб отмака рози ўлуд ихтиёрини отасига бергани
 бу турур:

Дегил акнун баси ул дилраболар,
 Ул уч жон офати, қоши қаролар.

Даҳан чун гуннаи кўз бодом торлар,
 Сухан чун асаб, лаби ёқути тар.

Ёниб, яшнаб қизил гулдай очилиб,
 Гул атрофини сунбуллар сочилиб.

Утурур эрдилар рибзв ханда,
 Қани ошиқ, тамошо кўрсе анда.

1086 Боқиб бир-бирига га ташлашибон,
 Сухансўлар суханни қузғошубон.

Гуландом сўрди ул қизлардин анда,
 Руҳафзо қайсидур ва Сарвосо.

Эриб айди ул қизлар иккисин,
 Басе англаб Гуландом анда таъйин.

Сўрорди Сарвосодин ким ул хур,
 Руҳафзога яношибмидур Сайфур.

Табассум айлаб анда Сарвосо,
Деди:— Қайдин яношсун, эй дилоро.

Аларнинг аҳди булдур, эй неку зод,
Басе ул бўлур шаҳзода домод.

Гуландом дедиким, эй сўзи шаккар,
Магар шаҳзодаға сизни берулар.

Деди:— Манга на чидой духтари шоҳ,
Мани бечораман шаҳзодаға доҳ.

Агар бизни қабул этганда шаҳзод,
Ки мунча қилмас эрди ох-фарёд.

Санго ишқи тушуб ул шоҳзода,
Чекиб жабру жафо ҳаддин зиёда.

Жаҳона Рустамона кўргузуб кор,
Ки акнун айлади мақсадни изҳор.

Аё гул, берсангиз бизга суюнча,
Келибмиз иккимиз сизга жавчи.

Деди:— Бизни қабул этсун в танноз,
Бурунғудек яна оғрутмасун боз.

Гуландом ноз ила юзни ўғуруб,
Уёлиб ғамза билан деди:— Ай хўб,

Туруб-туруб ажойиб сўзладинлар,
Ҳаммадин бизни анга кўзладинлар.

109а Ман айдимки, булар кўргони келмиш,
На ки, мандин савол сўргони келмиш.

Бу сўзларни деди, тек турди,
Қўлига зулфини ўйнаб ўтурди.

Неча сўз қоттилар индомати ҳеч.
Ўтурди зулфи сунбулни қилиб печ.

Имо қилди боқиб сўйи Рухафзо,
Деди:— Сўзлат мун сан, эй дил оро.

Ки осо сўзлатай деб ул гўзални,
Қошин қоқиб ўқурди бу ғазални.

Рухафзо сўзгина Гуландом итоб этиб, сукут эти-
кина Сарвосо сўзлатмоқ учун Гуландом ма-
ликога қараб бир ғазал ширин деюб ва Гулан-
дом неку назокат ва сарв қоматни сўзлатгани
бу турур:

Паризодлар ғазали Гуландома бу турур:

Эй юзи гул, кўзлари бодом, лабингдур қирмизи,
Юз ўғу(р)динг сўзламай недин ямон кўрдинг бизи.

Биз санго шаҳзодани арзини изҳор айладук,
Еқмади ўхшар санго жанонани айғон сўзи.

Шод бўл тубланма, эй гул, бўлсанг у парвонаға,
Кам эмастур сандин ул Рум подшоҳин ялгузи.

Кўб жафоу жабр кўрмишдур санинг йўлингда бас,
Суратингга қай кунн тушгай ани шахло кўзи.

Хокибўси даргоҳинг бўлмишдур ул олий жаноб,
Нечаларнинг юзига тегмас ани босқон изи.

Гул билан сунбул ярошур, санга ул зебо йигит,
Рум шаҳрининг ўғли ул, сан фағфур Чиннинг қизи.

Сайқалий, ул нозанинлар бу тарза гуфтор айламиш,
Юз хирожи мамлакат эрмиш анинг ҳар бир сўзи.

1096 Сарвосо ғазал ўқуғандин сўнг Гуландома моқ
пайкар ҳам ғазал билан паризод сўзларига
жавоб итоб омиз бергани можороси бу турур:

Бу сўздин сўнграким Осойи гулфом,
Деди:— Жоним, дилим, моҳим Гуландом.

Тағайюр берма ҳуснунг офтобинг,
Биза айғил начук бўлса жавобинг.

Бу сўз мазмунини англаб Гуландом,
Дебон сиғмаски ҳар оғизга бу ном.

Дер эрди бу ғазални ул суманбар,
Сочиб дуржи лабидин шаҳду шаккар!

Эй парилар, ман сиза сўзимни изҳор айласам,
Иқдаи зулфим киби дил нуктасин во айласам.

Ихтиёрим йўқ бу даврон ичра жонон истамак,
Шунча бас йўлумда нечаларни шайдо айласам.

Хар кими шаҳзодага завқи бўса тегсун бориб,
Жинлар урсун ман андин зарра парво айласам.

Бул асоси салтанат, ишрат ғаниматдур санго,
Сизиндек эсим кетибму эр таманно айласам.

Ормоним қолмас эрди бу жаҳонда, Сайқалий,
Ул санамдек ўзгаларни уйга пайдо айласам.

Паризодлар кўрарларким, Гуландом зиёда таъби
паришон улубтур лоилож Сарвосо Рухафзога
ишорат идуб ва Рухафзо Гуландома қараб бир
неча сўз қабиҳона мутояба айтдикдин сўнгра
Гуландом моҳ меҳо ва жамии мажлиса ўлонлар
бе ихтиёр кулушуб ва бир-бирига дамсозлик бў-
луб ва Гуландом моҳ лиқо париларни чўқтин-
чўқ иззат ва ҳурмат идуб ва билониҳоя шоёна
сарупо беруб ва ёрини висолина коминёб ўлду-
ғина ризо ва бир неча ихтиёрини отасига бериб
юборғони бу турур:

110а Уқубон бу ғазални ул Гуландом,
Утурур эрди ноз айлаб у ҳангом.

Рухафзога боқибон Сарвосо,
Деди:— Сўзлат муни сан, эй дилоро.

Рухафзо анда Гуландома боқиб,
Басе у дилбари гулфома боқиб

Дедиким:— Ена сўзла, эй юзи гул,
Санинг бирлан давом ул зулфи сунбул.

Басе, бир неча дам меҳмон эрурмиз,
Санинг сўзларинга қурбон эрурмиз.

Гапур ноз этма, ҳоло нозинг эрта,
Ушал вақти кеса қўлтуқда кирта,

Ки андин сўнг қилинг ноз устига ноз,
Ики носоз ўлурсиз анда кўп соз.

Руҳафзо сўзларига ул гули тар,
Тўкарди хандасидин шаҳду шаккар

Илондек чирмойиб бир неча кулди,
Узини тўхтатолмай барча кулди.

Қиқир-қиқир кулушурди парилар,
Эди ҳайрат з равзан шамсу анвар.

Борар айлаб санамлар суҳбати хуб,
Хуморлардин чиқиб ўйнаб гапуруб.

1106 Париларни Гуландом айлаб иззат,
Гуногун тортуруб кўп нозу неъмат,

Деди:— Эй жонларим, хуш келдингизлар,
Келиб-кетиб юрунг кетгунча сизлар.

Парилар айдилар:— Хушвақт бўлунг моҳ,
Баиззу давлат бо нусрати жоҳ.

Яна боқиб Гуландом сари Осо,
Деди:— Эй шамъи рўзи, олам оро.

Дегил, эмди охир сўзни бизга,
Ки бориб айтолик шаҳзодамизга.

Гуландом айди:— Сўз бизга эмастур,
Яна жавчи деган қизга кемастур.

Огосига эрур қиз ихтиёри,
Берур ҳар кимсага бўлса бахтёри.

Боринглар сиз бу дам ўйнаб-кулиб, шод,
Отам билсун Сайфур бирла шаҳзод.

Дебон ул ики моҳ сим танго,
Бериб инъом саропо ранго-ранго.

Узотти ул париларни сарафроз,
Тавозеълар билан ул моҳ танноз.

Паризодлар ўшал дам шоду хуррам,
Бориб шаҳзодани олдиға ул дам.

Талаттуфлар биланким ул парилар,
Гуландом сўзларин шарх айладилар.

Эшитиб шоҳзода бўлди хушнуд,
Деди Сайфуру Дастур:— Бўлди беҳбуд.

Ҳама аркони давлат бўлдилар шод,
Яна ул иккисин амр этти шаҳзод.

Деди:— Эмди турунг икки суҳанрас,
Боринглар боз фағфур олдиға бас.

111а Ул иккисин турубон анда хуррам,
Яна шоҳ олдиға бордилар ул дам.

Салом айлаб дедилар:— Эй улуғ шоҳ,
Берибдур иштиёрин сизга ул моҳ.

Бу сўзни шавқи бирлан шоҳ фағфур
Деди:— Кўб яхшидур, бисёр хўбдур.

Вазирларга боқиб у дам кенгошти,
Бариси хўб бўлур деб ҳам уношти.

Деди Ганжур:— Аё, эй шоҳ фағфур,
Муносибдур бу шоҳзода баҳодир.

Бу асноларда мундоқ шоҳзода,
Онодин туғқон эрмас халқ арода.

Отоси шаҳри Румнинг шоҳи бўлса,
Ўзунгдек тожу тахту жоҳи бўлса.

Ўзи бир навхуруж соҳиб қирондур,
Жаҳон айвонида бир паҳлавондур.

Неча эрликларин кўрмай эшиттук,
Ўзимиз ҳам тфоқо унда кўрдук.

Ки ул Нўшоддек ҳайбарни йиқса,
Бошин кесиб анинг кўксига чиқса,

Ки зангилар кўпин ул қирди ялғуз,
Анинг эрликларига бормукин сўз.

Йиғинда ўзи доно сўзи яхши,
Басурат тарх тарзу рўйи яхши.

Яна ҳар маслаҳатдин бо хабардур,
Топилмас ўлкада якто гуҳардур.

Йигит ҳам шул керак туғмоқ анодин,
Бу бир раҳмат эрур келмиш худодин.

Бу аснода туғулғон эрмас ул,
Шаҳо, бу сўз ҳамага бўлди мақбул.

1116 Келинг, «Омин»делук фотиҳа олсун,
Суюнсун дўстлар душман куюнсун.

Деди фағфур:— Агар хушлосангиз сиз,
Фидо шаҳзодаға юз жону юз қиз.

Кўториб барчаси илкин баробар,
Дедилар фотиҳа «оллоҳу акбар».

Туруб Сайфур билан Дастур сарафроз,
Суюнуб келдилар шоҳ олдиға боз.

Дедиларким:— Суюнчи борму бизга,
Муносиб этилар ул моҳни сизга.

Деди шаҳзод:— Дилу жоним суюнчи,
Олинг Румдин икки шаҳр ики элчи.

Яна лаълу жавоҳир икки сандуқ,
Туруб Сайфур, Дастур этти қуллуқ.

Ки андин сўнг билинг ул шоҳ фағфур,
Бўлуб хушвақт хуррам шоду мастур.

Тузотиб шоҳлик андозаларни,
Солибон юртлара овозаларни.

Бор эрди ҳар қаёна дўст-ёри,
Қариндош, улусу ақрабоси.

Аларга тўйға деб, киши юборди,
Хабарчилар юруб берди хаборди.

Йиғилди Чин аро беҳад халойиқ,
Уламоу умаро асфалу фоиқ.

Асоси салтанат устида фағфур,
Қилиб шаҳликка лойиқ тўй пур зўр.

Ажаб тўй-тамошо қилдилар соз,
Халойиққа бериб кўп неъмату ноз.

Ки то қирқ кунғача хушнуд хуррам,
Шаҳарлар ойна бандлик қилиб ҳам.

Қуруб мажлис ададсиз комиёби,
Очилик манзари ишратни боби.

Нечалар анда шаҳзод ила ҳамроҳ,
Нечалар ўлтурурди назд ул шоҳ.

112а Қўйиб созандалар кўп созларни,
Арода ўйнотиб таннозларни.

Кеча-кундуз қўюб лаҳву тарабни.
Қилиб беҳоб араб билан ажамни.

Шаҳона тўй берди шоҳ мунда,
Чаман ичра яна шаҳзода анда.

Йиғиб ул ҳам улуг ёр хос ила ом,
Берурди тўй жаҳонда қолғудек ном.

Қолиб ҳайрат турур эрди фалаклар,
Тамошолар қилур эрди малаклар.

Йиғиб кўб қиз париларни Гуландом,
Ки ул ҳам завқ этарди эртау шом.

Ажаб тўю тамошо қилдилар, бас,
Баён этмак билан ҳеч рост келмас.

Басе фағфур баиззу комрони,
Қониб онча ҳаваслар армони.

Буюруб қозиға айлаб никоҳи,
Бўлуб толибга матлуби мубоҳий.

Басе Дастур очиб сандуқ зарлар,
Баҳосиз ҳуққан лаълу гуҳарлар.

Уламолар билан бекларга қўйди,
На ким кўргон халойиқ кўзи тўйди.

Яна очиб ададсиз бўғчаларни,
Сочиб кимҳову атлас парчаларни.

Улошиб бердилар кўн хос ома,
Ямон-яхши боқиб тургон тамома.

1126 Тамоми хўжа-муллои қози,
Улуғ-кичик бариси бўлди рози.

Бори шаҳзодани қилди дуойи,
Дедилар: қўша қаритгай худойи.

Ровилар андоқ ривоят қилур, Гуландом моҳ
лиқойи шаҳзодаға ҳукми шариятча никоҳ идуб
ва ёри бе назирини мубоҳ эдуб ва тамои ула-
мойи ва умаро шаҳзодаи дуойи хайр эдуб ва
шаҳзода худованд таборак ва таоло ва тақад-
дуснинг иноёти ила бажониб ҳарам муҳтарам
ул ёри вафодорина ровона ўлуб ул дилбар ширам
кот висолина комиёб ўлғони:

Кел, эй Соқий, кетургил бодан ноб,
Баавн нусрат султони ваҳдоб.

Ки ўткой хузни кулфатни туни бас,
Жило бергай саодатни куни бас.

Басе ул шоҳзода шод-хуррам,
Хаёлидин кетиб андуҳ ила ғам.

Жўнор бўлди нигорин кўшки сори,
Қилиб дурру жавоҳирлар нисори.

Сочиб йўлларға тилло тангаларни,
Қувонтуруб тамоми янгаларни.

Поёндозлар солиб янголари ҳам,
Олиб шаҳзодани бордилар ул дам.

Гуландом қасрига еткурдилар чун
Дедилар:— Сиз билинг, эй шоҳ акнун,

Басе ул маҳ қошига кирди шаҳзод,
Салом этти туруб ул қадди шамшод.

113а Тутуб илкин чиқориб тахт юзига,
Басе белдин тўшалган тахт юзига.

Муҳаббатлар билан ул икки жонон,
Қўшулуб мисли шамсу моҳ тобон.

Боқиб бир-бирлари сори у ҳангом,
Ики куйгон юраклар тобти ором.

Талошиб-ўйношиб ўлтурдилар чанд,
Кетиб ғамлар бўлуб хушнуд, хурсанд.

Гулистондин зиёда эрди у дилбар,
Худо шаҳзодага қилди муяссар.

Эторди шоҳзода сайр бўстон,
Эди бекор унга боғу гулистон.

Қади сарву хол ханду анбарин мў,
Юзи гул, сочи сунбул, зулфи ҳар сў

Қоши ёй, кифрики ўқ, ғамзаси чўқ,
Жаҳонда хўблугиға ҳеч тараф йўқ.

Лаби лаълу бадахшон, тишлари дур,
Кулуши чаман пари, боқишлари ҳур.

Ҳама бошдан аёғи нозу ғамза,
Сухан устодидур ҳар қайси рамза.

Ажойиб нозанини ишва парвар,
Ул эрди кишвари ҳусн ичра сарвар.

Анингдек ёр ила шаҳзода Баҳром,
Талошиб, ўйношиб эрди у ҳангом.

Солибон қўлларин бўюнлариға,
Қўюшиб лабларини лаблариға,

Узубон олмалар рухсорасидан,
Қил ўтмай иккисини орасидан.

Қулушуб, ўйнашуб бози бабози,
Етишти бозиларни анда сози.

1136 Баҳодиршоҳким онда қизиқиб,
Ки машриқдин жўноди сўйи мағриб.

Йўлуқти олдиндин бир қалъаи хуш,
Кўруб шаҳзода кўнгли айлади жўш.

Солибон от қамаб шаҳзода тоқ,
Кўрар бир қалъаи маҳкам эрур чоқ.

Неча айлантуруб кўрди ани шоҳ,
Ки бир йўл от қўяй деб топмади роҳ.

Гумон эттики бўлғай бу тилисми.
Ўқуб шаҳзода анда чил исми.

У қалъа бобига зиҳнин қўюб хўб,
Баҳодирлик билан олди югуруб.

Кўрар қалъа эгоси олди шаҳзод,
Омон аламон деб қилди фарёд.

Деди шаҳзодаким, бўлди амони,
Замон шаҳзода Баҳромни замони.

Худо авни билан шоҳи жаҳонгир,
Анингдек мулкка андоқ бўлди омир.

.
Ўлтурурди қувониб анда шаҳзод,
Баҳамроҳи ул зебо паризод.

Қўлин бўйнига ташлаб ноз этарди,
Гуноғун ишвалар оғоз этарди.

Иодалар (?) қилурди шоҳзода,
Гоҳи отлиғ бўлуб, гоҳи пиёда.

114a Иккисин бахт иқболи очилиб,
Жавоҳир пора ҳуққада сочилиб.

Етиб мақсудига ул икки муштоқ,
Фалакни тоқини ғамдин қилиб тоқ.

Маишат бирла ўтди неча кунлар,
Ёзилиб ўртада тушган тугунлар.

Неча кундин сўғунким шоҳзода,
Ого бирлан оноси тушди ёда.

Ўзини ҳолидин бўлди хабардор,
Магар дархоб эдиким бўлди бедор.

Чиройи товланиб бир оҳ урди,
Солиб бошин сукут айлаб ўтурди.

Кўруб шаҳзодани ҳолини у моҳ,
Дедиким, эй азизим, бу нечук оҳ.

Яна ҳам бор экан сан кўрмаган ғам,
Манинг жоним бўсун дардингга малҳам.

На келди хотирингга айла изҳор,
Янги етган кўнгулни қилма афкор.

Дебон ул нуктадон моҳ талъат,
Ўқурди бу ғазални аз муҳаббат.

Ровийлар ривоят қилурларким, шаҳзодаи жаҳон паҳлавон ёр висолиға комиёб ўлуб, қач кунлар айш ва ишратда машғул тураркан вақтларда баногоҳда ота-онаси ва қабилу ақрабоси хотирини душуб ва ўз аҳволидин андуқ ҳабардор ўлуб, бир оҳ сару юрагидин беихтиёр чиқорган ёр вафодори хабардор ўлуб, деяки, эй ёр вафодор, ҳануз сен кўрмаган ғам бор экан, сабаб оҳни сўйламасанг тоқатим қолмади, деюб ёру вафодорина қараб ва зор-зор иғлаюб бир ғазал ўқугони бу турур:

Ғазали Ғуландом маҳлиқо бу турур:

Эй азизим, бандан чашми сиёҳинг ман санинг,
Ҳайрати дилсўз тортгонким, бу оҳинг ман санинг.

Қайси ғам боди юзингдин ўтти, эй тўби қадим,
Дей менга боқуб асири бир нигоҳинг ман санинг.

Сан манинг учун неча муддат асири ғам эдинг,
Эй бегим, ман эмди бўлган хоки пойингман санинг.

Ҳар қаён борсанг маним бошим санинг йўлингдатур,
Айласам сочим сугургу остонанг ман санинг.

Сайқални, ул нозанин шаҳзодага арз айлади,
Деб амирим, бир канизим, пур гуноҳинг ман санинг.

Алқисса шоҳзода буйла жавоб ёр-вафодоридин
эшитиб ва кўнгли бузулуб ва ёр-вафодорина арз
аҳвол чеккан оҳини қилмоққа рағбат этиб, ёри-
ни кўнглини хижлатдан чиқармоғи учун бир ғазал
ариза айткони:

Эшитиб ёридин шоҳзода бу сўз,
Дедиким:— Эй нигорим, эй кўрар кўз.

Ки акнун айтайин бу айлаган оҳ,
Ота-онам хаёла келди ногоҳ.

115а Ки ман бунда бу ишрат бирла мағрур,
Алар анда боруб айғунча Дастур,

Ки ман бу ерда иззат бирла дилшод,
Алар Румда қилурлар афғон-фарёд.

Ки ман бу Чин аро домод фағфур,
Алар анда манинг ҳажримда ранжур.

Булар келди хаёла айладим оҳ,
Аё, эй ёруғ жаҳоним, бўлғил огоҳ.

Дебон шаҳзод ўқурди бу ғазални,
Мухотаб айлаб ул зебо-ғўзални.

Ғазали шаҳзода Баҳром бу турур:

Шукриллоҳким, фалакдин ҳосили ком айладим,
Излаган сан оҳуйи рам хўрдани ром айладим.

Бодаи ишқинг ичиб масти хароботи бўлуб,
Неча айёмларни тун, тунларни айём айладим.

Аслаҳи ҳиммат кийиб, ғайрат яроқини миниб,
Кўп наҳанг қулларни майдон ичра итмом айладим.

Ҳар муроди истадим, топтим муродимдин зиёд,
Баски бу Сайфурни қовмилан мусулмон айладим.

Авни ҳақдин бўлдиким, юзланди равноқ корима,
Неча кун бу тахт-роҳат узра ором айладим.

Шоҳзода айди:— Жоно, маслаҳат қандоқ
бўлур?
Сайқалий, шаҳрини йўлига икром айладим.

Деб эрдиким, бу сўзларни шаҳ анда,
Ўтурурди эшитиб ул моҳ анда.

Дер эрди:— Эй амирим, комроним,
Фидо бўлсуч йўлунгда хаста жоним.

1156 Ишорат айладинг, билдим сўзунгни,
Мани ҳам бил, начук билсанг ўзунгни.

Манинг чун кўрдингизким, онча ғурбат,
Чекиб дарду алам, кўп жавру меҳнат.

Ки дарду ғуссадин топти замиринг,
Ажаб эрмас ман ҳам бўлсам асиринг.

Манинг ҳам ихтиёрим эмди санда,
Аёғинг қада бўлса, бошим анда.

Эшитиб дилбарин сўзини шаҳзод.
Мушавваш хотири бўлди яна шод.

Яна бўлди маншат бирла дамсоз,
Ўлуб меҳру муҳаббатлар фўзун боз.

Гаҳи жанона бирлан эрди ҳамдам,
Гаҳи чиқиб этарди сайри олам.

Гаҳи фағфур била ҳамсуҳбат эрди,
Гаҳи Сайфуру Дастур улфат эрди.

Гаҳи беклар билан айлаб шикори,
Кезиб саҳроу, боғу мурғзори.

Келурди манзилига боз қайтиб.
Зурафолар билан айтиб, эшитиб.

Бу кайфиятда ўтти неча авқот,
Билохир ул шаҳи олий мақомот,

Юрай токай, дебон бу шаҳр Чинда,
Қилур бўлди диёрига ирода.

Йиғиб неча шаҳи шаҳзоду беклар,
Ҳама сўзга етор ақли билуғлар.

Утуруб маслаҳат бирла кенгошти,
Битиб кенгошлари анда уношти.

Руҳафзони яна Сайфурға берди,
Ки Сайфур синглисин фағфурға берди.

116а Қилиб тўйу тамошоу ҳашамлар,
Етиб мақсудиға ул муҳташамлар.

Бўлуб хушнуду хуррам, шоду мамнун,
Йиғинни тарқатур бўлдилар акнун.

Сафарни қасдин айлаб ул шаҳрдин,
Ўқурди бу ғазални ул ўзидин.

Ровилар андоқ ривоят қилурким шаҳзода ко-
миёб ёру вафодорин ихтиёрин олиб, ёрини изни
билан шаҳр Рум ирода эткони бу турур. Ғазал:

Эй кўнгил, келгин бу кун азми сафар қилмоқ керак,
Бу сафарда ҳиммат аз сидқи сафо қилмоқ керак.

Хону монни тарк этиб ҳам мол ашени сотиб,
Билмойин суди зиёни тарк зар қилмоқ керак.

Кимки истар ёр даргоҳида аъло рутбани,
Ястониб даргоҳини куҳлул басар қилмоқ керак.

Улки шокирдур қазо бирла қадарни ҳукмига,
Жонни қалқон этиб, лахти жигар қилмоқ керак.

Сурати пок истаса ким тасвуроти¹ даҳридин,
Дидаи дилдин жаҳонда бир назар этмоқ керак.

Шом ҳажрин ёрубон хуршидваш рухсорига,
Хўр-у хобни тарк этиб, оҳ саҳар қилмоқ керак.

Эътибори йўқ жаҳонда, эътибори бўл ани,
Душмани шаҳзоддек зеру забар қилмоқ керак.

¹ дунёдаги суратлар демоқчи.

Бу ҳама айгонларинг шаҳзодани шонидадур,
Сайқалий, кел сўзни эмди мухтасар қилмоқ керак.

Шаҳзода бу ғазални ўқуб касд сафари Рум
қилуб ва шоҳ фағфурдин изн олуб ва видолашуб
жониби Рум азимат эткони бу турур:

1166 Кел, эй ровий, хаёлингни дигар қил,
Сафарлар қарди қайтиб сафар қил.

Суйи шаҳзодадин Сайфур, Дастур
Дедилар бир куни:— Эй шоҳ Фағфур,

Ҳамамингдин улуғ мухторимизсиз,
Амири олийул миқдоримизсиз.

Ароға тушти дўстлуқ ҳам қудолуқ,
Худойим солмағай ҳаргиз жудолиғ.

Ки акнун меҳрибонлиқ бўлса рухсат,
Олиб шаҳзодани қайтсақ бу фўрсат.

Дели Фағфур:— Бали, тайёр эруرمىз,
Фалохун тошидур ҳар су тушар қиз.

Добон йиғди ҳама хешу таборин,
Яна юртин улуғу эътиборин.

Хазина эшикин очиб ўшал ҳол,
Ададсиз теваларга юклатиб мол.

Қудоларға бериб кўп от, сарупо,
Қилиб кўп зебу зийнатлар муҳайё.

Яна сонсиз гулом, сонсиз канизлар,
Гуландома қўшуб бир неча қизлар.

Гуландом онаси кайвонулар ҳам,
Яна неча эного бонулар ҳам.

Юз ўтуз минг баҳодир диловар,
Қўшуб шаҳзодаға ул шоҳ сарвар.

Мунундек шавкати анжом бирлан,
Қизини иззату икром бирлан.

Очиб Чиндин узотти жониби Рум,
Олибон обру мобайн мардум.

Яна Сайфур қўшулуб шоҳ бирлан,
Кавокиблар қўшулуб моҳ бирлан.

117а Этиб суръат юрудилар бўлиб шод,
Ки ул ўткан қиронларни қилиб ёд.

Гаҳи секин, гаҳи чопардилар от,
Мунундек юрдилар бир неча авқот.

Баногоҳ егтиллар дарё лабинда,
Наҳангни ўлдургон шаҳзод у ерда.

У ерда олдилар бир неча ором,
Ки ул Сайфур ила шаҳзода Баҳром,

Икиси бир-бира айлаб видоъйи,
Ики олий насиб соҳиб шижойи,

Қилибон бир-бирига аҳду паймон,
Икиси айрилиб кетти ики ён.

Басе, шаҳзода андин йўлга тушти
Неча ойлиғ узун чўлларға тушти

Олиб атрофини лашкар ўнгү чаб,
Босиб дашту биёбонни мулаббаб.

Очилиб гунчадек тоза димоғи,
Қуюндек кўкни кўзлар арғумоғи.

У лашкарни мудаввар қилсанг они,
Эди гўё ки бир шаҳри калони.

Ки ҳар шаҳрдин ўтсалар яношиб,
Қолур эрди тамошога қарошиб.

Мунундек неча кунлар ҳам кезиб, бил,
Ки шаҳзод бўлди Рум ҳаддиға доҳил.

Деди Дастур:— Аё Шабранг айёр,
Суюнчи олғали сан илгори бор!

Ки Шабранг чопти ўн шогирди бирлан,
Ки Рум шаҳрига кирдилар борибон,

Кирибон шоҳ кишвар олдиға шод,
Деди:— Шоҳо, севинчи?! Келди Шаҳзод.

1176 Деди кишвар кўнгилда борини ол,
Санга инъом қилдим, эй неку ҳол.

Муни деб турди, отланди кишвар,
Шаҳардин ташқари чиқди саросар.

Ҳама аркони давлатлар билан шод,
Чопиб чиқти бариси сўйи шаҳзод.

Кўрурким олдидин келур отоси,
Қариндошу уруғу ақрабоси.

Ўзун ташлаб отидан шоҳзода,
Тамоми лашкари бўлди пиёда.

Югурдилар ҳама кишвар сарига,
Ки ул Рум толеъини сарварига.

Кўруб ўғлин суёноб шоҳ кишвар,
Ки ул ҳам отидин тушти саросар.

Етишиб ул қучоқлашиб кўрушти,
Ки йиғлаб ул болосини сурүшти.

Яна Румдин чиқон ақроби ғайри,
Кўрушти йиғлашибон барча бори.

Яна ул шаҳ навосин айламай бас,
Дер эрди сўз дилидин бу мухаммас.

Ровилар андоқ ривоят қилурким, шаҳзода Рум қадига доҳил бўлуб ва отосини дидор шарифи ва мушарраф ўлуб ва жамин ақрову қавм қабоил ҳам Шаҳзодайн кўруб ҳама зорж азлауб ва отоси шаҳзодайн ҳажрида чеккон жафоларини деюб ва қақ таоло ҳазратина шукр этуб ва сўрогонини ва шаҳзода ҳам отасилан мухаммас ила жавоб бергони бу турур:

118а Эй нури дида, марҳами дил тож бар сарим,
Қонлар тўқорди йўлларингга дидаи тарим,
Ениб ғаминго ўртоди ким, бу сўнгоқларим,
Хуш соат эрди келдинг, аё шамс анварим
Ким лутф бирла қўшди сани шоҳи акбарим.

Олдинго эмди арз айтай, эй шаҳим эшит,
Саргашти қулни ҳолини, эй олий жоҳ эшит,
Бир турфа шўр тушти боша, қиблагоҳ эшит,
Чектим таажжуб дард алам, ранж роҳ эшит,
Қиссам тавил кам-кам, эшит эмди раҳбарим!

Сўзла тилингдаин ота, аё эй шакар лабим,
Ҳар бир сўзингда тухфа манга ҳал мушкулим,
Сансиз қоронғу эрди жаҳон нур қандилим,
Фахру асос салтанатим қуввати дилим,
Сансиз чароғ дийдаларим боша афсарим.

Эй раҳбарим, отам, сануман санго муқтадо,
Кўрдум фалакдин ҳар на жафо, кўрдум эй ото,
Тушти баногоҳ кўзума бир ҳур маҳ лиқо,
Баҳр ғамида урдум они неча даст по,
Охир муяссар ўлди ўшал тоза гавҳарим.

Эй, жон ота, йўлларингга интизор эдим,
Ойдек юзунгни кўрмака ҳар лаҳза зор эдим,
Тун-кун тилаб худодин сани беқарор эрдим,
Шому саҳарда санго дуо бирла бор эдим,
Қолдим ғамингда қайда эдинг нур басарим.

118б Соғинмоғингдаин қилди фалак ким жудо мани,
Ҳижрон ўтиға қилди тун-кун адо мани,
Афтода қилди ғурбат аро у қазо мани,
Дард-аламга қилди ажаб мубтало мани,
Келмогонимни узри будур вой муҳтарим.

Токай соғинмойин сани қандай падар эдим,
Ҳажрангда шому саҳар дарбадар эдим,
Билмом на ғамлар ўтти санга беҳабар эдим,
Билсом кулоҳ, жанда кийиб охторор эдим,
Юрган йўлингдан ўргулайин, эй қаландарим.

Эй офтоби чарх гардун, нури басоратим,
Эй подшоҳи кишвару олий иморатим,

Бозин учурган илдин соҳиб валоматим,
Бе сан йўқ эрди анда мени ҳам малоҳатим,
Ман ҳам у ерда сандек эдим вой мухтарим.

Эй, сўзларингдин эди тасаддуқ ато букун,
Мақсад сан эрдинг айлади тангри ато букун,
Келди фарахни лашкари ғамлар раҳо букун,
Тобти диёру манзарим нури сафо букун,
Зулмат сароим узра ёнан шамъи анварим.

Эй шаҳ, абасга бўлмади санго оҳ этконинг,
Шукр худога кишвар мақсадга етконинг,
Кўздин адоша келдики ҳар ёна кетгонинг,
Келди ёнингда ёна жаҳон ичра етконинг,
Сайқал жаҳонда ўлмади ҳеч тоза ахгаринг.

Шоҳзода отасила мухаммаслар ўқуб, фароғ
мухаммасдин сўнг шаҳзода кируб яна тозадин
Рум шаҳрина қирқ кечау кундуз тўй-тамошо
веруб ва жавоҳирот суқоқларда сочуб ва тамом
фақиру фуқорони ғани эдуб ва қудоларин чўқ-
чўқ иззат ва икром ҳалдин зиёла эдуб ва дугун-
ларни тарқотуб ва қудоларни бе андоза аҳсону
икром ҳалдин зиёда эдуб, жониби чин узотуб
ва ўзи яна давлат ва нусратла муродиға етушуб
Румда қолғони можораси бу түрур:

Ото ўғил туруб отландилар боз,
Улуғ-кичик бўлуб шоду сарафроз.

Поёндозлар солибон тос-атлас,
Келибон кирдилар Рум шаҳрига бас.

Сочибон кўчаларга лаълу маржон,
Талошиб халқи олди ҳарна ҳар ён.

Олиштилар басы сангпораларни,
Ғани айлаб ҳама бечораларни.

Келиб қўнди бадавлат шоҳ кишвар,
Яна шаҳзода бирлан онча лашкар.

Тушуб ўлтурдилар чун шоҳ хуррам,
Этиб ишрат кетиб андуҳ ила ғам.

1196 Йиғиб машриқ-мағриб халқини чун,
Асоси салтанат бирлоким акнун.

Ажаб тўй-тамошолар тузотти,
Қилиб иззат қудоларни узотти.

Тамом Рум халқи бўлдилар шод.
Муродиға етушти шоҳ шаҳзод.

Талаб сидқ ила қилса қайси одам,
Берур матлубини халлоқ олам,

Илоҳи жумла ошиқлар ҳақидин,
Ҳама ориф содиқлар ҳақидин.

Мани бечорани ҳам айлағил шод,
Ики дунё ғамидин айла озод.

**Шаҳзодни достони тугонуб ва ровий бечора
ўз ҳасбу ҳолидин андак рашхайи баён кетуруб
рақам эткони бу турур:**

Кел эмди, Собир Сайқал ниҳода,
Тугонди достони Шохзода!

Ўзунгни ҳасбу ҳолингдин хабар қил,
Аламларни ёзиб гулгун рақам қил.

Ғараз дилгирликдин, эй ёронлар,
Бу дostonларни қилдим рўйи дафтар.

Ҳақиқий дей кўнгулни ихтиёри,
Забон суйи мажози кетти бори.

Кўрубон ўқуса ҳар ким бу қисса,
Димоғидин кетар андуҳ ғусса.

Хусусан ҳар кишини дарди бўлса,
Рух зард ила оҳ сарди бўлса.

Бу сўзларни олиб ҳар дам ўқуғой,
Мани дилхастани ҳам ёд қилғой.

**120a Юрак қони билан биттим бу дoston,
Ўқуғон бир бўлур боғу гулистон.**

**Очилур ранг-баранг зебо чаманлар,
Сочилур тор сунбул бо суманлар.**

Димога иси мисли уд анбар,
Варақ ағдарсалар ойлар муаттар.

Ки ҳар бир мисраъи ширу шакардур,
Ки ҳар бир ҳарфи бир якто гуҳардур.

Тутуб соҳиб суханлар, эй халойиқ,
Сўз айтиб ҳар ким ўз ҳолига лойиқ.

Ман ҳам ўз ҳолимға андоза қилдим,
Бу достони куҳанни тоза қилдим.

Эронлар руҳи берди манга ёри,
Ман ўлсам қолса мандин ёдгори.

Биродарлар қани фарзанди одам,
Пайамбарлар қани одамдин хотам.

Алардин сўнграги эрлар қани бас,
Ўтар борин қаро ер ҳеч қўймас.

Омон қолмас сира ҳар зи нафас бор,
Ўзи ўлмасдур ул донойи асрор.

Вафо қилмас бани одамға дунё,
Саробидур ичурмас бир дам моё.

Одамдин фония келгон эрурмиз,
Неча кунлик кетор меҳмон эрурмиз.

Қоронғу ерга кирмасдин бурунроқ,
Кел эй кўнгил, ўзунгни айлағил соғ.

Замона халқидин кес тору улфат,
Чиқиб чулларда тут домон узлат.

Эр улдур синасиға дарди бўлса,
Тилига ҳарф оҳ сарди бўлса.

1206 Эр улдур синасиға дарди бўлса,
Ниҳоли дард ила парварди бўлса.

Бу дунё давлатин йўқ пойдори,
Мадоро чун қилай йўқтур мадори.

**Билур бир нечалар дунёни роҳат,
На роҳат истадим, ул бўлди захмат.**

**Кўрарман юз жафо дун дағалдин,
Олоолмам жуз илал қўлга ба ғалдин.**

**Агарчи ғам-ғами олам эмастур,
Кўнгилдин бир дами ғам кам эмастур.**

**Асири дард ҳайронам жаҳонда,
Ғариб хор давронам замонда.**

**Начукким ахтар бахтим забундур,
Ниҳолим бор ғамдин сар нигундур.**

**Очилмас абри захматдин қабоним,
Тутулғон гард кулфатдин димоғим.**

**Жаҳон айвонида бир шўр бахти,
Маломат кўшкини устига тахти.**

**Аламдин бағри куйган зордурман,
Ситамдин синаси афгордурман.**

**Жафо бирла рафиқи ғордурман,
Лакад кўб букул даввордурман.**

**Қазойи қисматимни мубталоси,
Фалак урғон ғарибу мубталоси.**

**Машаққат кишварининг кад худоси,
Жаҳонда етмаган ҳеч муддаоси.**

**Гул истаб мисли булбул нолаликман,
Нужуми кўк киби парколаликман.**

**Тугон юлдуз манга меҳнат гарафдин,
Тугон қўлумда ҳар меҳра садафдин.**

**121a Жаҳонда коф корим қоҳдиндур,
Хузурум аскарӣ атрофдиндур.**

**Замонда ман каби куйган ғариб йўқ,
Бу дунё лаззатидин бе насиб йўқ.**

Сувор давлатим даст аламга,
Жафо муниши ишқобатдин рақамга.

Ёниб шамъи алал ўртоди доим,
Ситам ҳамдам ғаму ғурбат мулозим.

Ҳумойи толеим боли шикаста,
Баҳомун жунун узлат нишаста.

Манам бир бағри куйган халқ орода,
Ғамим мажнун мозийдин зиёда.

Бу даврон нечаларга ком берди,
Ки ман ком истадим дашном берди.

Сводурман фалакни миннатидин,
Хабарсизман бу дунё роҳатидин.

Ажаб толе сиёҳ бахти қароман,
Мағоқ дарда қолғон мубталоман.

Суворим — ғам, либосим кулфатимдур.
На ерда меҳнатим ҳам улфатимдур.

Манингдек зор булбул дар қафас йўқ,
Десам роз дилим бир ҳам нафас йўқ.

Манга йўқ бу жаҳонда ёдгори,
Муҳаббатлик рафиқу ғам гузори.

Эрурман лашкари ғам тождори,
Маломат кўчасин муҳтождори.

Хароботи бўлуб ошуфта ҳолим,
Май истаб илкима сингон сафолим.

Раҳим айлаб яна тасбиҳ дастор,
Қилибон тарк нангу номусу ор.

4216 Ўлойдим, ўлмадим улдам бад афъол,
Ишим фисқ-фижур ҳам моҳила сол.

Ҳавоу кибр ила авқотим ўтти,
Маломатни кўйинда отим ўтти.

Эрурман бандаларни зишт рўйи,
Жаҳон ичра фўруларни фўруйи.

Ки бул олам арода қоф то қоф,
Ҳаво қилмай агар келтурсам инсоф.

Худо халқи забунини забуни,
Тамоми сар нигунлар сар нигуни.

Ҳамиша феълу хўйим ҳарзагўлик,
Демас ҳеч ким чиқор сендин нигулук.

Жаҳонда ҳар хабардин беҳабарман,
Башар сурат, вале хардин батарман.

На манда зеб жома нутқ томма,
На хат халқ на имлойи хома,

Ҳавоси хамсадин манга хабар йўқ,
Нишон одамиятдин алар йўқ.

Ўзумни феъл атворим ўзумга,
Азозилдин батар турмуш кўзумга.

Уруб гарчи мусулмонлиқни лофин,
Юрудум айламай нафсим хилофин.

Таҳорат фикри дунё бирла айлаб,
Саловатимни тамонно бирла айлаб.

Риё бирла қўюб масжид сори пой,
Фалакка нақд умримни бериб бой.

Манам даҳра ямонларнинг ямони,
Икيني бири-бирни бегумони.

Магар лутфи билан халлоқ олам,
Мани қилғай севар қулларга ҳамдам.

122a Кел эй кўнглум, паришон ўлма бисёр,
Забоним эмди кўтоҳ айла гуфтор.

Агарчанди бўсанг аҳли суханвар,
Бир айгон сўзни кўп қилма мукаррар.

Деди пайғамбар иззуҳу жалла,
Эрур сўзни хўби қалла у далла.

Пайғамбар тарихидин^{ми} ^иикки юз бир,
Ўтиб эрди тамом ўлди бу таҳрир.

Ғанам соли эди шаҳри муҳаррам,
Тамом ўлди бу сўз ва аллоҳу аълам.

Камина, Собирий — айғучисиман,
Муҳаммад умматини камтариман.

ЛУГАТ

А

Абас — сеҳуда
 Абдол — қаландар
 Абтар — вайрон
 Авло — яхшироқ
 Авн — ёрдам
 Авроқ — варақлар
 Авқот — вақтлар
 Адим — тепалик
 Айн — қуёш
 Айнайн — икки кўз
 Азрақ — кўк
 Акнун — энди
 Ақобир — улўғлар
 Алайно — бизга
 Амниқ — чуқур
 Анбуҳ — талай, беҳад
 Ангез — кўрсатиш, бағиш-
 лаш
 Авгишгарин — узук
 Андуҳ — ғам
 Анис — дўст, улфат
 Аркони давлат — давлат улур-
 лари
 Асфал — тубан
 Афсар — тож
 Афтода — назарда тутилма-
 ган, туширилган
 Афғон — фиғонлар
 Ахзар — кўк, яшил
 Ахтар — юлдуз
 Аъдо — душманлар
 Аъмол — амаллар
 Ақолим — иқлимлар

Б

Бабр — йиртқич ҳайвон
 Бадеъ — нафис, гўзал

Байза — тухум
 Баст — боғлаш
 Башар — ивсон
 Баҳр — денгиз
 Беҳбуд — яхшилик
 Беҳжат — севинч
 Бироқ — хачир
 Бисёр — кўп
 Булҳавас — ҳаваскор
 Боз — лочин

В

Во — очинш
 Вобаста — боғланган, алоқа-
 дор
 Всла — улўғлик, баланд

Г

Ганж — бойлик
 Гом — қадам
 Гулфом — гул ранг
 Гўй — тўп

Д

Даввор — давр қилувчи, ай-
 ланувчи
 Дайёр — уй эгаси
 Дигар — бошқа, ўзга
 Дилафрўз — кўнгилни ёри-
 тувчи, севгили
 Диловар — баҳодир
 Дилтанг — сиқилган ғамгин
 Домод — кувёв
 Дурри макнун — яширин дур,
 инжу
 Дурри шаҳвор — йирик инжу

Дурун — ёлгон
Духон — тутун

Ж

Жабҳа — манглай, пешона
Жавоҳир — гавҳарлар
Жавшан — совут, зирнҳ
Жало — воз кечиш, ташлаб
кетиш
Жалолат — шукуҳ, обрўй
Жаррор — кўп лашкар
Жубба — кийим, тўн
Журм — гуноҳ, жиноят
Жовидон — абадий
Жола — сел
Жох — мартаба
Жоҳ нусрат — обрўй, амал
Жўй — ариқ

З

Залил — хор
Занги — қора бадан, негр
Зард — сариғ
Зи — эга
Зида — сўз бирикмаларида
ишлатилиб, кўпайсин, орт-
син деган маъноларни
англатади
Зилл — соя, кўланка
Зубда — ҳулоса
Зурафо — гўзалликлар

И

Ибҳом — 1) ноаниқлик; 2)
кўрсаткич бармоқ
Иноят — илтифот, қувватлаш
Инов — жилов, ихтиёр
Иода — қайтариш, такрорлаш
Истимрор — абадий
Иттиҳод — бирлашиш
Иқд — марварид бағлаш, шо-
да
Иқтидо — эргашиш
Ихтисоб — ҳисобга олиш,
текшириш

К

Кадхудо — ҳукмрон
Каж — эгри
Калолат — дудуқлик

Камин — бир чекка
Кам тарс — қўрқмас
Килк — қалам
Кирдор — феъл-атвор
Кисват — кийим
Ком — мақсад
Куҳан сол — ёши улуг, қа-
рния
Кухл — сурма
Кўтоҳ — қисқа

Л

Лакад — тепки
Ламязал — йўқ бўлмайдиган
Лаҳв — ўйин-кулги, бефойда
айш
Лижом — юган
Лоубол — бепарво

М

Маввож — мавжлар, тўлқин
Мадди назар — диққат билан
қараш
Мазбут — қўлга олинган
Малбус — кийинган
Малул — қайғули
Марз — экин майдони
Мару — сон; санокдаги сон-
ларнинг ҳар беш ўнталиги
Машварат — кенгаш
Мағоқ — чуқур
Минвол — тартиб
Мор — илон
Моъ — сув
Муаззам — улуг
Муаттар — хушбўй
Мубориз — жангчи
Мубохий — 1) фаҳрланувчи,
қувонувчи; 2) донгдор
Мужда — хушхабар
Мужмар — тутотқи идиш
Муллаббаб — лиқ тўлган
Мумайиз — ажратувчи, баҳо
берувчи
Мунаввар — нурланган
Мунаққаш — нақшланган
Мунодий — жарчи
Мураббаъ — тўрт бурчак
Мурассаъ — безалган
Мусаллам — маъқулланган

Мустаманд — гамли, қайғу-
ли, гирифтор, боғли
Мухотаб — бечора, муҳтож,
эшитувчи
Мушавваш — паришон, беса-
ранжон, ташвишли
Мушайк — кавак
Муқтадо — бўйсунган, эр-
гашган

Н

Набз — томир
Навраста — янги етишган
Намадпӯш — кийгиз ёпинган
Нанг — иснод, ор
Нар — эркак
Нарм — мулойим
Неку ном — яхши отлик
Неку рӯ — яхши юзли, чи-
ройли
Нигин — узукнинг кўзи
Ниҳуфта — яширин
Ноқил — ҳикоя қилувчи
Ноғу — қандай

О

Обдор — тиниқ, тоза
Озмуд — синалган
Ормон — орзу, тилак

П

Паррон — учувчи, учадиган
Пираҳан — кўйлак
Подабон — подачи
Помон — оёқ ости
Пур — сўз бирикмаларида
келиб, тўла, кўп маъноси-
ни беради
Пурсиш — сўраш

Р

Раг — томир
Раёҳия — райхонлар
Рамақ — энг охирги нафас
Расид — етишиш
Рашҳа — томчи
Раҳи — гаров
Риёз — боғлар
Рижо — илтимос, талаб

Рикоб — 1) узанги; 2) стакан
Ровзан — тешик, форточка
Руд — 1) анҳор; 2) чолғу ас-
боби
Рутба — мартаба

С

Сад барг — сариқ рангли ўт;
ўсимлик
Салосил — занжир
Самоғи — эшитилган
Санж — териш
Сарафроз — шод, шодлик,
хурсанд
Сарв — тик ўсадиган, жуда
чиройли дарахт (кипа-
рис)
Сарвосо — сарв каби
Сарв сиҳи — келишган
Саркаш — бош тортувчи
Сарупо — бошдан оёқ
Саросар — бошдан-бошга; бу-
тувлай, доимо маъносида
ишлатилади
Саршор — сероб, мўл, кўп
Сафаржал — беҳи
Сафлар — ботир
Сафидвор — оқимтир
Саҳт — қийинчилик
Сақн — сақлан
Себарга — ўсимлик, эрта ба-
ҳорда пайдо бўлади
Сиво — ўзга, ташқари
Сим — кумуш
Сиришт — яратилиш, хулқ,
одат
Сирож — чироғ
Соир — бошқа; сайр этувчи
Сомъе — яшитувчи
Соҳиб — эга
Соҳит — бўш жой, очиқлиқ
Сувар — суратлар
Суроҳ — бутилка, шиша
Суханрез — сергап; гапирувчи
Сў — тараф, томон

Т

Табарро — четлашиш, юз ўги-
риш

Табор — қариндош
Табл — ногора
Тавил — узун
Тавсан — от
Таковар — йўрға от
Тамасхур — масхаралаш
Тамиз — фаҳм
Тараб — хурсандлик
Тарроп — ўғри, безори
Тасарруф — ортиқча сарф қилиш

Тақрир — қарор бериш
Тахаммул — сабр қилмоқ, чидамок

Тийнат — характер, хулқ
Тин — анжир
Тувор — зиёрат
Тул — узун
Тулуъ — пайдо бўлиш
Туфайл — сабаб

У

Уммон — денгиз

Ф

Фатила — паяк
Фатҳ — очиш
Фарағ — кутулиш
Фаромүш — унугиш
Фарсанг — бир тош, баш ярим, олти км масофа
Фарфан — ҳийлакор
Фарш — палос
Фағфур — хитойликлар подшосини фағфур дейдилар
Фида — садқа
Фиррош — палос тўшовчи
Фузун — ортиқча

Х

Харвор — бир эшакнинг юки
Хез — турмоқ
Хишт — ғишт
Ховар — шарф
Хома — қалам
Хотам — узукнинг кўзи; узук
Хужаста — қутлуғ, муборак
Хун — кон
Хут — балик

Ч

Чавгон — таёқ; тўп ўйинида ишлатиладиган таёқ
Чарх — осмон, фалак
Чашн — тантанали йиғилиш
Чаҳор мағиз — ёнғоқ
Чолок — тетик, илдам
Чош — тўлдириш
Чуст — чаққон, тайёр

Ш

Шабохун — ғафлатда қолдириш
Шай — нарса
Шамс — кўёш
Шафеъ — ёқловчи, воситази
Шахбоз — лочин
Шахсувор — чавандоз
Шингуфта — счилган
Шикор — ов
Шиннаво — эшитувчи, англозчи
Шиновар — сузмоқ
Шноъ — ёруғлик

Э

Эътидол — ўрта даража

Ў

Ўтру — қарши

Қ

Қабонл — қабилалар
Қабохат — ёмонлик
Қавий — қувватли
Қазо — тасодиқ, тақдир
Қаллош — орсиз, қасиятсиз
Қоба қовсайн — икки камон ўртаси
Қосир — камчиликли, калта, кучсиз
Қулзум — денгиз
Қулон — ёввойи эшак
Қумош — матоъ
Қутб — ҳар бир гуруҳнинг пешвоси

F

Ғаввос — денгиз остида юрүвчи
 Ғирив — шовқун-сурон, қич-
 қириқ
 Ғизол — кийинкинг боласи

Ҳ

Ҳаб — дона, дов, уруғ
 Ҳаваф — нишоя
 Ҳай — твиркляк
 Ҳамми — иссиқ, қайноқ,
 Ҳазир — илалдан ишланган

юпқа материал

Ҳидоят — раҳбар, тўғри йўл
 кўрсатиш
 Ҳижоб — парда
 Ҳимам — ҳиммагли
 Ҳин — вақт, дам, чоқ, замон
 Ҳиргоҳ — чодир
 Ҳисор — қўрғон
 Ҳиқа — шубҳасиз
 Ҳоил — даҳшатли
 Ҳувайдо — белгили, ошкор
 Ҳумо — афсоналарга кўра
 бахт қуши эмиш
 Ҳумоюн — қўглуғ, шарафли

МУНДАРИЖА

Сайқалий ҳамда унинг „Баҳром ва Гуландом“ достони ҳақида	5
Баҳром ва Гуландом	17
Луғат	217

На узбекском языке

САЙКАЛИ

БАХРОМ
И
ГУЛЬАНДОМ

Нашриёт редактори *Т. Содиқов*

Рассом *В. Тий*

Техред. *Э. Горьковая*

Корректорлар *Ҳ. Саъдуллаева ва Р. Қучқортоева*

Р07153 Теришга берилди 30/1-60 й. Босишга рухсат этилди 2/III-60 й.
Қоғоз $84 \times 108^{1/32} = 3,5$ Қоғоз л. 11,48 босма л. Нашриёт л. 8,76.
Тираж 10000 Баҳоси 5 с. 30 т. Муқоваси 2 с.

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмахонаси.
Хоразм кўчаси, 9. Тошкент, 1959 й. Заказ 77.
Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.
